

O'ZBEKISTON QISHLOQ XO'JALIGI

ISSN 2181-502X

№10. 2017

Хирмонингизга
барака,
азиз бободехқонлар!





«AnGuzal Agroservis» ХК

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЭКИНЛАРИНИ ЗАРАРЛИ ҲАШАРОТЛАРДАН
ВА КАСАЛЛИКЛАРДАН ҲИМОЯЛАШ УЧУН МИКРОБИОЛОГИК
ПРЕПАРАТЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
(очик ва ҳимояланган тупроқда қўлланиш учун)



СПОРАГИН

Тизимли микробиологик фунгицид

Ўсимликларни замбуруғли ва бактериал касалликлардан, шунингдек, пахта, бугдой, сабзавот-мева ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини куйидаги барг ва илдиз касалликлари мажмуасидан ҳимоя қилиш учун қўлланилади: илдиз чириши; фузариоз; вертициллёз; фитофтороз; альтернариоз; церкоспороз; унсимон шудринг; пероноспороз; парша; монилюоз; кулранг чириш; занг; бактериоз-бактериал куйиш; бактериал саратон; некрозлар.

ПРЕСТИЖ

Микробиологик инсектицид

Ҳашаротга ва унинг ичагига таъсир этувчи препарат

- Экинларни: оқлашша, барг қурти, қўсак қурти капалаги, куя, ялтироқ қурт, ўраловчи қурт (шу жумладан, узум бошига тушувчи), мевахўр, одимчи қурт, ипак қурти, ўсимлик бити, ўргимчаксимон кана каби ҳашаротлардан ҳимоя қилиш учун қўлланилади.

ПЛАНТАСТИМ Фунгицид хусусиятли микробиологик биокучайтирувчи препарат

Ўсимликларнинг ривожланиши ва озиқланишини,

- барча қишлоқ хўжалик экинларини вегетация бошидан охиригача яхшилаш учун махсус ишлаб чиқилган. Уруғларнинг униб чиқиши ва ўсимликлар ўсишини тезлаштириш учун самаралидир. Ўсимликларнинг илдизидан озиқланишини кучайтиради, ўсишнинг бошланғич босқичларида бақувват илдиз тизими ривожланишини таъминлайди, илдиз патогенларидан ҳимоя қилади.

**Тупроқ ва ўсимликларни касалликка микробиологик анализ қилиш.
Тупроқни микроэлементларга ва Ph га текшириш.**

**ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ВА ЭКОЛОГИК ТОЗА ҲОСИЛ!
ПРЕПАРАТЛАРИМИЗ ҲОСИЛДОРЛИКНИ 20-40 % ОШИШИГА КўМАКЛАШАДИ.**

Тел.: (+998 90) 906-72-99, 977-27-16, (+99893) 580-71-71;

E-mail: anguzal@mail.ru

УСТОЗ — ТАФАККУР ШАМСИ

Қадимдан устоз ва ўқитувчиларга, домла ва мураббийларга фарзандларимиз камолини таъминловчи инсонлар сифатида қараб келинган. Бунинг миллий қадрият даражасига кўтарилгани мамлакатимизда мазкур соҳа ходимларига нисбатан азалий ҳурматимиз намунаси. Ҳар йили 1 октябрь мамлакатимизда Ўқитувчи ва мураббийлар кунининг умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиши ана шу эътибор ва эҳтиромнинг ифодаси ҳисобланади.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилиш дастури ҳаётимизга муваффақиятли жорий этилиши натижасида узлуксиз таълимнинг замонавий талабларга жавоб берадиган яхлит тизими яратилди. Мамлакатимизда кенг қўллангани ислохотлар бошланганидан буён олий ўқув юртлари сони 2 марта ошди, бугунги кунда 60 та олий таълим муассасасида 230 минг нафардан зиёд талаба таҳсил олмақда. Ўзбекистонда Европа ва Осиёнинг бир қатор етакчи олий ўқув юртларининг филиаллари, жумладан, Вестминстер университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Турин политехника университети, Россия нефть ва газ университети, Москва давлат университети, Жанубий Кореянинг ИНХА ахборот-технологиялари университети, Россия Иқтисодиёт университети филиаллари фаолият юритмоқда.

Бугунги кунда БМТ маълумотларига кўра, мамлакатимизда таълимга йўналтирилаётган харажатлар давлат бюджетининг 35 фоиздан ортигини ташкил этмоқда. Бошқача айтганда, давлат бюджетидан ҳар йили шунча маблағ айнан таълим-тарбия соҳасига йўналтирилмоқда.

Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ва етакчи халқаро бизнес-мартаблардан бири — "ИНСЕАД" томонидан 2012 йилда инсон капиталининг тараққиёт даражаси бўйича ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистон 141 мамлакат орасида 53-ўринни, таълим тизimini ривожлантириш даражаси, жумладан, таълим мақсадлари учун ажратиладиган маблағлар бўйича эса дунёда бешинчи ўринни эгаллаб турибди. Мазкур рақамлар таълим соҳасига давлатимиз томонидан нақадар катта эътибор берилганлигини ифодалайди, албатта.

Бу эзгу мақсадлар замирида ке-

лажамиз ворислари бўлган ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан баркамол улғайиши, мамлакатимиз тараққиётининг янада ривож топиши йўлида ҳақиқий ватанпарвар инсонлар бўлиб етишиши мужассам.

Ваҳоланки, БМТнинг ЮНЕСКО статистика институти ҳисоботида кўра ҳозир дунёда «Таълим инқирози» кечмоқда. Ҳисоботда таъкидланишича Сайёрамизда 600



млн бола математика бўйича билимсиз, шунингдек ўқишни ҳам билмайди. Ҳатто Шимолий Америка ва Европада 14 фоиз ёшлар таълимнинг бошланғич даражасига эга эмас. Бу рақамларни мамлакатимиздаги аҳволга қиёсласак давлатимизнинг таълимга эътибори юксаклиги намоян бўлади.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфида ҳам 4 та олий ўқув юрти — Тошкент давлат аграр университети ва унинг Нукус, Термиз филиаллари, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ва унинг Бухоро филиали, Самарқанд ҳамда Андижон қишлоқ хўжалик институтлари фаолият юритади. Мазкур билим даргоҳларида 1500 нафардан зиёд профессор-ўқитувчилар, шу жумладан, 90 нафардан зиёд фан доктори ҳамда 550 нафардан ортиқ фан номзоди ёшларга сабоқ бериб келаётир. Улар орасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоблари, академиклар, Халқаро академия-

ларнинг ҳақиқий аъзолари, хизмат кўрсатган ёшлар мураббийлари, олий таълим фидойилари ҳамда давлатимизнинг юксак унвон, орден ва медаллари билан тақдирланганлар бор. Уларнинг фидокорона меҳнат йўли ёшларимиз учун ҳамшиша ибрат бўлиб қолаверади.

Сўнгги йилларда замон талабларидан келиб чиқиб, ТошДАУда балиқчилик факультети, унинг Нукус филиали ва СамҚХИда балиқчилик йўналиши, ТИҚХММИда мелиоратив гидрология йўналиши ташкил этилди. Эндиликда фақат юксак билимли, мустақил фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган ва амалий касб-хунарларга эга бўлган ёшларгина мамлакатнинг буюк келажагини таъминлаши мумкин. Бу борада қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларига етук мутахассислар етказиб берувчи олий ўқув даргоҳларимизда ана шундай интеллектуал салоҳияти юқори бўлган ёшлар таълим олаётир. Масалан, илмга бўлган чанқоқлиги, изланувчанлиги билан Тошкент Давлат Аграр университети талабалари 2016—2017 йил учун бакалавр Юсупбек Султонов, магистр Шохжаҳон Жалилов Президент стипендианти бўлишга эришишди. Ёки шу илм даргоҳида таҳсил олаётган Муроджон Мамасолиев, Маъмура Халилова, Зоҳид Кенжаев каби талабалар ўқиш ва жамоат ишларидаги фаоллиги боис "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони билан тақдирланди. Шунингдек, Самарқанд Қишлоқ хўжалиги институти 3-босқич талабаси Миржаҳон Яздонов 2017-2018 йиллар учун Хитой давлати ҳамда ЮНЕСКО ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган "Буюк девор" стипендиясига сазовор бўлди. Бундай иқтидорли, изланувчан талабалар олий ўқув юртларида кўплаб топилади. Уларнинг камолотида эса устозлар меҳнати мужассам.

Шунингдек, мамлакатимизда илм ва маърифатга юксак даражада эътибор қаратилаётгани ёшларимизнинг янада чанқоқлик билан билим олишлари, ўқиб, изланишлари учун муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир. Бу эса юртимиздаги тинчлик ва осойишталик барқарорлигиндан, албатта.

Байрамингиз муборак бўлсин, азиз устозлар!

Тоҳир ДОЛИЕВ

ФЕРМЕРЛАР КЕНГАШИБ ОЛИШДИ

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Фермерлари кенгашининг II конференцияси бўлиб ўтди. Видеоконференция шаклида ўтказилган тадбирда вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари масъуллари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги фермер хўжаликлари раҳбарлари, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари вакиллари иштирок этди.

Бугунги кунда ер ўзининг ҳақиқий эгасини топиб, фермерлик ҳаракати юртимиз тараққиётида ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётгани, далада ишлайдиган ҳар бир одамда ўз меҳнатидан манфаатдорлик ҳиссиёти кучайиб, келажакка ишончи янада мустаҳкамланиб бораётгани, наинки қишлоқ хўжалиги, балки бутун ҳаётимизни тубдан ўзгартирмоқда.

Бошқа соҳалар сингари аграр тармоқнинг ҳам бугунги шиддатли замон билан ҳамнафаслигини таъминлаш, деҳқону миришкорларимиз, фермерларимиз томонидан етиштирилаётган маҳсулотларнинг жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллашига эришишга қаратилган чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бу борада

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириш, бўшаган ерларга картошка, сабзавот, озуқа ва ёғ олинадиган экинларни экиш, шунингдек, янги интенсив боғ ва узумзорларни жойлаштириш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шартшароитлар яратиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашга ихтисослашган қайта ишлаш қорхоналарини ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, ташиш ва сотиш, агрокимё, молиявий ва бошқа замонавий бозор хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини янада кенгайтириш каби вазифалар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 99 фоизидан ортиғи фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер майдонларида етиштирилмоқда. Шу билан

бирга, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик каби йўналишлар ҳам жадал ривожланмоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида дунёнинг энг илғор технологиялари асосида сифатли ва харидоргир озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқараётган кўп тармоқли фермер хўжаликлари сони тобора ортмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 21 июндаги «Маҳаллий экспорт қилувчи ташкилотларни янада қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ўзбек деҳқони ўз даласида етиштирган маҳсулотини ички

қаларини том маънодаги ҳазиналар кониға айлантиришга хизмат қилмоқда.

Анжуманда, шунингдек, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш, илғор технологиялар ва илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланилган ҳолда маҳсулот етиштириш ҳажмларини ошириш, қишлоқда деҳқончилик ва ердан фойдаланиш маданиятини юксалтириш борасидаги долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

Конференцияда Ўзбекистон Фермерлари кенгашини Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши сифатида қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Қайта ташкил этилган кенгаш нафақат фермерлар, балки деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг манфаатларини ифода этувчи ташкилотга айланди.

— Ўзбекистон Фермерлари кенгашининг Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши сифатида қайта ташкил этилиши юртимиздаги қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётганларга, у хоҳ фермер, хоҳ деҳқон, хоҳ соҳа мутахассиси бўлсин, бирдек имконият яратиш, улар ўртасида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади, — дейди Тошкент вилояти Паркент тумани «Бахт» фермер хўжалиги раҳбари, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби Мавлонхўжа Ҳожиев. — Эндиликда деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари ҳам фермерлар сингари минерал ўғитлар, ёқилғи таъминоти, ўз маҳсулотларини экспортга чиқариш ва бошқа масалаларда кенгашнинг кўмагидан фойдаланиши мумкин.

Конференцияда Баҳодир Юсупов Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси этиб сайланди. Янги ташкил этилган Кенгашнинг раҳбар органлари шакллантирилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов сўзга чиқди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси О.Муродов иштирок этди.



ва ташқи бозорларда эмин-эркин сотиши учун ҳуқуқий асос яратди. Қарор билан 2017 йил 1 июлдан бошлаб барча тадбиркорлик субъектларига ҳўл мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсулотлари тўловини олдиндан 100 фоиз амалга ошириш шarti билан тўғридан-тўғри шартномалар асосида экспорт қилиш ҳуқуқи берилди.

«Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой бўлади» тамойилидан келиб чиқиб, аҳолининг томорқа хўжаликларидан фойдаланишини рағбатлантиришга қаратилган эътибор ердан янада унумли фойдаланишда янги имкониятлар яратмоқда. Шу мақсадда мамлакатимиздаги тижорат банклари томонидан аҳолига имтиёзли кредитлар, бизнес-режалар тақдим этилаётгани, замонавий агротехнологияларни пухта ўзлаштирган, ер билан тиллашиб яшайдиган, турли зараркунанда ва касалликларнинг олдини олишда маҳорат кўрсатаётган уста деҳқон ва фермерлар, агроном ва мутахассисларнинг одамлар билан мулоқот қилаётгани аҳоли томор-

Ўзбекистон фермер, деҳқон ва томорқа эгалари конференцияси қатнашчиларининг мамлакатимиздаги барча қишлоқ хўжалиги ходимларига МУРОЖААТИ

Хурматли фермер, деҳқон хўжалиги раҳбарлари ва томорқа эгалари!

Азиз юртдошлар!

Ота-боболаримиз асрлар давомида асраб-авайлаб келган табаррук заминимизнинг ҳар қаричидан оқилона фойдаланиш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини жорий этиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, мулкдорлар синфини шакллантириш ва кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш, фермер ва деҳқонларнинг қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш бўйича барча зарур чора-тадбирлар амалга оширилди.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, фермерларга ерни мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан узоқ муддатга ижарага берилиши ерга нисбатан муносабатни тубдан ўзгартиришда ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Натижада деҳқон ва фермерларимизда ерга, мулкка, ўзи етиштираётган маҳсулотга эғлик туйғуси мустаҳкамланди.

Бугун фермернинг ўзи ҳам ўзгармоқда — у деҳқон, чорвадор, шу билан бирга, агроном, сувчи, механизатор, иқтисодчи, менежер ва ишлаб чиқаришнинг ташкилотчиси ҳамдир.

Биз нафақат ўз оиламиз, балки бутун қишлоқдошларимизнинг турмуши фаровон бўлиши учун ҳам масъулмиз.

Айни пайтда фермер хўжаликлари қишлоқларимизни ҳар томонлама обод қилиш, таълим, соғлиқни сақлаш, болалар спорти ва оммавий спортнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда қишлоққа саноатни олиб киришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Азиз дўстлар!

Фермерликни ва умуман қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга давлатимиз томонидан кўрсатилаётган беқиёс ёрдам ва ғамхўрликдан биз гоят миннатдормиз.

Минерал ўғитлар ва нефть маҳсулотларининг бевосита далага етказиб берилётгани, қишлоқ хўжалигининг замонавий техника воситалари билан таъминланаётгани, ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланаётгани ана шу ғамхўрликнинг амалий ифодасидир.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастури доирасида ўтган қисқа муддатда 1 триллион 300 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланиб, 1,2 миллион гектардан ортиқ майдон ҳосилдорлигини ошириш таъминлангани бунга ёрқин мисолдир.

Хурматли деҳқон ва фермерлар!

Мамлакатимизнинг изчил таъминлаш, унинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътиборини юксалтириш борасида Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида биз — деҳқон, фермер ва томорқа эгалари ҳар қачонгидан ҳам фаолроқ иштирок этишимиз зарур.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни бажаришда фермер, деҳқон хўжаликлари майдонларидан ва томорқадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, пировард натижада ер эгаларининг даромадини янада кўпайтириш мақсадида биз, республика конференцияси қатнашчилари аграр секторни барқарор ривожлантиришнинг асосий бўғини бўлган деҳқон ва фермерларга, барча қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига мурожаат этамиз:

Биринчи, ер майдонларига маҳаллий ўғит бериш ва унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳисобидан тупроқ унумдорлигини кескин оширишга эришайлик;

Иккинчи, сув ресурсларидан оқилона фойдаланайлик, замонавий технологиялар воситасида боғ ва тоқзорларни томчилатиб суғоришга алоҳида эътибор қаратайлик;

Учинчи, қишлоқ хўжалиги экинларини ўз вақтида экиш, деҳқончилик маданиятини юксалтириш, уларга замонавий агротехнологиялар асосида ишлов бериш орқали ҳосилдорликни мунтазам ошириб бораёйлик;

Тўртинчи, эрта баҳорда бозорларимизни арзон ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш мақсадида экилган «тўқсонбости» экинларини ўз вақтида, белгиланган агротехника қоидалари асосида парваришлайлик;

Бешинчи, такрорий экинларни сифатли парваришлагша алоҳида эътибор қаратайлик ва ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териб олишга эришайлик;

Олтинчи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва ташиш, сервис хизматларини кенгайтириш ва қўшимча тармоқларни ташкил этиб, кўп тармоқли соҳани ривожлантириш ҳисобидан қишлоқларда янги иш ўринлари яратайлик;

Еттинчи, тайёрлов, қайта ишлаш, таъминот, хизмат кўрсатадиган ва бошқа ташкилотлар билан тузилган шартномалар тўла бажарилишига эришайлик;

Саккизинчи, «**Томорқа - қўшимча даромад манбаи!**» шиорини маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, муҳтарам нурунийларимиз, шижоатли ёшларимиз билан ҳамжиҳатликда аҳоли орасида кенг тарғиб қилайлик;

Тўққизинчи, далаларимизда етиштирилган мўл пахта ҳосилини нобуд қилмасдан териб олиб, шартнома мажбуриятларини бажариш чораларини кўрайлик;

Ўнинчи, ердан хўжасизларча фойдаланиш ҳолатларига нисбатан муросасиз бўлайлик;

Ўн биринчи, чорвачилик, асаларичилик, паррандачилик, балиқчилик ва бошқа соҳаларни изчил ривожлантириш эвазига моддий манфаатдорликни оширишга алоҳида эътибор берайлик.

Азиз дўстлар!

Эзгу ният ва ғайрат-шижоат билан ҳаракат қилсак, олдимизга қўйган юксак марраларга, албатта, эришамиз!

Биз, конференция иштирокчилари мамлакатимизнинг барча деҳқон, фермер ва томорқа эгалари номидан юртимизда олиб борилаётган ислохотларда, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда, Ватанимиз равнақини янада юксалтириш ва халқимиз фаровонлигини бундан-да оширишда бор билимимиз, салоҳиятимиз, куч-ғайратимиз ва тажрибаимизни ишга солаш ва фидокорона меҳнатимиз билан муносиб ҳисса қўшамиз, деб давлатимиз раҳбарини ҳамда халқимизни қатъий ишонтираемиз.

МИРОБЛИК КАСБИДАН ШАРАФ ТОПИБ

— Менинг ишим доимо сув билан боғлиқ. Ахир сувни оби ҳаёт дейдилар, — дейди Шовот-Қуловот ирригация тизими бошқармасининг "Қуйи Шовот" ирригация тармоқлари тизими муҳандис-гидротехниги Ҳамдам Каримов. Касбим билан фахрланаман, Хоразм адабий муҳитида салмоқли ўрин тутган пири бузруквор бобокалонимиз Огаҳий ҳам мироб бўлиб ўтган.

Сувнинг далаларга жилдираб оқиши худди инсон томирларида оқайтган қондек роҳатбахш туюлади. Яшнаб турган кўм-кўк далаларга ҳаёт суви етса, куз баракали, эл ризқи тўкин бўлади.

Мана 33 йилдирки Ҳамдам ака ўз касбини эъозлаб келмоқда. У 1983 йилдан буён мироблик қилиб кам бўлмади. Мустақиллигимиз шарофати билан қай соҳада ишлашидан қатъи назар ҳар бир шахс давлат эътиборида ва эътирофга лойиқ.

Яқинда Республикамиз Президенти Ш.Мирзиёевнинг Фармонига асосан Ўзбекистон Мустақиллигининг 26 йиллиги муносабати билан тақдирланганлар қаторида биринчи бўлиб номи чиққан элдошимиз Ҳамдам Каримов **"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор"** фахрий унвонига сазовор бўлди.

— Кутилмаган бу хабардан жуда хурсанд бўлдим, мендек оддий сувчига шунча эътибор берган Президентимиз, халқимиз олдида доимо хизматга шайман. Бу каби осуда, тинч Ватанимизда ҳар бир кунимиз қадрли, ҳаётимиз тотли. Ишлайдиган давр келди. Меҳрингни, муҳаббатингни, ҳаётингни Ватанга, элга бағишлашдан азиз нима бор?

Шовот тумани бўйича жами 28980 гектар ер майдонлари бўлиб, шундан кам шўрланган ерлар 14 467 гектар, ўрта шўрлангани 11 182 гектар, кучли шўрланган ерлар 3 331 гектарни ташкил қилади. 2017 йилда 9800 гектар ерга пахта экилди. Суғориш ишлари ўз вақтида олиб борилди.

Туманда хўжаликлараро каналлар 196,5 км, ички суғориш



тармоқлари 1834 км.ни ташкил қилади. Ҳар йили реконструкция ишлари 100 фоизга уддаланмоқда. 2016 йилда Давдон каналини 23,4 км узунликда, Ўдачи каналида ҳам реконструкция ишлари олиб борилди.

Қуйи Шовот ирригация тизимининг Ҳамдам Каримовга ўхшаган мироблари бор экан, далалару боғлар яшнаверради. Оби ҳаёт жилдираб оқаверади.

Ўз мухбиримиз.
Суратда: Ҳамдам КАРИМОВ.

ОТА КАСБИНИ УЛУГЛАЁТГАН УЛУГБЕК

Булунғурлик Умнат ака Ҳайдаров қирқ йил экскаватор машинисти бўлиб ишлаб, ариқ-зовурлар қазииш, ирригация-мелиорация қурилиш ишларини бажаришда ибрат кўрсатган эди. Оилада тўнғич фарзанд бўлган Улугбек Ҳайдаров ҳам ёшлигидан ота касбига меҳр қўйиб улғайди ва 36 йилдан буён уни шарафлаб келмоқда.

—Улугбек, шу қувончли лаҳзаларда кўнглингиздан нималар кечаяпти?

—Ишга отланаётган эдим. Ҳамкасбларимдан бири хурсанд ҳолда келиб қолди.

— Табриклайман, Улугбек ака! Президентимиз фармонига кўра **"Фидокорона хизматлари учун"** ордени билан мукофотланибсиз, деди. Тўлқинланиб кетдим. Бу нафақат менга, балки бутун жамоамиз, сизларнинг фидокорона меҳнатларингизга берилган мукофот, — деб уни бағримга босдим. 1981 йилда 6 ойлик экскаватор машинистлари тайёрлов курсини битириб меҳнат фаолиятимни бошлагандим. Айни пайтда Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси "Булунғурдавсулмаҳсуспудрат" давлат унитар корхонасида ишлаб келяпман. Корхонамизда 17 та экскаватор бор. 53 кишидан иборат жамоамиз Булунғур, Жомбой, Пайариқ ва Пастдарғом туманларидаги фермер хўжалиқларининг 248 минг 150 гектар ерини сув билан таъминлайдиган 15 та гидротехник иншоотларни таъмирлаш, тизимли тозалаш ва янгиларини қуриш ишларини бажариб келмоқда.

— Шундай юксак мукофотларга сазовор бўламан деб ўйлаганмингиз?

— Биласизми, менимча киши севган касбида ишлаётганда бундай деб ўйламайди. Зиммасидаги вазифани кўнгилдагидек бажарганидан завқ олади. Меҳнаги самарасини кўрганда, деҳқондан раҳмат эшитганда кўнгли кўтарилади. Ростини айтсам, бизнинг касбимиздаги кишилар унчалик ҳам кўзга ташланавермайди. Аммо камтарона меҳнатимиз самараси — яшнаган ерлар, боғроғларни кўрганимиз касбимдан, ушбу ободликка қўшган ҳиссам борлигидан фахрланиб кетаман. Камтарона меҳнатим юксак қадрланиб, 2007 йилда "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор" унвони берилганди. Бу мени янада шижоат билан меҳнат қилишга ундади. "Сув келтирган элда азиз" деган нақл бежиз айтилмаганига амин бўлдим.

— Президентимизга раҳмат, биз, оддий касб эгаларига эҳтиром кўрсатиб, бизни шунчалик юксак қадрлабди. Шу азиз Ватанга, бунёдкор халққа жон фидо этиб хизмат қилсак арзийди.

Т. ШОМУРОДОВ
суҳбатлашди.

Суратда: Улугбек Ҳайдаров.

СИРДАРЁНИНГ ТАВАККАЛЧИ ФЕРМЕРИ

"Оқ Олтин" туманида фаолият юритаётган "Нурафшон орзу бўстони" фермер хўжалиги раҳбари Қурбонгул Мамадалиеванинг фермер, тадбиркор сифатида эришган меҳнат натижаларини таҳлил қилсангиз ўзи ва эртанги кунига ишонган, мақсади аниқ, унча-мунча муаммолардан чўчимайдиган одамларга ҳамиша омад ва муваффақият ёр бўлишининг исботини кўргандек бўласиз.

Қурбонгул опанинг янгиликка ўчилиги, ташаббускорлиги аввал бошдан ҳаммага ҳам ёқавермайди. "Тинчгина юраверса, бўлмайдами, нима қилади ташвишини кўпайтириб", дейдиганлар ҳам бўлади, албатта. Бироқ "жўжани кузда санайдилар" деганидек, галвир



судан кўтарилган пайтда ана шу муҳолифларнинг аксарияти опага тан беришган, эришган муваффақияти билан самимий табриклашгани ҳам бор гап.

Зеро, Қурбонгул Мамадалиеванинг қўлга киритган ютуқлари кўз-кўз қилишга, эътирофга лойиқ. Битта факт: Бугун қаҳрамонимиз хўжалиги ҳисобида 30 га яқин техника воситаси бор. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш, савдо, маиший ва сервис хизмати кўрсатишни йўлга қўйган. Вилоят маркази Гулистон шаҳрида ўтган йили эгаларига топширилган замонавий тўрт қаватли турар-жой биноси ҳам фермернинг шижоати натижасида бунёд бўлди.

Лавҳамизда фактларга кўпроқ урғу берган эканмиз, яқунда яна бир фактни ҳам келтириб ўтишимиз дозим. Бугунги кунда туманда ташкил топган "Оқ олтин сурури" сув истеъмолчилари уюшмаси ҳудудидаги фермер хўжаликлари тўлиқ Мамадалиевлар сулоласи вакиллари томонидан бошқарилмоқда. Ва ана шу жамоа аъзоларининг барчаси Қурбонгул опанинг йўл-йўриғи, маслаҳат ва тавсиялари билан иш кўришаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Мустақилликнинг 26 йиллиги тантаналари арафасида Сирдарё бўйлаб хушxabар тарқалди. Президентимиз Фармонига биноан Қурбонгул Мамадалиева "Дўстлик" ордени билан тақдирланди. Қутловларни қабул қилаётган фермернинг қалбидан эса, "Ўзбекистонда фидокорона ҳалол меҳнат эътиборсиз қолмайди!" деган фикрлар ўтгани шубҳасиз...

Х.КАРИМОВ,
ўз мухбиримиз.

Суратда: "Дўстлик" ордени соҳибаси Қ. Мамадалиева неваралари билан.

Истиқлолимизнинг 26 йиллиги шодиёналари арафасида Президентимиз Фармонига биноан Учқўрғон туманида фаолият юритаётган "Олтин водий сервис" кўптармоқли фермер хўжалиги раҳбари Гулхуморхон Тоғаева "Дўстлик" ордени билан мукофотланди.

Биз Гулхумор опани ушбу олий мукофот ила табриклаб, у кишининг хузурига ташриф буюрдик.

— 69 гектар экин майдонимиз бор, — дейди опа. — 38,7 гектар ерга галла экиб, ҳар гектар майдондан 70 центнердан ҳосил олдик. 26,6 гектар майдондаги уруғлик пахтадан 45 центнердан хирмон кўтардик.

Ҳозирги кунда 120 бош Гольштин фриц навли қорамол парваришляяпмиз. Кунига Наманган шаҳридаги "Нестле" сутни қайта ишлаш корхонасига шартнома асо-

БАХТИ КУЛГАН АЁЛ



сида 1 тоннадан зиёд сут топшираемиз. 2009 йили 10 гектар ерда сабзавотчилик ва интенсив боғ ташкил қилдик. Жорий йилда қозоғистонлик ҳамкорларимиз билан 40 тонна олма, 45 тонна олча ва 40 тонна шафтоли меваси етказиб бериш бўйича шартнома имзолаганмиз. Дала шийпонимиз ёнида 30 сотихли иссиқхона ташкил қилганмиз. Бу ерда помидор ва бодринг етиштирамиз. Бундан ташқари, ун ишлаб чиқариш тегирмонимиз ҳам бор.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, хўжалик аъзолари Гулхумор опа бошчилигида жуда катта ишга қўл урганлар - қурилаётган икки қаватли шифохона фойдаланиш учун топширилиш арафасида.

- Қишлоғимиз вилоятнинг энг чекка ҳудуди ҳисобланади. Ҳамқишлоқларимизга қулайлик ярати мақсадида шифохона қуришга аҳд қилдик.

Халқимиз бежиз, бирники мингга, мингники туманга, деб аймаган. Биргина Гулхумор опанинг саъй-ҳаракати билан қанчадан-қанча ёшлар доимий иш ўрнига эга бўлиб, юртимиз равнақиға ўз ҳиссаларини қўшишади. Хўжалик ишчилари ҳам ўз ишларидан мамнун, оилалари тинч, осуда. Жорий йилнинг ўзида 430 тонна галла ишчилар оморига кириб борди. Ўғил уйлаб, қиз чиқарадиган ишчиларга 5 миллион сўмдан пул берилади. Намунали уйлар харид қилиниб, хўжалик аъзоларидан 13 ёш оилага тантанали равишда топширилди. Бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин. Қувонарлиси, мамлакатимизда элим, юртим деб ёниб яшаётган, ҳалол ва фидокорона меҳнат қилаётган инсонлар ҳамиша эл-юрт ардоғида. Бунга деҳқон қизи Гулхумор Тоғаеванинг ҳаёт йўли ёрқин мисолдир.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: (чапдан) Фермер Г. Тоғаева, туман ҚХБ бошлиғи Д. Тождидинов ва ўғли Ж. Юсупов.

ЎЗБЕК ЗАМИНИДАН ДУНЁ ДАСТУРХОНИГА

Маълумки, жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳар йили 16 октябр Жаҳон озиқ-овқат куни сифатида кенг нишонланади. Боси, ер юзи аҳолисининг йил сайин сезиларли кўпайиши, айрим давлатлар ўртасидаги миллий низолар, турли этник ва ўзаро келишмовчиликлар, урушлар оқибатида озиқ-овқатга бўлган талабнинг тобора ортиб бориши кузатилмоқда. БМТнинг Халқаро озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти (ФАО) маълумотига кўра, ер аҳолисининг 11 фоизи, яъни 815 миллиондан кўпроқ одам тўйиб овқатланмасдан, қашшоқликда кун кечираётгани ачинарли ҳол.

Ана шундай бир пайтда мамлакатимиз аграр тармоғида ҳар йили 20 млн. тоннадан ортиқ мева-сабзавот ишлаб чиқарилаётганини, жаҳон бозорида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини четга экспорт қилиш бўйича дунёда етакчи ўнта давлатнинг бири сифатида мустақил юртимиз мавқеининг борган сари ортиб бораётганини гурур билан тилга олишимиз мумкин. Чунончи, ўтган йили Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилотининг Рим шаҳрида бўлиб ўтган 39-конференциясида минг йиллик ривожланиш мақсадларига эришган давлатларни тақдирлаш маросимида Ўзбекистон 14 давлат қаторида очликни бартараф қилиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда эришган ютуқлари учун махсус мукофот билан тақдирлангани айниқса, эътиборлидир.

Истиқлол йилларида озиқ-овқат саноатининг ривожлангани, аҳоли жон бошига нисбатан асосий турдаги маҳсулотлар - галла, гўшт, сут, тухум ва мева-сабзавотларнинг миқдори ва қайта ишлаш ҳажмининг ошгани натижасида озиқ-овқат хавфсизлиги ва мустақиллигига эришилди. Охириги йилларда Ўзбекистонда аҳоли жон бошига қарийб 300 килограмм сабзавот, 75 кг картошка тўғри келяпти. Бу мақбул деб ҳисобланадиган истеъмол меъёридан уч баробар кўп демакдир.

Яқинда пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" акциядорлик жамиятининг кўргазмалар мажмуасида бўлиб ўтган, анъанага айланиб бораётган - II Халқаро мева-сабзавот ярмаркасига бўлган халқаро ҳамжамиятнинг қизиқиши ва юксак эътибори, энг асосийси, бу борада мамлакатимиз экспорт са-

лоҳиятининг йил сайин ортиб бораётгани фикримизнинг яна бир далили десак, муболаға бўлмайди.

Ушбу анжуманда Россия, Украина, Беларусь, АҚШ, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амириклари, Жанубий Корея каби 40 дан зиёд хорижий давлатлардан келган 350 дан ортиқ компаниялар-



нинг вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган 170 га яқин етакчи фермер хўжаликлари, турли корхоналар, нуфузли тармоқлар ёрдамчи хўжаликларининг мутахассислари ва миришкор бободехқонларимиз томонидан етиштирилган, саховатли заминимиз инъом этаётган турли фойдали витаминларга бой нозу неъматлар — кўзни қамаштирувчи бетакрор, сархил мева-сабзавотлар, полиз экинлари, дуккакдилар, қуритилган ва қайта ишланган маҳсулотларнинг сара турлари кўргазмалар экспозициясидан ўрин олган.

Соҳада амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар пахта майдонининг босқичма-босқич қисқартирилиши ва мева-сабзавот, узум ҳамда полиз маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган майдонларнинг кенгайтирилиши, инсониятнинг экологик тоза маҳсу-

лотларга бўлган талаб ва эҳтиёжидан келиб чиқиб, қисқа муддат, яъни, санокли йилларда ҳосилга кирувчи ва юқори ҳосил берадиган, ҳар бир ҳудуд иқлимига мос, сувсизлик, турли касаллик ва зараркунандаларга чидамли навлар асосида янги-янги боғ ва тоқзорлар ташкил этилаётгани бугунги давр талаби эканидан далолат бериб турибди.

Сўнги пайтларда инсон саломатлиги учун ниҳоятда фойдали, биологик моддаларга бой бўлган мева-сабзавотлар, айниқса, ўрик, ёнғоқ, узум каби бир қатор қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг тури, ҳажми ва сифатини ошириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти муттасил ошиб бормоқда. Қолаверса, бу йўналишда қонунчилигимизда яна бир қатор имтиёزلарнинг кўзда тутилаётгани алоҳида таъкидлаш мумкин.

Ярмарка давомида миришкор деҳқонларимиз ва ишбилармон тадбиркорларимиз маҳсулот етказиб бериш бўйича 1 млрд. 200 миллион доллардан зиёд экспорт битимларини имзолашди. Экспортнинг 27% сабзавот, 25% узум, 20% мева, 17,6% қуритилган ва қайта ишланган маҳсулотлар, 8,4% дуккакдилар, 2 фоизини қовун ташкил қилади.

Айни пайтда 180 турдан кўп мева ва сабзавот маҳсулотлари ҳамда уларнинг қайта ишланган тури Норвегия, Бразилия, Хитой, Индонезия, Япония, Таиланд каби саксондан ортиқ мамлакатлардаги истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

Диёримизда айни пишиқчилик. Инъом этилган бир-биридан ширин, энг зарур витаминларга бой, экологик тоза бўлган нозу неъматлар учун беҳисоб шукроналар келтириб, уларни нобудгарчиликларсиз териб олишда, куз-қиш ойлари учун саранжомлаш, халқимиз эҳтиёжидан ортганини эса хорижий ҳамкорлар талаби асосида экспорт қилишда соҳа ходимлари, миришкор деҳқонларимиз, фидойи тадбиркорларимизга куч-қувват, сабрматонат тилаб қоламиз.

С.РУСТАМОВ,
ўз муҳбиримиз.

ЮКСАЛАЁТГАН ХИРМОН

Мезон шабадаси эпкини салқинлашди. Бобо куз далаю боғларда ўз саховатини намойиш этмоқда. Полилардан қовунтарвуз ортилган турна қатор машиналар чиқиб, турфа томонларга равона бўлаяпти. Боғбоннинг олмаю анорлари, узуму ноклари бозор расталари, дўконлар пештахталаридан ортиб, катта йўллар четларида харидорларга гўёки "пешвоз чиқмоқда". Сабзавотлар ҳақида айтсак, таърифимиз адо бўлмайди... Бир сўз билан айтганда, ҳар ёнда тўкин-сочинлик.

Бу фасл деҳқон аҳлининг йиллик меҳнати маҳсулини саранжон-сарияшталаш билан бирга келгуси деҳқончилик йилига замин тайёрлаши билан ҳам қизғиндир. Бугун ғаллакор далаларга барака уруғи қадашга киришди. Зеро, кузнинг ҳар дами - ганимат. Мақоламиз мавзуси эса, пахтакор ва унинг бугунги беҳаловат юмушлари ҳақида.

Сафаримиз Сирдарё туманига бўлди. Дастлаб, туман машина-трактор паркида бироз тўхтаб ўтдик. У ерда танишимиз Муҳаммаджон Тошболтаев билан бир муддат суҳбатлашдик.

- Тоҳиржон, келганингиз яхши бўлди. Машина терими ҳақида бир мақола ёзинг, - дейди у. - Битта машина бир кунда юзта теримчининг пахтасини терапти.

- Бу қанча бўлади? - қизиқиб сўрайман ундан.

- Беш-олти тонна. Сиз ёзсангиз, машина теримининг афзалликларини ёзинг.

- Масалан?..

- Масалан, бир гектар ердан, айтилик, бир кунда 83 нафар теримчи 4191,9 кг пахта териб олса, битта машинада ҳам шунча пахта терилади - у фикрини қисқа қилади. - Якуний ҳисоб-китобда қўл терими учун жами 916,35 минг сўм, машина терими учун эса, 338,04 минг сўм харажат кетади. Орадаги фарқ 587,31 минг сўмни ташкил қиляпти. Бундан ташқари пахтакор аввало вақтдан, сифатли теримдан ютади. Чунки, у тезроқ даласини тозалаб, бугдой экишга киришиши керак-да.

- Назаримда, машиналар кам, шу масалада муаммолар ҳам борга ўхшайди?

-Аввало, менимча, фермернинг ўзи ғузани экишдан, то йиғиштириб олгунча пахтани машина теримига мослаб етиштириши лозим. Биз эса, машиналар сонини имкон даражасида ҳар йили ошириб бораёпмиз.

- Бир тонна пахта тергани учун механизатор неча сўм олаяпти?

- 20 минг сўм. Бир кунда 5 тонна терса 100 минг сўм.

- Уста механизаторлар неча тоннагача терапти?

- 6-8 тоннагача. Юринг далага борамиз. Ўз кўзингиз билан кўрганингиз бошқача-да.

Бошлашиб далага йўл оламиз. Комбайн шовқинига яқинлашиб, унинг терим жараёни билан қизиқдик. Ажабо, биз болалигимизда пахта териш машинасидан тўкилиб, тупроққа қоришиб ётган пахтани териб кунимиз ўтарди. Бу машина эса ерга тўкиб кетиш у ёқда турсин, ғузаяни "яланғоч" қилиб кетар экан.

Трактордан тушиб келган механизатор билан сўрашдик. Ўзини Лутфулла Тўрақулов деб таништирган кишидан эски ва янги пахта териш машиналари орасидаги фарқни сўрадик.

- Бу комбайнларнинг устунлиги кўп. Фақат бироз нозикроқ техника-да, - дейди у кулимсираб.

Шу ўринда суҳбатимизга Муҳаммаджон Тошболтаев қўшилади:

- Тоҳиржон, пахтани машинада теришни фермерларга, мутасадди раҳбарларга доимий равишда тарғиб қилишимиз лозим, шунда, машина терими кенг миқёсда омалашади.

Суҳбатимиз узоқ чўзилди. Биз келгусида Муҳаммаджон ака билан машина терими афзалликлари ҳақида туркум мақолалар тайёрлашга келишиб, улар билан хайрлашдик.

Туманнинг «Малик бобо» номи фермер хўжалигига борганимизда бизга жамоа раҳбари Шавкат Маликов пешвоз чиқди.

Пахтазорга назар ташласангиз оппоқ қорга бурқанган манзара кўз олдингизда намоён бўлади, гўё. Бу қадар оқлик замирида қанчадан-қанча заҳматли меҳнат мужассам. Уни йиғиштириб олиш пахтакорнинг энг катта ташвиши. Шавкат



фермернинг нигоҳидан биз шу маънони уқидик.

- Ҳосилимиз яхши бўлди, - дейди у. - Энди ҳамма гап ёгин-сочинга қолдирмай уни йиғиштириб олишимизда. Ҳар куни эрталаб ҳавонинг қош-қовоғига қараб иш бошлайман. Иш қилиб, осмоннинг авзои бузилиб қолмасин-да. 38 гектар ерга пахта экандик. Режа 120 тонна. Биринчи теримданоқ режадаги ҳосилни олаяпмиз. Яхшиям, маҳалла-кўй, ҳамқишлоқлар бор экан, улар ҳашарга келишяпти. Олди теримчилар 150-180 килогача пахта териб беришяпти, ҳар кунлик терим ҳақини кечқурун узаяпмиз. Уларга мўмай даромад, менга эса катта ёрдам бўлаяпти.

- Маҳаллангизга кўмак бериб турасизми? - сўрайми фермердан.

- Албатта-да. Кам таъминланган оилаларга, ногиронларга ёзда бугдой улашамиз. Иккинчи экин экомқчи бўлганларга озроқ-озроқ ер берамиз. Шунинг учун бўлса керак, тўртта отрядда 300 дан ортиқ ҳашарчи менга кўмакка келишган. Биринчи терим якуни билан режани, албатта, бажарамиз.

Шавкат Маликовнинг суҳбатидан шуни англадикки, у анча "оёққа туриб олган" фермерлардан экан. Техникаларининг ҳаммаси - хизматга шай. У ўзидан ортиб қўшни фермерларга ҳам ёрдам берар экан. 39 гектар ерга ғалла экиб, гектаридан 60 центнердан хирмон кўтарибди. Ғалладан бўшаган майдонларга баҳоли-қудрат такрорий экинлар экибди. Пиёз, сабзи каби экинларни тўқсонбости усулида етиштирмоқда. Хуллас, унинг мақтовга арзигулик ютуқлари бисёр. Лекин, ўй ташвиши бир масалада... бугунги ганимат онларда унинг. Чунки, далалардаги пахтасини эртароқ йиғиштириб олиши керак...

Тоҳир МУҲАММАД

СЕЛЕКЦИОНЕРЛАРДАН ПАХТАКОРЛАРГА

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ селекционер олимлар зиммасига эртапишар, юқори тола сифатига эга ва турли тупроқ-иқлим шароитларида етиштиришга мослашган янги пахта навларини яратиш вазифаси қўйилган эди. Республикаимизнинг турли тупроқ-иқлим шароитларига мос ғўза навларини яратиш ва уларни жорий етиш бўйича амалий селекция ишлари натижасида Наманган-77, "Омад", "Султон", Ан-Боёвут-2, Бухора-102, Андижон-35, Андижон-36 каби тезпишар, С-6524, Бухоро-6, Бухоро-8, Хоразм-127, "Меҳнат" каби ўртапишар, толаси жаҳон бозорида харидоргир бўлган ғўза навлари яратилиб, кенг майдонларда экилмоқда. Шунингдек, кейинги йилларда яратилган Хоразм-150, "Бешқахрамон", Андижон-37, Порлоқ-2, Чимбой-5018, Наманган-34, С-8284 ҳамда янги ва истиқболли С-8286, С-8290, Порлоқ-4, "Жарқўрғон", "Гулистон", "Сардор" ва бошқа юқори тола чиқими ва сифатига эга ғўза навлари майдони ҳам кенгайиб бормоқда.

Кейинги йилларда ғўза селекцияси борасидаги изланишларда нафақат тезпишарлик, юқори ҳосилдорлик ва тола сифати, касаллик ва зараркунандаларга бардошлилик, балки экстремал даражадаги юқори температура ва сув танқислигига бардошли навларни яратишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Кейинги йилларда, республикаимиз олимлари томонидан анъанавий селекция усуллари ташқари, ноанъанавий усуллар, жумладан, биотехнология ва молекуляр генетика усуллари кенг фойда-



ланиш борасида таҳсинга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Геномика ва Биоинформатика марказида, дунёда биринчи бўлиб, Геннокаут технологияси асосида ҳосилдорлиги ва тола сифати юқори бўлган Порлоқ-1, Порлоқ-2, Порлоқ-3, Порлоқ-4 ғўза навлари яратилиб, республикаимиз пахта майдонларига кенг жорий этилмоқда.

Мустақиллик йиллари (1991-2017 йй.)да республикаимиз селекционерлари томонидан турли хил селекция услубларидан фойдаланиш орқали 206 та янги ғўза навлари яратилиб, улардан 62 таси "Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синан комиссияси" хулосаси ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг буйруғига асосан давлат реестрига киритилган ва мамлакатимизнинг турли минтақаларида экиш учун тавсия қилинган.

Биргина 2016 йилда "Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синан комиссияси" нинг турли шохобчаларида ўрганилаётган юздан ошиқ навлардан 4 таси (Наманган-102, Истиқлол-14, "Келажак" ва Пахтакор-1) "Қишлоқ хўжалик

экинлари Давлат реестри"га киритилиб 7 таси истиқболли деб топилган ва дастлабки элита уруғчилик хўжаликларидан уруғларини кўпайтиришга тавсия этилган. Нав синови натижаларига асосан 2017 йилда С-6565, АН-519, С-8286, ЎзПТИ-203 ва "Жарқўрғон" навларининг истиқболлиги аниқланиб, уларнинг вилоятларда экин майдонлари кенгайтирилмоқда.

Кейинги йилларда, мамлакатимиздаги илмий-тадқиқот муассасаларида тола сифати IV типга мансуб ғўза навларини яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги вақтда экилаётган толасининг сифати IV типга мансуб ғўза навлари қаторида, қишлоқ хўжалик экинларини синан Давлат комиссияси томонидан яна 11 та янги ғўза нави пахтачилик минтақаларида экиш учун тавсия қилинган (жадвал). Натижада, бундай ғўза навларининг экин майдонини кескин кўпайтириш имконияти пайдо бўлди.

Шу ўринда, Республикаимиз бўйича 1990 йилда VI типга мансуб ғўза навларининг ҳиссаси умумий майдонга нисбатан 10%, V типга мансуб ғўза навлариники 60%, IV типга мансуб ғўза навлари 20% ва III типга мансуб ғўза навлари эса 10%ни ташкил этганини қайд этиш лозим.

Мустақиллигимизнинг ўтган 26 йили давомида эса, янги тезпишар, тола сифати юқори ғўза навларининг яратилиши ва ишлаб чиқаришга жорий этилиши ҳамда пахтачилик саноати тизимида пахта хом-ашёсини қайта ишлаш жараёнини модернизациялаш натижасида тола сифатининг кескин

Жадвал

Тола сифати IV-типга мансуб янги ғўза навлари

№	Ғўза навлари	Микронейр	Толанинг штапель узунлиги, мм.	Тола чиқими, %	Пахта ҳосилдорлиги, т/га.
1	С-6575	4,2-4,5	33,5-34,5	35,5-36,5	4,0-4,1
2	Наманган -102	3,9-4,1	34,0-35,0	38,0-41,1	4,1-4,3
3	Наманган -34	4,0-4,3	34,0-35,0	37,0-39,0	4,0-4,2
4	Жарқўрғон	4,4-4,5	34,0-35,0	36,0-38,0	4,4-4,5
5	Гулистон	4,1-4,4	34,5-35,0	37,0-38,0	3,9-4,7
6	Истиқлол-14	4,2	34,0-35,0	36,0-38,0	3,8-4,2
7	С-8284	4,4-4,6	34,5-35,5	36,0-38,0	3,8-4,2
8	С-5707	4,2-4,4	34,0-34,5	37,0-38,0	4,0-4,5
9	Парвоз	3,9-4,0	34,5-35,0	37,5-38,0	4,5-5,0
10	ЎзПТИ-201	4,5	33,2-34,2	37,0-38,0	3,8-4,5
11	С-6545	4,2-4,5	34,5-35,0	37,0-39,0	4,0-4,5

я х ш и л а н и ш и г а эришилди. Яъни, IV типга мансуб тола етиштириш миқдори 5 мартага ошиб, 84% га етди. Шу билан бир вақтда, V типга мансуб тола етиштириш 82% дан 16% га камайди.

**Р.НАЗАРОВ,
Ш.НАМАЗОВ,**
к.х.ф.докторлари

ДАРАХТЛАР ҲАМ ДАМ ОЛАДИ

ёки боғ ва токзорларда октябрь ойида бажариладиган агротехник тадбирлар ҳақида

Юртимизда боғ ва токзорлар майдони, уларнинг ҳосилдорлиги йилдан-йилга ортиб, маҳсулот сифати ҳам яхшиланиб бормоқда. Олинётган маҳсулот ва унинг сифатини ошириш ҳар ойда бажариладиган агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли қилиб бажарилишига боғлиқ.

Боғларимизда барча турдаги мевалар йиғиб-териби олинган бўлади. Энди боғ-токзорлардан келгуси йили юқори ва сифатли ҳосил олишни таъминлаш мақсадида мевали дарахтларни ҳамда токзорларда ток тупларини ҳозирдан қишнинг аёзли совуқларига чидамлилигини ошириш чораларини кўриш зарур. Бунинг учун октябрь ойида боғ ва токзорларда суғоришни батамом тўхта-тиш лозим.

Боғларда боғ қатор ораларини ҳайдашдан олдин, уларни кузги ўғитлаш, яъни ҳар бир гектар боғга 10-15 тн. чириган гўнг, минерал ўғитлардан соф ҳолда 180 кг. фосфор, 90 кг. калий ўғитини солиш мақсадга мувофиқдир.

Ўғит солиниб бўлингач, бўз тупроқли суғориладиган боғларда дарахтларнинг қатор оралари 25-30 см., шағалли ерларда 10-15 см. чуқурликда шудгор қилинади. Бунда юза жойлашган илдишлар шикастланмайди. Тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида боғлар қатор ораларига сидерат ўтларни экиш ҳамда келаси йили баҳорда уларни ҳайдаб ташлаш лозим.

Боғларда кўплаб касаллик ва зараркунандаларнинг замбуруғлари дарахтлар танасидаги ёриқликларда қишлайди. Танаси оқланса, уларни қириб ташлаш билан бирга дарахтлар қишки совуқлардан ҳам ҳимоя қилинади. Бунда 2 кг. тупроққа 1,5-2 кг. оҳак аралаштириб, ҳар 10 л. эритмага озроқ мол шатмоғидан қўшиб, уни суюқ қаймоқсимон масса ҳолига келтириб, дарахт танасини ҳамда она шохларни оқлаш зарур. Бу айниқса данакли мева дарахтларига (ўрик, шафтоли, гилос, олхўри, олча ва б.) яхши самара беради. Бунда ҳар 10 л. эритмага 80-100 г. мис купоросини сувда эритиб, қўшиб юборилса самараси янада ортади.

Боғ қатор ораларини ҳайдаётганда, омоч илдиш тизимини шикастламаслиги учун дарахт танасидан 0,5-1,5 м. масофада айниқса пакана ва ярим пакана пайвандтагли боғларда ўтишига аҳамият қаратиш керак.

Дарахт баргларида 65-75 фои-

зи тўкилгандан сўнг, айниқса замбуруғли касалликларга чалинган боғларда дарахт танасини 3 фойзли Бордо суюқлиги ёки 6 фойзли карбамид эритмаси билан яхшилаб ювиш керак.

Резавор мевалилардан қулупнай, қорағат (смородина), хўжағат (малина) ўсимликларининг қаровига алоҳида эътибор бериш зарур. Август ойининг бошларида экилган қулупнай кўчатлари ўтдан тозала-



ниб, енгил чопиқ қилиниб, қишки совуқдан ҳимоя қилиш мақсадида иккала томонига гўнг солиш керак.

Қорағатзорда қорағат тупларига шакл бериш, қирқиш ва сийраклаштириш ишлари олиб берилади. Қорағатнинг эски 5 йиллик шохлари кесиб ташланиб, туп ичи очилади. Синган, қуриган шохлар кесиб ташланиб, янги ўсиб чиққан бир йиллик новдаларидан 5-6 таси қолдириб, қолган новдалар кесиб ташланади. Туп атрофи чопилиб, қатор ораси 20-25 см. чуқурликда ҳайдалади. Ҳайдовдан олдин қорағат қатор орасига 15-20 тн. гўнг, агарда гўнг бўлмаган тақдирда минерал ўғитлардан соф ҳолда 120 кг. фосфор, 60 кг. калий ўғитини бериш зарур. Сўнг бир марта суғориш керак.

Хўжағатзорда ҳосил бериб бўлган шохлари қурий бошлайди. Шунинг учун ушбу қуриган шохлар ер билан бир текисликда кесиб ташланиб, янги новдалардан бир тупда 10-15 та шохлари қолдирилади. Нимжон, касалланган, синган новдалар кесиб ташланади. Агарда бир йиллик новдалар узун бўлиб ўсган бўлса, новданинг 1,5-1,6 м.дан юқори қисми кесиб ташла-

нади. Бунда келаси йили ушбу новдаларда сифатли мўл ҳосил бўлади.

Токзорларда ушбу ойда ток тупларига шакл бериб қирқиш, қўндоқлаш ва кўмиш ишлари бажарилади. Ток кўмилмайдиган минтақаларда ток кесилмайди, чунки кесилган токнинг совуққа чалиниши кучаяди. Кесилмайдиган ток тупларининг нави ёки симбағазнинг турига қараб шакл ва юклама берилади.

Ток тупларини кесишда биринчи гада оидиум (кул) антракноз, милдью, бактериал рак билан зарарланган новда ва занглар қирқиб олиниб, токзордан чиқариб ташланади ва куйдирилади. Кўп ҳолларда деҳқонлар ток тупларини ёпиш учун қирқилган новдалардан фойдаланишади. Бунга йўл қўймаслик зарур. Чунки, турли касаллик юкумлари бўлган барг ва новдалар келаси йили уларнинг янада кўпроқ тарқалишига замин яратади.

Кесилган ток туплари қўндоқланиб ётқизилгач, ёпишдан олдин оидиум (кул) антракноз, милдью ва бактериал рак касаллик юкумига қарши 3 фойзли Бордо суюқлиги ёки 5 градусли оҳак-олтингугурт қайнатмаси ёки мис купоросининг 3 фойзли эритмасини пуркаш зарур. Ток туплари 25-30 см. қалинликда тупроқ билан кўмилади. Тупроқ ток кўчатини яхши кўмиши учун намлиги 70-80 фойзни ташкил қилиши керак. Бунинг учун ток кўчати қўндоқлангандан сўнг ёки олдин енгил суғориш зарур. Келаси йили мўл ҳосил олиш учун токзорлар ўғитланади, бунда йиллик меъёрнинг 50% фосфор ва азотни (аммоний шаклидаги) ва калий ўғитини 100 фози 15-20 см. чуқурликда ёки уялаб 20-25 см. чуқурликда солинади.

Токзорлар механизмлар ёрдамида кўмилганда қатор орасида иккига жўяк ҳосил бўлади. Ушбу жўякларга гўнг солинса самараси юқори бўлади. Токзорларга ҳар йили гектарига 20-30 тн. гўнг солиниб турилса, минерал ўғитлар сарфи 50 фойзгача қисқаради.

Ушбу тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш келаси йил мевазумдан мўл ҳосил олиш учун замин яратади.

Р.АБДУЛЛАЕВ,

қ.х.ф.н.

Академик М.Мирзаев номли
БУ ва ВИТИ

САБЗАВОТ ЭКИНЛАРИНИ ТЎҚСОНБОСТИ МУДДАТДА ЕТИШТИРИШ

Бугунги кунда жаҳонда глобаллашув жараёни кетаётган, иқтисодий инқироз асоратлари давом этиб, озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи долзарб бўлиб турган бир вақтда аҳолининг сабзавот ва полиз маҳсулотларига бўлган талабини тўлақонли таъминлаш, ердан самарали фойдаланиш орқали кўпроқ маҳсулот етиштириш тизимини яратиш энг устувор масалалардан биридир.

Мамлакатимизнинг иқлим шароити сабзавот экинлари етиштириш учун гоёат қулай минтақа ҳисобланади. Суғориладиган майдонлардан самарали ва унумли фойдаланиш, ҳар бир қарич майдондан йил давомида бир неча маротаба ҳосил олиш, шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш имконини бермоқда.

Масалан, тўқсонбости усулида экилган сабзавот экинлари уруғлари экилган эгатлар устидан чириган маҳаллий ўғитлар ёки дарахт қипиқлари билан мулчалаш ёки шаффоф полиэтилен плёнкаларини ёпиш тадбирларини қўллаш бу уруғларни эрта кўкламда барвақт униб чиқиб, жадал ўсиб ривожланиши ҳисобига эрта баҳорда экишга қараганда ҳосил етилиши 25-30 кунгача эртароқ, ҳосилдорлиги эса 15-20 фоизга ортиқроқ бўлади.

Кеч кузда совуқ ва намгарчилик бошланмасдан олдин тўқсонбости усулида экиш учун ноябр ойининг охири декабр ойининг биринчи декадасида совуққа чидамли сабзавот экинларидан сабзи, пиёз, ош лавлаги, кўкат сабзавотлар (исмалоқ, укроп, петрушка, сельдерей, кашнич, салат) экинларининг уруғлари сепилади. Тўқсонбости қилиб сепиладиган сабзавот уруғлар сарфи 20% гача кўпроқ бўлиши керак.

КЎК ПИЁЗ. Тўқсонбости муддатда пиёзнинг маҳаллий шароитда яратилган "Истиқбол", "Зафар", хорижнинг "Манас", "Дайтона", "Леоне", "Банко" навларини экиш тавсия этилади.

Пиёз уруғини тўқсонбости усулида экиш муддатига кўра жанубий вилоятларда 1-30 декабрда, марказий вилоятларда 15 ноябр-15 декабр ва шимолий вилоятларда 1 ноябр-1 декабр кунларига тўғри келади. Пиёз уруғи ҳар бир гектарига 18 кг гача сарфланади.

Пиёз СКОН - 4,2, СММ - 4 русумли сеялка билан ернинг нишабига қараб қатор ораларини 70-90 см.дан олиб уч-тўрт қаторли усулда ёки қўлда сочиб экилади. Уруғлар ерга 1,5-2 см чуқурликка кўмилади. Пиёз уруғи сепилгандан сўнг майдон сўғорилмайди. Барча агротехник тадбирлар баҳорда бошланади.

Баҳорда пиёз дастлаб ўсимликларнинг бўйи 6-8 см.га етганда, иккинчи марта боғлаб чиқариладиган товар ҳолига келганда ўтоқ ва яғана қилинади.

Ўғитлаш. Пиёздан 30 тоннагача ҳосил олиш учун ҳар гектар ерга юқори



унумдор майдонларда соф ҳолда 250 кг азот, 200 кг фосфор, 80 кг калий, ўртача унумдор тупроқларда 300 кг азот, 220 кг фосфор ва 90 кг калий, паст унумдор тупроқларда 320 кг азот, 220 кг фосфор ва 100 кг калий берилиши лозим.

Суғориш. Тўқсонбости усулида экилган пиёз баҳорда майсалари кўрингандан кейин сўғорилади. Биринчи сув одатда баҳорги ёғин-сочин тўхтагандан кейин берилади. Кўклам серёғин келган йилларда бу муддат апрелнинг иккинчи ярмига, ёғингарчилик кам бўлган йилларда эса апрелнинг бошларига, айрим ҳолларда эса ҳатто, март ойининг охирига тўғри келади.

САБЗИ. Сабзининг илдизмеваси қизил рангли, маҳаллий Зийнатли, Фаровон, хорижнинг Шантане 2461, Курода Шантанэ, Нантская 4, Канада, Карсон каби нав ва дурагайларини экиш тавсия этилади.

Тўқсонбости усулида экиш ишлари Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида 1-30 декабрда, марказий вилоятларда 15 ноябр-15 декабр ва шимолий вилоятларда 1 ноябр -1 декабр кунларига тўғри келади.

Сабзи уруғлари СКОН-4,2, СММ-4 русумли сеялкалар билан 1,5-2 см чуқурликка 52x8, 62x8 см схемада ёки қўлда сочиб экилади. Майдон сўғорилмайди Уруғ сарфи гектарига 5-6 кг ни ташкил этади. Сабзи уруғи сепилгандан сўнг майдон сўғорилмайди. Барча

агротехник тадбирлар баҳорда бошланади.

Сабзи уруғлари баҳорда униб чиқиши билан дарҳол бегона ўтларни ўташга ва яғаналашга киришиш керак. Сабзи 2 марта ўталади. Дастлабки ўташ сабзи битта чинбарг чиқарганда, кейингиси эса 3-4 барг чиқарганда ўтказилади. Ҳар ўтоқ давомида яғана ҳам қилиб борилади.

Бегона ўтларни йўқотиш учун гербицидлардан фойдаланилади. Бир йиллик ўтларга қарши, экишдан олдин гектарига Гезагард-50 ёки Прометрин препаратини ҳар гектарига 2-3 кг.дан бегона ўтлар уруғи ердан унунга қадар ёки 1-2 чинбарг чиқарган вақтда; Фюзилад Супер 12,5% препаратини гектарига 1-2 кг ҳисобидан бегона ўтлар уруғи 2-4 та барг чиқарган вақтида пуркалади.

Ўғитлаш. Сабзининг гектаридан 30 тоннагача ҳосил олиш учун юқори унумдор майдонларда соф ҳолда 175 кг азот, 130 кг фосфор, 80 кг калий, ўртача унумдор тупроқларда 220 кг азот, 160 кг фосфор ва 100кг калий, паст унумдор тупроқларда 250 кг азот, 200 кг фосфор ва 120 кг калий берилиши лозим.

Суғориш. Сабзи ўстиришда тупроқнинг тўйинган дала нам сифимига нисбатан суғоришдан олдинги тупроқ намлиги 70-75% бўлиши керак. Уруғ униб чиқишига қишда ва баҳорда ёққан ёғингарчилик миқдори етарли ҳисобланади.



Сабзи апрел ойининг иккинчи ярмидан бошлаб суғорилади. Дастлабки пайтларда экин ҳар 1,5-2,0 ҳафтада, май ойининг иккинчи ярмидан эътиборан, яъни илдизмевалар жадал суратда катталашаётганда эса ҳар 7-8 кунда суғорилади.

ОШ ЛАВЛАГИ. Ош лавлагининг маҳаллий "Диёр", "Яғона" ва хориждан келтириладиган навларидан "Бордо 237", "Бикорес", "Боро F₁", "Детройт", "Пабло F₁" дурагайлари тавсия этилади.

Лавлаги уруғлари 4-5°C да униб чиқа бошлайди, ўсиб ва ривожланиб бориши учун энг қулай ҳарорат 20-25°C дир.



Лавлаги совуқ (-2-3°C) ва юқори ҳарорат таъсирига чидамли бўлади, тупроқда нам етарли даражада бўлганда юқори ҳосил беради.

Тўқсонбости усулида экиш муддати жанубий вилоятларда 1-30 декабрда, марказий вилоятларда 15 ноябр-15 декабр ва шимолий вилоятларда 1 ноябр -1 декабр кунларига тўғри келади.

Уруғ сарфи тўқсонбости усулида экишда 16-18 кг. Экиш эгатлари 60-70 см бўлиб, 2-3 қаторли, ўсимлик оралари 8-10 см, 2-3 см уруғлар чуқурликка экилади. Ош лавлаги уруғи экилгандан сўнг майдон суғорилмайди. Барча агротехник тадбирлар баҳорда бошланади.

Ўғитлаш. Ерни шудгор қилишдан олдин гектарига 25-30 тонна чириган гўнг, 320 кг аммофос, 180 кг калий хлор ўғити солинади. Баҳорда вегетация даврида азот ўғити иккига бўлиб берилади. Биринчи озиклантириш ўтоқ қилиб ўсимлик сийраклаштирилгандан сўнг 240 кг карбамид ёки 550 кг сульфат аммоний, иккинчиси эса 3-4 чин барг пайдо бўлганда юқоридаги миқдорда солинади.

Суғориш. Ош лавлаги ўстиришда тупроқнинг тўйинган дала нам сифмига нисбатан суғоришдан олдинги тупроқ намлиги 65-70% бўлиши керак.

КЎКАТ САБЗАВОТЛАР. Юқори ҳосилдорлиги, тезпишарлиги, иссиққа кам талабчанлиги, намга ва озик моддаларга кўп талабчанлиги билан бошқа сабзавотлардан ажралиб турадилар.

УКРОП. Тўқсонбости усулида экиш муддати жанубий вилоятларда 1-30 декабрда, марказий вилоятларда 15 ноябр-15 декабр ва шимолий вилоятларда 1 ноябр -1 декабр экилади.

Укропнинг маҳаллий Узбекский 243, Ором ва хориждан келтирилган Анет навлари экилади. Кўклигида ишлатиладиган укроп уруғи полларга қалин қилиб сепади. Бир гектар ерга 20-25 кг уруғ сарфланади.

Укроп уруғи секин униб чиқади. Укроп ўтоқ қилиш, ленталар орасини юмшатиш ва бостириб суғориш йўли билан парвариш қилинади.

КАШНИЧ. Тўқсонбости усулида экиш муддати жанубий вилоятларда 1-30 декабрда, марказий вилоятларда 15 ноябр - 15 декабр ва шимолий вилоятларда 1 ноябр -1 декабр экилади.

Кашничнинг "Орзу" ва "Янтарь" навлари районлаштирилган.

Кашнич совуққа чидамли бир йиллик ўтчил ўсимлик ҳисобланади. Унинг уруғининг ўсиши учун 5-60°C, кўкариб, ҳосил яратиши учун 15-16°C ҳарорат керак. Кашнич вегетация бошида секин ўсади, кейин тез ривожланади. Унинг барра барглари 2-3 марта ўриб олиш мумкин. Бунда 1-1,5 см танаси қолдирилади, тегишли шароит яратилганда барги яна ўсиб чиқаверади. Вақтида ўриб олинмаса, уруғпоя ҳосил қилади.

Пол қилиб себилганда гектарига 8-10 кг уруғ сарфланади. Уруғ экилгандан сўнг, устидан майда чириган гўнг сепади. Асосий парвариши 1-2 марта ўташ, қалин ерларини бир оз яганалаш ва вақтида суғоришдан иборат.

ПЕТРУШКА. Тўқсонбости усулида экиш муддати жанубий вилоятларда 1-30 декабрда, марказий вилоятларда 15 ноябр - 15 декабр ва шимолий вилоятларда 1 ноябр -1 декабр экилади.

Петрушканинг "Нилуфар", "Сахарная" ва "Новас" навлари районлаштирилган.

Петрушка совуққа чидамли икки йиллик ўтчил ўсимлик ҳисобланади. Унинг уруғини ўсиши учун 5-6°C, кўкариб ҳосил яратиши учун 15-16°C ҳарорат керак. Петрушка вегетация бо-



шида секин ўсади, кейин тез ривожланади. Унинг барра барглари 3-4 марта ўриб олиш мумкин. Бунда 1-1,5 см танаси қолдирилади, тегишли шароит яратилганда барги яна ўсиб чиқаверади.

Петрушка ер танламайди. Уруғи экилгандан сўнг 55-60 кунда ҳосили етилади. Пол қилиб себилганда гектарига 3-4 кг уруғ сарфланади. Уруғ экилгандан сўнг, устидан майда чириган гўнг сепади. Асосий парвариши 1-2 марта ўташ, қалин ерларини бир оз яганалаш ва вақтида суғоришдан иборат.

САЛАТ. Салат бир йиллик ўсимлик бўлиб, у йирик барглardan иборат паст тупбарг ёки салатбоши ҳосил қилади.

Салатнинг маҳаллий Кўк шох ва хориждан келтирилган Фиоретт, Конкорд F₁, Лагунас F₁, Левистро F₁,

Саула F₁ навлари экиш учун тавсия этилади.

Баргли ва бош ўрайдиган салатлар тўқсонбости усулида экиш муддати жанубий вилоятларда 1-30 декабрда, марказий вилоятларда 15 ноябр -15 декабр ва шимолий вилоятларда 1 ноябр - 1 декабр кунларига тўғри келади.

Уруғи лентасимон усулида 2-3 қатор қилиб экилади. Бунда ленталар ораси 45-60 см, лентадаги қаторлар ораси 15 см қилинади. Бир гектар ерга салат уруғидан 4-5 кг, бошли салатникидан 3-4 кг экилади. Салат уруғи себилгандан сўнг майдон суғорилмайди. Барча агротехник тадбирлар баҳорда бошланади.

Майсалар баҳорда униб чиққандан 10-12 кун ўтгач 1-марта, 2-3 ҳафта ўтгач 2-охирги марта яғана қилинади. Бунда барг салат тупларининг орасида 8-10 см, бошли салатда эса 12- 15 см масофа қолдирилади.

ОТҚУЛОҚ (ШОВУЛ). Отқулоқ (шовул) - илдизи кўп йиллик ва бир йиллик, пояси ҳар йили ўсиб чиқадиган сабзавот. Отқулоқ экилган йили илдиз бўғздан тупбарг чиқаради, иккинчи ва ундан кейинги йилларда эса гулпоясини ташлайди.

Тўқсонбости усулида жанубий вилоятларда 1-30 декабрда, марказий вилоятларда 15 ноябр-15 декабр ва шимолий вилоятларда 1 ноябр -1 декабрда экилади.

Отқулоқ уруғи лентасимон усулда кўш қаторлаб ёки 3 қатор қилиб сабзавот сеялкасида экилади. Ҳар гектар ерга 3 кг уруғ сарфланади. Уруғи укроп сингари ҳам сепади.

Уруғ экилгач, унинг унишини тезлатиш учун устидан гектарига 10-12 тонна чириган гўнг, 300-400 кг суперфосфат сочилса, ҳосили мўл бўлади ва барвақт етилади. Эрта кўкламда ҳосилни тез етиштириш учун азотли ўғит солинади. Отқулоқ парвариши ўташ ва суғоришдан иборат.

Отқулоқ барги 5-6 тага етганда уни пичоқ билан кесиб олиш ёки катталарини банди билан суғуриб олиш мумкин. Ҳосил ўриб олингандан кейин орадан 12-15 кун ўтгач, уни яна ўриб олса бўлади, отқулоқ бир мавсумда 3-4 марта ўрилади.

Р. ХАКИМОВ,
қ.х.ф.н.,

Р. НИЗОМОВ,
қ.х.ф.д.,

Ф. РАСУЛОВ,
к.и.х.

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик ИТИ;

З. ДЕХҚОНОВА,
асисстент,
ТошДАУ

МОЙЛИ ЭКИНЛАРНИ КОМБАЙНЛАР ЁРДАМИДА ЙИҒИШТИРИШ

Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида пахта ва бошоқли дон экиладиган кам унумли майдонларни қисқартириш, бўшаган ерларга бошқа экинлар қаторида мойли экинлар экишни йилдан-йилга кўпайтириб борилмоқда.

Жорий йилда асосий ва такрорий экин сифатида экилган соя, кунгабоқар ҳамда махсар ҳосилни ўз вақтида нобудгарчиликсиз, сифатли йиғиштириб олиш фермер ва механизаторлар олдида турган асосий вазифалардир.

Республикамиз шароитида мойли экинлар галла комбайнлари ёрдамида тўғридан-тўғри йиғиштириб олинади. Аммо мойли экинларнинг ҳар бир турини йиғиштиришга алоҳида ёндашиш талаб этилади.

Сояни йиғиштириб олиш. Соя ҳосилини тўлиқ пишиб етилганда, қисқа вақт ичида йиғиштириб олиш лозим, акс ҳолда дуккаги очилиб, уруғ ерга тўкилиши натижасида нобудгарчилик кескин ошиб кетиши мумкин. Унинг уруғ намлиги 16-18 фоизга етганда йиғиштириш мақсадга мувофиқдир.

Комбайннинг иш тезлиги ўрилаётган соянинг ҳосилдорлиги, майдоннинг текислиги, бегона ўтлар массасига ва бошқа омилларга қараб 4-5 км/соат оралиғида танланади.

Соя ўсимлигида жами дуккакларнинг 2-12 фоизи поянинг пастки қисмида, яъни ерга нисбатан 15 см гача баландликда жойлашган. Шу сабабли комбайн жаткаси минимал баландликда ўрнатилиши керак. Шу билан бирагалликда ўриш аппарати тупроқ ичига кирмаслиги лозим.

Мотовиланинг айланиш тезлиги экиннинг қалин ёки сийраклигига қараб ўзгартирилади. Майдонда бегона ўтлар кўп ва қалин жойларда мотовиланинг айланиш тезлигини камайтириш, сийрак жойларда эса ошириш керак. Тезликнинг рационал оралиқлари 25-30 айл/мин ҳисобланади. Ўрнатилиш баландлиги соянинг баландлигига қараб танланади, яъни пояни юқори қисмидан тахминан 30-40 см пастроқда бўлиши лозим. Мотовила ўриш аппарати нисбатан 400-600 мм оралиқда олдинга чиқарилади.

Янчиш аппаратини қуйидагича ростлаш талаб этилади: дека ва янчиш барабани орасидаги тирқиш-кириш қисмида - 15-17 мм, чиқиш қисмида - 4-6 мм. Бу Доминатор-130 комбайнида декани рост-

ловчи тортқининг 4 ҳолатига тўғри келади. Янчиш барабани тезлиги 600-700 айл/мин оралиғида ростланиши лозим.

Тозалаш қисмида вентиляторнинг айланиш тезлиги 700-800 айл/мин оралиғида танланади. Юқори элакнинг очилиш бурчаги 12 мм, пастки элак эса 9 мм га ростланганда мақсадга мувофиқ бўлади.

Кунгабоқарни йиғиштириб олиш. Кунгабоқарни ҳам ҳосил тўлиқ пишиб етилиб, уруғ намлиги 14-16 фоиз қолганда йиғиштириб олиш тавсия этилади. Кунгабоқар қисқа



вақт ичида йиғиштириб олинмаса саватчадаги уруғлар кушларнинг еб кетиши ва механик таъсирлар туйфайли тўкилиши натижасида нобудгарчилик кескин ошиши мумкин. Такрорий экин сифатида экилган кунгабоқар пишиб етилиши кечикиб ёгингарчиликка қолиб кетаётган бўлса уни албатта дефолиация ёки десикация қилиш лозим.

Комбайннинг иш тезлиги жатканинг ўрнатилиш баландлигига, яъни ўрилаётган массага ва бошқа омилларга боғлиқ бўлиб 3-5 км/соат оралиғида бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Ўриш баландлиги кунгабоқар саватчаларининг ерга нисбатан жойлаш баландлигига ва пояларни эгилишига қараб танланади. Одатда жатка 40-60 см баландлик ишлатилади. Жатка пастроқ ўрса, комбайн янчигича келаётган массани ошиб кетиши оқибатида саватчалар туйқ янчилмай қолиб кетади.

Мотовиланинг айланиш тезлигининг асосий фойдаланиш оралиқлари 21-25 айл/мин ҳисобланади. Мотовила ўриш аппарати нисба-

тан 500-700 мм оралиқда олдинга чиқарилади.

Янчиш аппаратини қуйидагича ростлаш талаб этилади: дека ва янчиш барабани орасидаги тирқиш - кириш қисмида - 15-17 мм, чиқиш қисмида - 4-6 мм. Бу Доминатор-130 комбайнида декани ростловчи тортқисининг 4 ва 5 ҳолатига тўғри келади. Янчиш барабани тезлиги 600-700 айл/мин бўлиши лозим.

Тозалаш қисмида вентиляторнинг рационал айланиш тезлиги минутига 700-800 марта. Юқори элак 12 мм, пастки элак эса 9 мм га ростланиши керак.

Махсарни йиғиштириб олиш. Махсар тўлиқ пишиб етилганда йиғиштириб олинади. Махсар уруғлари пишгандан кейин уруғлари жуда қийинчилик билан ажралади. Шунинг учун махсар уруғлари пишиб кетса ҳам тўкилмайди.

Ўрилаётган махсар массаси катта бўлмаганлиги сабабли комбайн юқори тезликларда ишлай олади.

Ўриш баландлиги махсар саватчаларининг ерга нисбатан жойлаш баландлигига қараб танланади. Одатда жатка 10-15 см баландликка ростланиб ишлатилади.

Мотовиланинг айланиш тезлиги комбайн тезлигига боғлиқ равишда ўзгаради ва асосий фойдаланиш оралиқлари 25-35 айл/мин ҳисобланади.

Янчиш аппаратини қуйидагича ростлаш талаб этилади: дека ва янчиш барабани орасидаги тирқиш - кириш қисмида - 13-15 мм, чиқиш қисмида - 3-4 мм. Бу Доминатор-130 комбайнида декани ростловчи тортқининг 3 ва 4 ҳолатига тўғри келади. Янчиш барабани тезлиги 650-850 айл/мин атрофида ростланиши лозим.

Тозалаш қисмида вентиляторнинг айланиш тезлиги бир минутда 650-800 бўлиши лозим. Юқори элак 10-12 мм, пастки элак эса 5-6 мм га ростлангани мақсадга мувофиқдир.

Мойли экинлар уруғини йиғиштирилгандан сўнг дастлабки тозаланиши ва талаб этилган даражада, соя - 14, кунгабоқар ва махсар эса - 10-12 фоизгача қуритилиши талаб этилади.

Шундай қилиб, мойли экинларни мавжуд галла комбайнлари ёрдамида йиғиштириб олишда тавсия этилган ростлаш ишлари тўғри бажарилса ўрим-ийгим нобудгарчиликларсиз сифатли бажарилади.

М.ТОШБОЛТАЕВ,
т.ф.д., проф.,

О.ОЧИЛДИЕВ,
к.и.х.,
ҚХМЭИ

ЧОРВА ҚИШЛОВИГА ТАЙЁРМИСИЗ?

Мамлакатимизда чорвачиликни янада ривожлантириш, аҳолини чорвачилик маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш учун қишловни муваффақиятли ўтказиш чорвадорларимизнинг долзарб вазифаларидан биридир. Чорвани қишнинг қорли-қировли

кунларидан беталофат олиб чиқиш, маҳсулдорлиги пасайишининг олдини олиш кўп жиҳатдан чорвадорнинг ишни тўғри ташкил қилишига боғлиқ, бунинг учун тармоқлар бўйича қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Қорамолларни қиш даврида сақлаш учун молхоналарда ёруғ, илиқ (+7+8°C), тоза, қуруқ сақлаш шароитларини яратиш керак бўлади. Молларни қишда парваришланган биналарга киритишдан аввал биринчи навбатда молхоналарни гўн ва чанглардан тозалаш, шамоллатиш мосламаларининг ҳолати текшириш, махсус эритмалар билан дезинфекциялаш тадбирларини амалга ошириш зарур. Бинонинг совуқлиги, тартибсизлиги, молларни етарли даражада озиклантирилмаслик каби омиллар озуқа манбаларининг кўп сарфланишига, маҳсулотнинг кескин камайишига, ҳайвонларнинг семизлилик даражасининг камайишига ва касалликларнинг кўпайишига олиб келади.

Қорамолларни асрашдаги янги замонавий услублардан бири бу деворлари бўлмаган бостирмаларда, яъни "совуқ усул"да асрашдир. Замон талабига асосан бугунги кунда қорамолларни боғлаб асраш самараси пастлиги сабабли уларни боғламасдан, совуқ усулда асрашга мослашган биналарда боқиш тавсия этилмоқда. Бунда молхоналар фақат бостирма шаклида қурилиб, ён томондаги деворлари ҳам очик бўлади. Қиш пайтида ёки ҳаво ҳароратининг нормадан пасайган



ҳолатларида ён деворлар очиладиган плиталар билан ёки қалин брезент матолар билан ёпилади. Уларни очиш ва ёпиш автоматик ёки қўлда, ярим автоматлаштирилган ҳолда бошқарилади. Чорвачилик фермаларида қиш даврида чорва молларини асраш, озиклантириш, сайр қилдириш жойларини таъмирлаш билан бир қаторда, чорвадорларни дам олишлари учун шаро-

итлар яратишни ҳам инobatга олиш мақсадга мувофиқ.

Республикамизда қўй ва эчкичилик чорвачиликнинг сердаромад соҳаларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли, ушбу тармоқда қишловни беталофат ва самарали ўтказиш муҳимдир.

Қиш фаслида қўй ва эчкиларни нормал об-ҳаво шароитида парваришлаш уларнинг соғломлиги, семизлиги ва яхши ривожланишига ҳамда жуннинг сифатига сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Маълумки қўй ва эчкиларнинг маҳсулдорлиги бевосита истеъмол қиладиган ем-хашакнинг сифати ва миқдорига боғлиқ бўлади. Қиш даврида яйловларда асосан тўйимсиз ўтларгина бўлади, бу эса қўй ва эчкиларнинг семизлик даражасига,



айниқса яйловларда ўт тақчил бўлган йилларда уларни меъёр даражасида сақлаш имкониятини қийинлаштиради. Қиш ойларидан совлиқлар ва она эчкилар 15-20 фоизгача ўз семизлигини йўқотади. Шу боис қўй ва эчкиларнинг қишлов жойига етарли миқдорда туз, хашак ва омукта-ем маҳсулотларининг тўлиқ захирасини яратиш зарур. Қўй ва эчкиларни қишдан муваффақиятли олиб чиқишнинг муҳим шартларидан бири кенг, яхши таъмирланган биналарда сақлашдир.

Қиш мавсумида бир бош қўй учун дағал озуқалар 3-5 ц, шу жумладан камида 2,0-2,5 ц пичан, 3-5 ц силос, 20-25 кг концентрат озуқалар тайёрланиши лозим. Бир бошга 1 суткада ош тузи ёш қўзиларга 5-8 г дан, ёши катта қўйларга 15-20 г дан берилади.

Қишловга яхши ҳозирланган асалари оиласи ортиқча қаров талаб этмайди. Асаларилар қишлов даврига киришдан олдин уядаги ромлар усти ёпқич матолар билан ёпилиши керак. Қишлов даврида озуқа етишмаганда асалари оиласи кўшимча озик-



лантирилади. Агар захирада асалли ромлар олиб қўйилган бўлса, асалари оиласини озиклантиришда қийинчилик туғдирмайди. Бунинг учун асалари уяси очилади ва аввалдан иссиқ хонада иситилган асалли ром асалари гужи ёнига жойлаштирилади. Ўзбекистоннинг об-ҳаво шароити асалариларга мунтазам равишда учиб юриш имконини беради. Шунинг учун ҳам асалари қутилари олд деворини қишлов даврида жанубга қаратиб қўйилиши керак.

Асаларилар уяда иссиқликни сақлаш учун барча тешик ва ёриқларни прополис (асалари елими) билан беркитадилар. Бу ишни айнақса Ўзбекистоннинг маҳаллий асалари популяциялари пухта бажаради. Улар барча шамоллатиш тешикларини ҳам беркитиб фақат бир асалари зўрға сиғадиган торгина учиб-кириш туйнугини қолдиради.

Чорвадорларимиз қишлов даврида юқоридагиларга амал қилиб, ишларни намунали ташкил этишса, барча турдаги чорва молларини қишловдан беталофат олиб чиқишга эришишлари баробарида, чорва моллари маҳсулдорлигини оширишга ҳам муваффақ бўлишади.

А.НУРМАТОВ,

Б.АЛЛАШОВ,

О.ТЎРАЕВ,

қ.х.ф.н., ЧПТИ.

МОЛИ СОҒНИНГ КўНГЛИ ЧОҒ

Чорва молларини парвариш қилаётган хонадон оила аъзолари ҳар йили тиббий кўриқдан ўтишлари, юқумли касалликларга қарши эмлаш муолажаларини (касаллик ҳайвонлардан инсонларга юқмаслиги учун) олишлари зарур.

Агар оила аъзоси тери касалликлари билан касалланган бўлса, тана аъзоларида шилланган, кесилган, майда яралар тошган ҳолларда ветеринарнинг рухсатисиз чорва молларига хизмат кўрсатиши ва сигир соғиши мумкин эмас.

Ўй ҳайвонларини парваришлашнинг асосий шартлари уларни ўз вақтида ва узлуксиз озиклантиришдир (оғилхонада парваришлаш даврида моллар ёзда тайёрланган озуқа билан боқилади).

Иккинчи муҳим шартларидан бири - зарур гигиеник парваришлашдир. Бу ҳайвоннинг тирик вазнини сақлаб қолишда ўз ифодасини топади - улар ўртача семизликни сақлаб қолади.

Қорамолни хонадонда боқишда аввало, бу мол



қайси йўналишда боқилаётганлигига эътибор қаратилиши лозим. Агарда сут йўналишида боқилаётган бўлса рационда майдаланган кўк ўт, пичан, лавлаги, сифатли концентрат ем бўлиши керак.

Агар мол бўрдоқига боқилаётган бўлса рационда кўпроқ миқдорда концентрат (ем, кепак, шелуха, шрот) бўлиши шарт. Боқилаётган мол кам ҳаракат қиладиган ҳолатда бўлиши керак.

Қорамолларни сақлаш хоналари, яъни оғилхоналар кенг, ёруғ ва ҳаво алмашиши учун ромлар бўлиши керак. Молхона яхши таъмирланган, деворлари, охури оҳак билан дезинфекцияланган, барча тешик-тирқишлар ёпилган бўлиши даркор. Оғил яхши шамоллатиладиган, сийдик оқиб кетадиган нов бўлиши лозим.

Иложи бўлса молларни ҳар куни, бўлмаса, ифлосланганда тозалаб, қашлаб туриш даркор. Бунинг учун қашлагичдан фойдаланилади. Агар қорамол жуда ифлосланиб кетган бўлса илиқ сувда ювилади. Бу тадбир-

ни ёзда доимо бажариб туриш лозим, чунки тоза тери ҳашаротларни ўзига камроқ жалб этади. Сигирни чўмилтириб туриш ёки унга сув сепиш ҳам самаралидир.

Молхона қуришда меъёрларга риоя қилиш лозим. Сигирлар учун оғилхона узунлиги 160-200 см, кенглиги 130-150 см. дан кам бўлмаслиги керак. Охур пастроқ бўлади - моллар бўйнини эгиб, аммо чўзилмасдан озикланиши керак. Охурни, яхшиси тўғри бурчакли эмас, овалсимон қилиб, яъни тепа томони 80 см, пастини 50 см. дан кам бўлмаган кенгликда қуриш мақсадга мувофиқдир. Унинг ҳажми бир маротабалик озуқа сиғадиган бўлиб қолмасин, бўрдоқига боқилаётган молларнинг суви олдида бўлгани маъқул.

Юқумли касалликлар ва ҳашаротларга қарши қураш тадбири сифатида ҳамшиша молхона атрофини тоза сақлаб, гўнгини кунига икки марта йиғиштириб олиш, ҳашаротларни қувадиган эритмалар билан молларга ишлов бериб туриш тавсия этилади. Янги эритилган оҳак жуда кучли дезинфекциялаш хусусиятига эга. Шунинг учун молхона деворлари тез-тез оҳак билан бўялса, бу молхонанинг санитария ҳолатини ва ҳаво тозаллигини яхши даражада сақлаб туради.

Чорва моллари орасида учрайдиган бир қатор юқумли касалликлар борки, уларнинг олдини олиш ва хавфсизлик чораларини кўриш лозим.

Куйдирги касаллиги. Бу касаллик ўткир юқумли касаллик ҳисобланади ва ҳайвонларнинг ҳамма турларига, шунингдек, одамга ҳам юқади.

Бу касалликда ҳайвон жуда ҳам бўшашиб, иштаҳаси йўқолади, тана ҳарорати 41-42,5 °С га кўтарилади, шиллиқ пардалари кўкаради, ҳайвон ҳаллослайди. Кўпларининг терисида шишлар пайдо бўлади, қорамол вақти-вақти билан безовталанади, ич кетиши ва сийдик қизариши каби клиник белгилар намоён бўлади.

Бруцеллёз касаллиги (қораоқсоқ касаллиги). Мазкур касалликда ҳайвонларда ҳомила тушиши, йўлдошнинг ушланиб қолиши касаллик белгилари ҳисобланади. Ҳомиланинг тушиши кўпгина ҳолларда бўғозликнинг иккинчи ярмида кузатилади, касаллик инсонга юқади.

Бундай белги билан касалланган ҳайвонларга аниқ диагноз қўйилгунча сутини истеъмол қилмасдан туриш керак.

Туберкулёз (сил) касаллиги. Туберкулёз касаллиги сурункали ўтувчи характерли бўлиб, организмнинг ўпка, ичак, лимфа тугунларида ўзига хос турдаги туберкула тугунақларини ҳосил қилади, бу касаллик билан инсонлар ҳам касалланади.

Қутуриш касаллиги. Бу касаллик билан барча турдаги иссиқ қонли ҳайвонлар, шунингдек, одамлар ҳам касалланади.

Касаллик белгилари кўпчилик ҳайвонларда ўхшаш бўлиб, қўзғалувчанликнинг ортиши, атрофга жавоб рефлексларининг бузилиши, иштаҳасизлик, еб бўлмайдиган нарсаларни тишлаши, кўплаб сўлак ажратиши

билан характерланади. Бу ҳолат 2 кун давом этиб, ҳайвоннинг шол бўлиб ўлиши билан яқунланади.

Оқсил касаллиги. Мазкур касаллик қорамолларда оғир кечувчи хусусиятга эга, касаллик оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватларида, елин терисида ва оёқларда яраларнинг ҳосил бўлиши билан характерланади.

Қорасон касаллиги. Бу касаллик 3 ойликдан 4 ёшгача бўлган қорамолларда кўп учрайди.

Касал молнинг тана ҳарорати кўтарилади, мускулли қисмларидаги шишган жойларда оғриқ ва гижирлаш пайдо бўлади, ҳайвон 1-3 кун давомида нобуд бўлади.

Сальмонеллез касаллиги. Касаллик билан бузоқлар 10 кунлигидан икки ойлик ёшгача зарарланади. Касаллик сут, овқат орқали ва нафас олиш жараёнида юқиши мумкин.

Касал бузоқларда лоҳасланиш, тана ҳароратининг кўтарилиши, бел қисмининг букчайиши, кўзларининг ярим юмилиши ва ёш оқиши, ич кетиши, жунининг хурпайиши каби белгилар кузатилади.

Метрит касаллиги. Бу касаллик бачадоннинг ялтигланиш касаллиги бўлиб, сигирларда кенг тарқалган ва турли кўринишларда кечади. Касаллик бачадоннинг шикастланиши, йўлдошнинг ушланиб қолиши ва бачадонга микроб тушиши натижасида келиб чиқади.

Касалланган молларда ҳолсизланиш, тана ҳароратининг кўтарилиши, нафас олиш ҳамда юрак уриши тезлигининг ортиши, иштаҳа йўқолиши, инграш ва букчайиш каби аломатлар намоён бўлади.

Мастит касаллиги. Сут безларининг бир қанча турдаги бактериялар томонидан зарарланишидир. Сут безидаги ялтигланиш даражасига қараб касаллик белгилари ҳар хил бўлади.

Касалликнинг оғир кўринишларида елин шишиб кетади, унинг касалланган маҳаллий қисмларида ҳарорат кўтарилади, кучли оғриқ пайдо бўлади, натижада сигирнинг иштаҳаси йўқолади. Сурункали кўринишларида эса елин палларидан бири ёки бир нечтаси шишган ҳолатда бўлиб, сут ўзига хос бўлмаган ириган кўринишда бўлади.

Туёқ касаллиги. Касалликнинг келиб чиқишига сабаб - туёқнинг шикастланиши, туёқлар орасидаги терининг ёрилиши ёки шилиниши каби ҳолларда, шу жойга бактериялар тушиб зарарлайди ва касаллик келиб чиқади.

Касаллик белгилари шундан иборатки, молда борган сари оғирлашадиган оқсоқлик пайдо бўлади, туёқ атрофида шиш ҳосил бўлади, қўланса ҳид пайдо бўлади. Касаллик инфекциясининг оёқ бўғимларига ўтиши оқибатида мол нобуд бўлиши мумкин.

Чорва молларининг қон-паразитар касалликлари Республикамиз ҳудудида кўп учрайди. Касаллик яйлов каналари томонидан юқади.

Касалланган ҳайвонларда тана ҳарорати кўтарилади,

иштаҳаси йўқолади, қон камаяди (анемия), сийдик тўқ қизил тусга киради, шиллиқ пардалар сарғаяди.

Касалликнинг олдини олиш учун молхоналарнинг деворларида тирқиш ёриқлар бўлмаслиги керак. Деворларни сувоқ қилиб, оқлаш мақсадга мувофиқ. Қорамолларни баҳор-ёз даврида ҳар 15-20 кунда чўмилтириб туриш, полиамидин, беренил, азидин препаратлари билан ҳар 100 кг тирик оғирлигига 5 мл ҳисобида олдини олиш тадбирларини ўтказиш тавсия этилади.

Оғиз сутини бузоққа тўлиқ тўйганича эмизилади. Бузоқ иссиқроқ жойда сақланади. Айрим кишилар молхонасида махсус бузоқхона ҳам қурдиради ва унга бозоқларни эркин қўйиб юборади.

Сигирни соғишдан олдин унинг елини иссиқ сувда намланган латта билан артилиб, кейин қуруқ латта билан суртиб тозаланади.

Сигирни сақлайдиган жой тоза бўлиб, нам бўлмаслиги керак. Молхонага ҳар 3-5 кунда исириқ (адарасмон) тутатилиб, дезинфекция қилиб турилади.

Бузоқни соғлом қилиб ўстириш учун бузоқ ўзи озикланадиган давргача, яъни 40 кунгача эмчакнинг иккита сўргичини бузоқ эмиши учун қолдириш шарт.

Бузоқни ҳар куни тоза ҳавода яйратиш, яъни бўш қўйиш керак. Бошқа озукалар билан озиклана бошлагандан кейин қўшимча озиклантирилади.

Сигирларни боқишда озиклантиришга катта эътибор бериш лозим, уй шароитида боқилаётганда берилаётган озуқа ичида ёт нарсаларнинг бўлмаслигига эътибор бериш зарур.

Сигирлар дамлатадиган озукаларни истеъмол қилиб, дамланиб кетса қуйидагиларни бажариш лозим: ҳайвонни югуртириш, тоза сут ичириш, устидан муздек сув қуйиш, оғзига яхши чайналадиган дарахтларнинг (толнинг) новдасидан солиб боғлаб қўйиш.

Чўл, дашт зоналарида яйловга боқиладиган ҳайвонларда дала каналари учраши мумкин. Канани эса ўлдирувчи воситалар билан (керосин, какра қайнатмаси ва бошқа замонавий дезинфекторлар) ювиш керак.

Бузоқ, умуман ҳайвонларнинг ичи кетса, сариқ ўтнинг қайнатмасидан ичириш лозим.

Молхонани моллар яйловга чиққандан кейин (баҳорнинг охири, ёз ойларининг бошларида) тозалаб, оҳаклаб қўйиш керак. Бу ишни моллар молхонага кириш олдидан ҳам такрорлаш лозим.

Сигир туққандан кейин, тезда қуйикиб, янгидан қочиритиш учун уни ҳар куни энг камида 1-1,5 км юргитиш зарур.

Қорамолларни бўрдоқига боқишда салқин, қоронғироқ жой мақсадга мувофиқ. Берилаётган озуқа миқдорига эътибор бериш, молни бўктириб қўймаслик керак. Ёз кунлари ҳар куни чўмилтирилса семириб, тозаланади. Семираётган мол жуда нозик дидли бўлади, агар озукани кўнгилдагидай емаса, бошқасига алмаштириш зарур.



ҚИШ ТАДРОИГИ

Сабзи шарбати тайёрлаш. Сабзи шарбати кўз нурини равшанлаштиради, буйракни яхшилади, овқат ҳазм қилишни осонлаштиради ва иммунитетни кучайтиради. Бу шарбатни тайёрлаш учун ортиқча куч ва меҳнат талаб қилинмайди. Керакли нарсалар: сабзи, шарбат сиқиб чиқарувчи аппарат.

Тайёрлаш усули: сабзининг заха бўлмаган ширинроқ турини танлаб оласиз. Пўстини арчиб, шарбат сиқиб чиқарувчи аппаратдан ўтказасиз. Бир стакан сабзи шарбатига 1 ош қошиқ лавлаги сувидан қўшиб юборсангиз унинг фойдали хусусияти янада ошади.

Анор шарбати тайёрлаш. Анор шарбати витаминларга бой маҳсулот ҳисобланади, шу боис уни организмнинг силласи қуриганида, кам-

қонликда, атеросклерозда, нафас олиш йўллари инфекцияларида, бронхиал астмада, ангинада, радиоактив нурланишда ичиш тавсия этилади.



Анорнинг ширин навларидан олинадиган шарбат жарроҳлик операцияларидан кейин, буйрак санчиқлари ва ошқозон-ичак бузилишларида самарали тикловчи во-

сита сифатида яхши фойда беради.

Анорнинг нордон навларидан олинадиган шарбат эса, диабет касаллигида ёрдам беради. Анор меваси пўчоғидан тайёрланган қайнатма ичак ёки ошқозон яллиғланиши ҳолатида ёрдам беради, дизентерия ва гемморройга қарши курашда қўшимча самара келтиради. Таркибида С витамини жуда кўп миқдорда бўлган анор суви организмни мустаҳкамлайди ҳамда кўплаб вирусли касалликларнинг олдини олишда цитрусли мевалар шарбатидан қолишмайди. Шунингдек, анор иштаҳани очади, унинг уруғлари эса юрак мушакларини мустаҳкамлайди. Анорнинг ҳамма қисмлари фойдали: пўчоғи ҳам, доналари ҳам, шарбати ҳам, данаклари ҳам, гуллари ҳам, илдизи ҳам.

Қовунқоқи тайёрлаш. Қовунқоқи қимматли озиқ-овқат маҳсулотидир. Қовун таркибидаги глюкоза, фруктоза ва сахароза, клетчатка ва гемицеллюлозалар, шунингдек, пектинлар сақланади. Қовунни офтобда оддий усул ёки махсус қуритгич шкафларда қуритилади. Қовунқоқини ҳамма навлардан



тайёрлаш мумкин, қовун этининг тигизлик даражасига қараб, қуритиш ва қирқишнинг турли усулидан фойдаланилади. Эти тигиз бўлган Қизилуруғ, Оқ уруғ, Кўкча, Гулоби ва бошқа навлари оддий усулда илмоқларда, эти бўш, юмшоқ этли (Босволди, Тошлоқи, Гурвак ва бошқалар) навларни сўкчакларга ёйиб 2-3 кун қуритилади, сўнгра яхши қуриб этилиши учун зангламайдиган симларга осиб қўйилади. Қовунқо-

қини об-ҳаво шароити ва қовун тилимларининг қалинлигига кўра, қуритиш 6-14 кунга боради. Тайёрлаш усули: қовун ўртасидан тенг иккига ажратилиб, уруғи олинади. Паллалар эни 3-4 см қилиб тилимланади, пичоқ орқали пўстидан ажратилади ва ўртаси охиригача кесилмай бир жуфт қилиб осиб қўйилади. Ширалиги ўртача навлардан 4,5-5,5, жуда ширин навлардан 7,5-10,1% (ўртача 7%) қоқи тушади. Таркибида умумий қанд миқдори 38-75,7%, намлиги 20% атрофида бўлади. Асосан, қиш ва баҳор фаслларида истеъмол қилинади.

Олма, беҳи, анор меваларини сақлаш. Ҳўл меваларни сақлашга қўйишдан олдин чириган, шикастланган ва ёрилганларидан сараланади. Сара меваларни омбор ёки ертўлада тахта ёки фанерадан тайёрланган оддий сўкчаклар устига териб сақлаш мумкин.

Одатда етилган олма ва ноклар бошқаларидан ажралиб туради. Улар бандидан осон узилади ва кучлироқ шамол эсса тўкилиб кетади. Қуйида олма ва нокларни бешикаст териб олиш ва сақлаш борасида бир неча тавсияларни келтираемиз.

Терилган олмаларни қуруқ ва тоза ертўлада сақлаш тавсия этилади. Агар ертўла ҳаддан ташқари қуруқ бўлса, унинг ўртасига бир қутида кум қўйилади ва унга вақти-вақти билан сув қуйиб турилади. Борди-ю, ертўлада керагидан ортиқ намлик бўлса, у ҳолда унинг ўртасига бир челақ сўндирилмаган оҳак қўйиш мумкин. У ортиқча намликни ўзига тортиб олади.

Ертўлада ҳароратнинг кескин ўзгаришига йўл қўймаслик керак, олмаларнинг мазаси ўзгариб кетиши мумкин. Сақлаш учун терилган олмаларга ҳеч қандай заха етмаган бўлиши шарт. Йўқса, пўстлоғидаги



арзимаган тирналган жой ҳам чиришга сабаб бўлади.

Меваларни бир хил катталиқда саралаган маъқул. Кейин олма-ларнинг ҳар бири қоғоз билан ўралади ва ёғоч қутиларга икки қават қилиб терилади. Қатлам орасига эса ёғоч қириндиси солинади. Олмалар бири-бирига тегиб турмаслигига алоҳида эътибор беринг.

Олмаларни полиэтилен халталарда ҳам сақлаш мумкин. Аммо бунда мевалар орасига сиркага ботирилган пахта қўйилади. Мевалар "нафас" олганда кислород сарфлайди ва карбонад ангидрид чиқаради. Кислород микроорганизмларнинг ривожланишига ёрдам берса, карбонад ангидрид уларнинг ривожланишини тўхтатади.

Шу сабабдан ҳам бундай халталарда олма узоқроқ муддат сақланади. Уларни ертўлада эмас, балки уйда сақласа ҳам бўлади. Аммо бунинг учун олма пишишидан бир ой олдин дарахтни суғоришни тўхтатиш талаб этилади. Йўқса, мевада намлик ошиқча бўлгани учун яхши сақланмайди.

Олма дарахтига калийли ўғит кўпроқ солинган бўлса, унинг эти қаттиқ бўлади. Гўнғ ёки азот кўп солинса, таъми тахирроқ бўлади.

Нокларни ҳам худди олма каби сақлаш мумкин. У жуда нозик мева бўлгани сабабли териш чоғида эҳтиёткорлик талаб этилади. Худди олма каби ҳар бир мева алоҳида-алоҳида қоғозга ўралади. Уни ёғоч қутиларга бир қатор қилиб териш керак. Банди эса кейинги қатордаги мевалар орасига тўғри-лаб қўйилади.

Узумни сақлаш. Узум бошларидан чириган мевалар бирма-бир териб ташланади. Бошлар сояга ёйилади, 1-2 кун мобайнида шамоллатиб сўлтилади. Кейин узум бошлари иккитадан қилиб бойланади ва ипга осилади. Сақлаш жойидаги ҳаво ҳарорати 0-5 даража атрофида илиқ, намлик 85-95% атрофида бўлиши



лозим. Омборхона ёки ертўла вақти-вақти билан олтингугурт билан дудлаб турилиши керак.

Картошкани сақлаш. Картошка ковлаб олингандан кейин 20-25 кун ўтгач, лат еган ёки димиқиш туйфайли зарарланганларидан сараланади.

Картошка оддий омборларда яшиқка, тўрхалтага солинган ёки тўкма ҳолда сақланади. Омборда ҳарорат 2-4 даража илиқ, нисбий намлик 80-85 фоиз бўлса, маҳсулот яхши сақланади.



Омбор бўлмаса, картошкани сизот сувлари яқин бўлмаган ерларда ковланган ўраларга кўмиб сақлаш мумкин. Бунда ўранинг эни 60-70 см, чуқурлиги 70-80 см, узунлиги 2-3 м бўлиши мақсадга мувофиқ. Ўрага картошка жойлангач, устига 10-15 см қалинликда похол ёки қамиш ёпилади, сўнгра устидан 30-35 см қалинликда тупроқ тортилади. Картошка шундай шароитда апрель ойигача яхши сақланади.

Картошкани уй-рўзғор шароитида сақлаш учун ёруғ тушмайди-ган жой танланиши керак. Чунки ёруғ тушадиган жойда туганаги тез бузилиб, аччиқ бўлиб қолади. Сақланаётган картошкани ҳар ойда саралаб туриш зарур.

Пиёзни сақлаш. Пиёзни сақлашдаги асосий вазифа маҳсулот сифатини пасайтирмастикдир. Сақлаш муддати мумкин қадар узоқроқ бўлиши лозим. Пиёз ертўла ёки омборда тўрхалталарда, яшиқларда сақланади.



Маҳсулот сақланадиган жой қуруқ, ҳавоси алмашиб турадиган бўлиши керак. Хонадаги ҳарорат илиқ, нисбий намлик 70-75% атрофида бўлгани маъқул. Пиёз музлаб қолгандан сўнғ ҳам ўз ҳолига келиши мумкин. Аммо бу ҳол қайта-қайта такрорланса, маҳсулот сифати бузилади.

Сабзини сақлаш. Сабзини ковлашдан 10 кун олдин суғориш яхши самара беради. Сабзи барги саргайгандан кейин ковланиб, баргидан тозаланади. Сабзи ўрада сақланади. Ўра тупроғи нам бўлиши, унга ўт ёки яшил барглар тушмаслиги талаб этилади.

Ўрага сабзи тўлдириш вақтида эланган қум солиб борилса, сабзи сўлимайди ва узоқ сақланади. Ўра тўлдирилгандан кейин усти похол ёки қамиш (5-10 см) билан ёпилади ва 30-35 см тупроқ тортилади.



Сабзини январь-февраль ойлари-ригача салқин ертўлаларда полиэтилен қопларда, яшиқларда (ичига полиэтилен тўшама қилиб) сўлимаслиги учун устини қум ёки нам тупроқ билан ёпиб, кунлик эҳтиёж учун ишлатиб бориш мумкин.

14-17-бетлардаги материаллар «Аҳоли томорқа хўжаликларидикишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бўйича қўлланма» китобидан олинди.

ПИЛЛАЧИЛИК РАВНАҚИ ЯНГИ БОСҚИЧДА

Мамлакамизнинг иқлим шароити ва мавжуд салоҳият қишлоқ хўжалигининг ҳар бир тармоғи каби пиллачиликни ҳам истиқболда янада ривожлантириш муҳим омилдир. Ушбу имкониятлардан самарали фойдаланиш, қишлоқ жойларда аҳоли бандлигини таъминлаш, тармоқнинг экспорт салоҳиятини ошириш, жаҳон бозорида ипак маҳсулотларимиз ассортиментини кўпайтириш ва уларнинг рақобатдошлигини ошириш учун давлатимиз раҳбарияти томонидан бир қанча амалий ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, Президентимизнинг 2017 йил 29 мартдаги "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" Вазирлар Маҳкамасининг 11-августда қабул қилинган "2017-2021 йилларда пиллачилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарорлари тармоғни янги bosқичга кўтариш борасида устувор йўналишларни белгилаб берди.

Бунда, аввало, "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда ишчи гуруҳ тузган ҳолда жойларда якка тут дарахтлари ва тутзорларни хатловдан ўтказилиб, тутзор майдонлари ўлчанди, ташландиқ ва яроқсиз ҳолга келган тутзорлар аниқланиб, йўқотилган тутзорлар майдонлари аниқ ҳисоблаб чиқилди.

Иқлим шароитларига мос келадиган, озуқа қиймати юқори бўлган хорижий ва маҳаллий кўчатларни экиш орқали тутзорларни янгилаш ва реконструкция қилиш, ипак қурти парвариш қилинмайдиган пайтларда, иккиламчи фаолиятни ташкил этиш ва амалга ошириш (асаларичилик билан шуғулланиш, қишлоқ хўжалиги экинлари, доривор ўсимликларни етиштириш) ҳамда етиштирилган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорда сотиш тизими яратилди. Ижарага бериладиган тутзорлар билан банд бўладиган ерларда шартлар бажарилмайдиган ёки мақсадсиз фойдаланиш йўлга қўйиладиган бўлса, меъёрий ҳужжатларга асосан чоралар кўрилади. Шунингдек, ҳар бир ҳудудда тутчиликка (тут уруғи ва тут кўчати етиштиришга) ихтисослашган хўжаликларни ташкил қилиш учун 30 гектардан кам бўлмаган суғориладиган ер майдонларини ажратилиши кўзда тутилган.

Дастурга кўра, 2017-2021 йилларда "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси таркибидаги ташкилотларни модернизация қилиш бўйича лойиҳаларнинг манзилли дастури белги-

лаб берилган бўлиб, унга кўра 30 га яқин пиллани қайта ишлаш корхоналари техник-технологик модернизация қилинади натижада пиллани қайта ишлаш, ипак толасини йиғириш, ярим хомашё ипак толасидан ипакли матолар яратиш, пиллачилик қолдиқларини қайта ишлаб, ипак момиғи ишлаб чиқариш, тайёр кийим-кечаклар, хўжалик истеъмоли буюмлари, бежирим



ипак гиламлар каби маҳсулотлар миқдори сифат ва сон жиҳатдан кескин ошади. Бу эса корхоналар экспорт қувватининг бир неча баробар ортишини таъминлайди.

Шу билан биргаликда, соҳага хорижий ва салоҳиятли маҳаллий инвесторларни жалб қилган ҳолда наслчилик ва уруғчилик ташкилотларини тўлиқ модернизация қилишни ҳамда улар негизда техник базаси мустақам ва ипак қурти уруғи етиштириш бўйича замонавий технологияларга эга бўлган ипак қурти уруғи етиштириш амалга оширадиган уруғчилик корхоналарини ташкил этилади. Натижада мавжуд ипак қурти уруғчилик ташкилотлари ҳамда улар томонидан етиштириладиган супер элита, элита ва саноатбоп ипак қурти уруғларининг давлат реестри янгиланиб, истиқболда уруғчилик ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш орқали республикага импорт қилинадиган ипак қурти уруғларига бўлган талабни 2022 йилгача тўла қондириш ва ипак қурти уруғларини экспорт қилиш имкони яратилади.

Манзилли дастурда ипак қурти уруғларини жонлантирувчи инкубаторлар, ипак қурти парваришла-

надиган ва пиллани қабул қилиш, дастлабки ишлов бериш масканларини, шунингдек пиллани қайта ишловчи ва тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ташкилотларни узлуксиз электр энергия ва техник ҳамда ресурс имкониятлардан келиб чиққан ҳолда табиий газ билан таъминлаш, пилла парваришландиган маскан (хонадон)лар учун тўғридан-тўғри шартномалар асосида кўмир етказиб бериш каби ташкилий тадбирлар жадаллаштирилиб, ишлаб чиқариш объектлари инфратузилмаси ривожланади. Пиллани қайта ишлаш ташкилотларида бир нечта мавсумда фойдаланиш мумкин бўлган сунъий даста, махсус пилла боқиш мосламалари (сўкичак) ва саватлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйилади.

Пиллачилик тармоғи ва ипакчилик соҳаси учун зарур бўлган кадрлар тайёрлаш йўналишлари бўйича ўқув режалари ва дастурларини такомиллаштириш, мутахассисларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш мақсадида, илмий-тадқиқот институтлари қошида ўқув маркасларини ташкил этиш, мутахассисларни хорижий давлатларга тажриба алмашиш ва илғор агротехникаларни ўрганиш учун юбориш ҳам манзилли дастур орқали белгилаб берилган вазифалардан бири ҳисобланади.

Бугун соҳада ишлаб чиқарилаётган ипакли маҳсулотлар ва гиламлар ўзининг кўркамлиги ва нафислиги билан сайёҳда катта қизиқиш уйғотмоқда. Шу муносабат билан маҳсулотларимизни кенг тарғибот ишларини олиб бориш мақсадида экскурсия қилиш учун ипакни қайта ишлаш корхоналарини туризм маршрутларига киритиш, Республиканинг туризм ривожланган ҳудудларида, шу жумладан Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларида туристлар гавжум ерлардан ипак матолар ва тайёр ипак маҳсулотлари дўконларини (ёки савдо мажмуаларини) ташкил қилиш, ипақдан тикилган либослар ва буюмларнинг мода кўرғазмалари, концерт дастурлари ташкил этиш учун Уюшма ва унинг таркибидаги ташкилотларга, тарихий обидалардан жой ажратиш тармоқнинг янада жадал ривожланишига хизмат қилади.

Б.ШАРИПОВ,

"Ўзбекипаксаноат" уюшмаси раиси

АСАЛАРИЧИЛИК: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

Бугунги кунда дунё мамлакатларида асаларичилик соҳасини ривожлантиришга, асал маҳсулотларини етиштиришга бўлган эътибор ва талаб йил сайин ортиб бормоқда. Айниқса, экологик тоза асал ишлаб чиқаришга бўлган эътиҳ низоҳатда юқори.

Ўтган йиллар ичида республикамизда асаларичиликни ривожлантириш бўйича бирмунча ишлар амалга оширилди. Жумладан, асаларичилик хўжаликлари сони 2011 йилга нисбатан 2016 йилга келиб 216,0 фоизга кўпайиб, асал маҳсулоти ишлаб чиқарилиш 405,3% га кўпайган. Республикамиз раҳбариятининг мустақиллик йилларида асаларичиликка бўлган эътибори, хусусан асаларичилик тўғрисида ҳар йили давлат Дастурларининг қабул қилиниши тармоқни ривожлантиришда асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу борадаги ишларнинг изчил давоми сифатида Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил январдаги баённомаси билан тасдиқланган "Республикада 2017 йилда асаларичилик соҳасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар Дастури"да белгилаб берилган вазифалар ижроси юзасидан вилоятларда мунайян ишлар амалга оширилмоқда.

Масалан, жорий йилнинг 1 август ҳолатига жами 829 та субъект, шу жумладан, 468 та шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари, 321 та асаларичилик фермер хўжаликлари ташкил этилди. Бундан ташқари 30 та корхона ва ташкилотларда асаларичилик фаолияти йўлга қўйилди.

Вилоятларда нектарга бой бўлган Фацелия ўсимлигини кўпайтириш мақсадида жами 18 гектардан ортиқ майдонда экиш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, асалари озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида қурғоқчиликка чидамли, нектарга бой дарахт ва бута ўсимликлари (жийда, япон сафораси, юлғун, наъматак ва липа) кўчатларини йўл ёқалари, истироҳат боғлари ва ўрмон фонди ерларига экиш ишлари бошланди.

Асаларичилик-наслчилик хўжаликлари томонидан асалари зотларини яхшилаш ва маҳсулдорлигини ошириш мақсадида жами 3000 дона насли она асалари келтирилди.

Республикамиз ички бозорларида ҳар йили ишлаб чиқарилган асал маҳсулотларининг ўртача 55-60 фоизи сотилмоқда. Қолган 40-45 фоизи (3500-4000 тонна) асаларичилар қўлида, сотилмасдан, сақланиб қолмоқда. Бу ҳолат асаларичиликни ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатмоқда. Мазкур муаммонинг олдини олиш ва келгусида соҳани ривожлантириш учун асаларичиликда 2 та йўналишни изчил ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

I-йўналиш: Республикамиз ички бозорларида эҳтиёждан ошиқча бўлган асал маҳсулотларини халқаро

талаблар даражасида қадоқланган ҳолда хорижий мамлакатларга экспорт қилишни йўлга қўйиш лозим. Бунинг учун Тошкент вилояти асаларичилик уюшмаси базасида Республикада халқаро стандартлар талабига жавоб берадиган "Асаларичилик маҳсулотлари сифатини аниқлаш лабораторияси ва қайта ишлаш, қадоқлаш комплекси"ни ташкил этиш ва асал маҳсулотларини хорижга экспорт қилишни йўлга қўйиш керак.

Бунинг учун, биринчидан, асаларичилик маҳсулотлари сифатини аниқловчи халқаро стандартга жавоб берувчи сифат лабораториясини ва иккинчидан, асал маҳсулотларини қайта ишловчи ва қадоқлаш цехларини ташкил этиш лозим.

II-йўналиш: Ўзбекистон иқлим шароитининг қулайлигини ҳамда асаларичилик соҳасида шугулланиб келаётган асаларичиларнинг кўп йиллик тажриба ва малакаларини инобатга олиб хорижий давлатлар талабига кўра асалари пакетларини ишлаб чиқаришни кўпайтириб, экспорт қилишни йўлга қўйиш лозим.

Бунинг учун ички имкониётлардан келиб чиқиб, марказлашган ҳолда Россия, Қозоғистон ҳамда Европа давлатлари билан (Дания, Финландия, Швеция, Норвегия ва бошқа давлатлар) қишлоқ хўжалиги экинларини чанглатиш учун асалари пакетларини экспорт қилишда ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш лозим.

Бунинг учун: 2018 йилдан бошлаб, иқлим шароитини ҳисобга олиб 4 та алоҳида махсус "изоляция қилинган" ҳудудларда (Тошкент, Жиззах, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида) асалари пакетларини етиштирувчи асаларичилик хўжаликларини (питомниклар) ташкил этиш лозим.

- Асалари пакетларини етиштирувчи асаларичилик хўжаликларига ўрмон хўжаликларига қарашли ўрмон фонди ерларидан 20-30 км радиусли, бошқа асалари зотлари билан аралашиб кетмасдан, уларни парвариш қилиш учун алоҳида ҳудудлар ажратиб бериш мақсадга мувофиқ.

Келгусида асаларичилик соҳасини ривожлантириш бўйича таклифлар:

1. Асаларичиликда маҳаллий асалари популяцияси генофондини соф ҳолда сақлаб қолиш, кўпайтириш, танлаш, селекция ишларини йўлга қўйиш ва асаларичилик субъектларини зотдор асалари оилари билан таъминлаш мақсадида, асаларичилик билан шугулланадиган йирик фермер хўжаликлари негизида ҳар бир вилоятда 2-3 тадан насли асаларичилик фермер хўжалиги ташкил этиш ва уларни сертификат билан таъминлаш.

2. Ҳар йили ўртача 35-40 минг дона асалари қутиси талаб этилишини инобатга олиб, Республикадаги мавжуд асалари жиҳозлари ишлаб чиқарувчи цехларни (об-ҳавонинг иссиқ ва совуқ пайтларида ҳам ўз ҳолатини ўзгартирмайдиган ва ўзидан ёқимсиз ҳид чиқар-



майдиган) 4-5 минг куб. метр экологик тоза ёғоч (сосна, ель дарахти) материаллари билан, керакли миқдорда таъминлашни ва уни четдан келтириш учун зарур бўлган маблағни конвертация қилишни амалга ошириш.

3. Чорвачилик учун зарур такрорий экинлардан перко, рапс, жавдар каби сервитамин экинларни кўпроқ экиш: эрта баҳорда асаларилар учун гулшира ва гулчанги берувчи ўсимликлар ҳисобланиб, қўшимча асал ишлаб чиқаришга замин яратади. Бугдойдан бўшаган ерларга тез пишар кунгабоқар навларини экиш ҳам ёзкуз ойларида асал тўплаш учун асосий омил ҳисобланади.

4. Асалари оиласи маҳсулдорлигини оширишнинг имкониятларидан яна бири йилнинг мавсумига қараб, асалари оилаларини кўчиришни режа асосида ташкил қилиб, уларнинг технологик карталарини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

5. Республикадаги барча йирик асаларичилик фермер хўжаликларида олинган асалнинг ҳисоб-китобларини тўғри олиб бориш ва асал маҳсулотларини экспортга чиқаришни ташкил этиб, асаларичиларини моддий томондан қўллаб қувватлаш.

6. Ўрмон хўжалигида асаларичиликни 30-40 фоизга кўпайтиришни йўлга қўйиш ҳисобига, асал иш-

лаб чиқариш ҳажмини ошириш, республикадаги пахтачилик, боғдорчилик, полиз ва бошқа экинлар билан шугулланувчи фермер хўжаликларига асаларичилик субъектларини бириктириш ҳисобига экинларни асалари билан чанглатиш натижасида, уларнинг ҳосилдорлигини оширишни ташкил этиш лозим.

7. Олий мажлис томонидан "Асаларичилик тўғрисида"ги қонун лойиҳасини тезроқ тайёрлаш ва уни ишлаб чиқиш лозим.

Ҳозирги кунда асалари оилаларининг қишлоғга кириши олдидан барча асаларичилик субъектларида кузги тафтиш ўтказиш, куз ва қиш ойларида асаларичиликда бажариладиган тадбирларни намунали ўтказиш, асалари оиласига етарли миқдорда озуқа қолдириш ва аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартираф этиш ҳамда келгуси 2018 йилга белгиланган вазифаларни бажариш бўйича чора-тадбирларни белгилаб олиш лозим.

О.Тўраев

ЧПТИ асаларичилик лабораторияси мудири, қ-х.ф.н.

Е. ШУКУРОВ

ЎзРҚСХВ Чорвачилик бош бошқармаси етакчи мутахассиси.

Тадбир

ОНА ЗАМИНИМИЗ МЕВАЧИЛИГИ ВА УЗУМЧИЛИГИ

Яқинда Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида "Ўзбекистонда мевачилик ва узумчиликни ривожлантиришнинг асосий омиллари" га бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.



Тадбир доирасида турли вилоятлардан келган соҳибкорлар узумнинг 57 нави билан иштирок этиб, аҳоли ҳамда фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган, ҳали нав реестрга киритилмаган, узумнинг бозорбоп нав намуналари, уларнинг ўндан ортиқ ноёб турларини ҳам намойиш этишди.

Тадбирда сўзга чиққан хорижлик ва республикада кўзга кўринган олимлар, етакчи мутахассислар боғдорчиликни янада ривожлантириш, боғ ва тоқзорларнинг ҳосилдорлиги ҳамда маҳсулотнинг узоқ муддат сақланиши ва қайта ишлаш самарадорлигини ошириш йўллари хусусида сўз юритишди.

Я. ХУСАНОВ.

БАЛИҚЧИЛИК ИСТИҚБОЛИ

Тиббиёт нуқтаи назаридан олиб қараганда, одам озиқ-овқат рационада балиқ маҳсулотлари бир йилда ўртача 12–16 кг.ни ташкил қилмоғи лозим, чунки балиқ маҳсулотларининг бош мия фаолиятини яхшилашда, одам организмдаги моддалар алмашинуви жараёнида аҳамияти ниҳоятда катта.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан 2009 йил-ларгача республикамызда йилига ўртача 6–9 минг тонна атрофида балиқ етиштириб келинган. 2009 йилдан бошлаб ҳукуматимиз томонидан тармоққа эътиборнинг ортиши ва тегишли қарорларнинг қабул қилиниши натижасида бир қатор ижобий ўзгаришлар кузатилиб, 2016 йилда мамлакатимизда балиқ етиштириш 70000 тоннадан ошди.

Ҳозирги кунда бизда мавжуд технологиялардан унумли фойдаланиб балиқ етиштиришдаги ишларни жонлантурсак яна 20–25 минг тоннага оширишимиз мумкин. Бу эса ниҳоятда оз, чунки республикамызнинг балиқ ва балиқ маҳсулотларига йиллик эҳтиёжи ўртача 350–450 минг тоннани ташкил этади. Шунинг учун, Президентимизнинг 2017 йил 1 майдаги “Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Балиқ ва балиқ маҳсулотлари етиштириш ҳажмини оширишга республикамыз ҳудудидаги сув ҳавзалари бугунги ҳолатини кенг қамровли илмий изланишлар олиб бориш йўли билан ўрганиб, шулар асосида берилган тавсияларга мувофиқ ишларни ташкил этиш орқали эришимиз мумкин бўлади.

Бу борада малакали мутахассислар масаласи жуда долзарбдир. Шу боис балиқчилик тармоғидаги ходимларнинг билим ва малака-кўникмаларини шакллантириш, уларни тайёрлаш учун Аграр университет негизида балиқчилик факультети фаолияти йўлга қўйилди.

Шунингдек, Балиқчилик илмий-тадқиқот институти ташкил қилинди. Мазкур институтнинг асосий вазибалари сифатида, илғор интенсив технология-



ларни республика шароитида синаб кўриш, қайта ишлаш саноати (консерва, просерва, дудланган) объектларини ўрганиш, ўлкамыз шароитига мос келадиган турларни иқлимлаштириш кабиларнинг белгиланиши балиқчилик тармоғида фаолият олиб бораётган тадбиркорлар учун катта имкониятлар яратади.

Масалан, олиб борилган илмий ишлар самараси сифатида институт тажриба участкасида намунавий-кўргазмали хўжаликлар ташкил қилиб, балиқчилик

йуналишида таълим олаётган талабалар малака, кўникмаларини шакллантиришда фойдаланиш, шунингдек балиқчиликда тадбиркорлик қилмоқчи бўлган ишбилармонлар учун кўргазмали дарслар ўтказилиши назарда тутилган. Бундай ишларнинг амалга оширилиши балиқчиликдаги амалий ишларнинг олға силжишига сабаб бўлиб, балиқ маҳсулотлари етиштиришнинг ошишига олиб келади. Зеро, балиқ етиштириш сердаромад соҳа, бежизга балиқ етти хазинанинг бири сифатида тилга олинмайди.



Бугунги кунда балиқ чавоқларини етиштириш, улар билан ҳовуларни, кўллари, сув омборларини балиқлантириш каби муаммолар бизнинг тадқиқотчиларимизга яхши таниш, балиқчилар уларнинг бу соҳадаги тавсияларига амал қилиб келишса-да, экологик асослар ва иқлим даврийлиги каби муаммоларга дуч келишмоқда. Натижада биз озуқа занжирининг дастлабки бўғинларида гектаридан уч тоннадан ортиқ балиқ оломаймиз (энг маҳсулдор балиқлардан) кўл ва сув омборларидан эса ривожланган балиқ хўжаликлари ҳам гектаридан 40–50 кг.дан ортиқ балиқ овлаша олмайди.

Интенсив аквакультуранинг янги назарияларини, балиқларни янги тип озуқа бирликлари билан озиқлантиришни, уларни янги тизимда боқишни ўзлаштириш орқали балиқ боқишнинг янги технологияларини ишлаб чиқиб, балиқ маҳсулдорлигини 100–200 марта (бир метр куб сувда 40 кг) оширишимиз мумкин бўлади. Бундай технологиялар сув ҳавзасининг катта қисмини эгалламайди (сув ҳавзасининг 1% дан кам қисми), асосийси сув режимини ўзгартиришни талаб қилмайди, балиқ хўжаликлари сув сифатини ифлослантормайди, бажариладиган барча ишлар сувдан комплекс фойдаланиш тамойили асосида қурилади.

Бу борада Балиқчилик илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан кейинги уч йил учун африка лаққаси, карп ва бошқа балиқларни илғор технологиялар ёрдамида етиштириш бўйича комплекс амалий изланишларга асосланган ишончли ишланмалар ишлаб чиқилган.

Мамлакатимизнинг балиқчилик тармоғида фаолият олиб бораётган тадбиркорлар билан ҳамкорлик қилиб келяпмиз. Келгусида бу алоқалар янада ривож топади.

Бу ҳамкорлигимиз элимиз дастурхонининг балиқ ва балиқ маҳсулотлари билан тўкин бўлишига хизмат қилиши шубҳасиз албатта.

М.ЮЛДАШОВ,

Балиқчилик илмий-тадқиқот институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари.

СУВЧИЛАРНИНГ ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИКЛАРИ

Бугунги кунда Сирдарё насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси тизимида салкам 650 нафар ишчи-ходимлар меҳнат қилади. Вилоятдаги экинзорларнинг 101.248 гектар қисмига мана шу меҳнат жамоаси оби-ҳаётни 41 та насос станциялари, 6.348 гектарга 142 та суғориш қудуқлари орқали етказиб беради. Бундан ташқари, мелиорация йўналишидаги 515 та қудуқ, 19 та насос станцияси воситасида 86.088 гектар экин майдонида тупроқ унумдорлигини оширишга хизмат кўрсатиб келади.

Бу жамоа нафақат ўзининг асосий фаолиятида, балки ёрдамчи хўжаликларни ташкил этиш, тизимда ишлаётган меҳнат аҳлини ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан бирга юртимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ҳам ибратли ишларни амалга ошириб келмоқда. Ҳозирги вақтда бошқармага қарашли насос станциялари, суғориш ва мелиоратив тик қудуқлар бўлимлари қошида паррандачилик бўйича 24 та ёрдамчи хўжалик ташкил этилган.

2016 йилда эришилган камтарона ютуқлар шулардан иборатки, кўпгина жойларда ташландиқ майдонлар маданийлаштирилиб, ғалла, шоли, полиз ҳамда сабзавот экинлари парвариш қилинди ва янгитдан ташкил этилган ёрдамчи хўжаликларда 5 тонна картошка, 3,3 тонна пиёз, 2 тонна сабзи, 1,5 тонна карам, 2 тонна мева, 4,7 тонна гуруч, 43 тонна буғдой йиғиштириб олинди ва бошқарма ишчи-ходимларига бепул тарқатилди.

Айниқса, Сирдарё туманида фаолият юритиб келаётган 3-насос станциясининг меҳнат жамоаси ташаббуси туфайли паррандачиликдан ташқари яна қорамолчиликни ривожлантириш мақсадида алоҳида молхона қурилди.

Станция сувчилари кўп йиллардан буён мевали ва манзарали кўчатлар етиштириш бўйича катта тажриба тўплади ва улар етиштирган минглаб кўчатлар куз ва баҳорда экиш учун бутун тизимга тегишли барча насос станциялари ва қудуқлар бўлимларига тарқатилади. Шунинг учун ҳам бошқарма тасарруфидаги барча бўлимлар атрофи ҳавас қилса арзигулик яшилликка бурканган.

Ёрдамчи хўжаликлар қаторида кўйчилик ва эчкичиликни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги вақтда тизим миқёсида 77 бош қўй ва 133 бош эчки боқилапти.

Бошқармада нишонланадиган

Мустақиллик тантаналари, Конституция куни, Наврўз умумхалқ байрами ва бошқа маросиму маракаларни ушбу кўйчилик хўжалиги беминнат гўшт билан таъминлаб келяпти.

Бошқарма тизимида ички бозорни тўлдириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳам ибратли. Яқинда ғалладан бўшаган ерлардан жами 80 гектар ер олинди ва уларга ошқовоқ, мош ва супурги экилди. Бугунги кунда ошқовоқ ҳосили йиғиб олинмоқда. Ошқовоқдан ташқари, ҳадемай мош ва супурги



етилади ва бошқарма тизимида хизмат қилаётган меҳнат аҳлига бепул тарқатилади.

Бошқарманинг туманлардаги бўлимлари ва участкаларида қуёнчилик фермалари ташкил этилган. Қуёнчилик бўйича дастлабки ёрдамчи хўжалик 2008 йили Гулистон тумани участкасида 50 бош қуён парваришидан бошланган эди. Жониворлар ўз вақтида ветеринар назоратидан ўтказиб турилди. Ҳар бир қуён йилига 20 тадан болалади. Қисқа даврда қуёнлар сони 600 дан ошиб кетди ва бошқа участкаларга ҳам тарқатилди.

Қуёнчилик бўйича тузилган ёрдамчи хўжаликлардан мўмайгина даромад олинмоқда. Ана шунинг ҳисобидан Наврўз байрами арафасида бошқарманинг икки нафар кам таъминланган оиласи фарзандлари ва Гулистон шаҳридаги етим болалардан 5 нафарининг суннат тўйлари битта қилиб

ўтказилди. Уларга совға-саломлар топширилди.

Сайхунобод тумани участкаси бошлиғи Тошбек Саидбеков бошчилигида лимон етиштириш намунаси йўлга қўйилган. Байрамларда мазкур лимонхонанинг хушбўй мевалари дастурхонларимиз кўркига кўрк қўшиб келяпти. Жорий йилда эса ҳар бир ишчи-ходимга 2-3 тадан лимон кўчати тарқатилди.

Бошқарма тизимида бундай намунали ишлар бошида турган ташаббускор ва ташкилотчи, халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши аъзоси Тўймурод Шариповнинг хизматлари алоҳида.

Самарали меҳнат туфайли етиштирилаётган ноз-неъматлардан фақат ишчи-ходимларнинг ўзлари эмас, балки Сирдарё вилоятининг маркази - Гулистон шаҳридаги "Болалар шаҳарчаси" тарбияланувчилари, Янгигер шаҳридаги қарияларнинг "Саховат уйи" аъзолари ҳам баҳраманд бўлишаётгани савобли ишлардан саналади.

Касаба уюшма қўмитаси ҳар йили турли саёҳатларни уюштириб келади. Ҳозирга қадар бошқарма ишчи-ходимларидан 245 нафари Бухоро, Самарқанд, Тошкент шаҳарларига ва муқаддас қадамжоларга кўнгиладигидек сайру саёҳат қилиб қайтишди. Бундан ташқари, салкам 320 нафар кам таъминланган ишчи-ходимларга турли йўналишлар бўйича моддий ёрдам кўрсатди.

Айниқса, олий ўқув юрлари ва касб-ҳунар коллежларини битириб, бошқарма тизимида ишга келиб жойлашган навқирон мутахассислардан 21 нафари дастлабки кунлардан оқ моддий рағбатлантирилди. Айтилган, 3-4 йил ўқиган даврда ота-онасидан пул сўраб келган бу йигитқизлар ишга жойлашгандан кейин ҳам сўраса, кимга ёқади?

Бошқарма тизимида эндигина мустақил меҳнат фаолиятини бошлаган навқирон бу мутахассисларга то биринчи маошни олгунларига қадар етадиган маблағ уларнинг пластик карталарига тушириб берилмоқда. Бундай меҳрибонлик замирида уларнинг ўз касбига меҳрини уйғотишдек эзгу ният ётибди.

Истардикки, мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлаш йўлида ўзининг камтарона ҳиссасини қўшаётган бундай ташкилотлар сони беҳисоб.

П. ДЎСТМАМАТОВ,

Сирдарё насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси касаба уюшмаси қўмитасининг раиси.

ЖОМБОЙ ДАЛАЛАРИДА

Жомбой ҳақида гап кетганда, биладиган одамлар туманнинг ўзига хос географик ўрни, меҳнатсевар, фидойи инсонлари ҳақида жўшиб сўзлайди. Айниқса, истиқлол йилларида туман маркази ва қишлоқлари янада чирой очиб, замонавий қиёфа касб этди. Бир-биридан кўркам иншоотлар, хизмат кўрсатиш шохобчалари, кенг ва раvon йўллар, хиёбонлар барпо этилди.

ФЕРМЕРЛАР ОИЛАСИ

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Жомбойда ҳам фермерчилик ҳаракатига кенг йўллар очилган. Айни пайтда туманда жами 2428 та фермер хўжалиги бўлиб, уларнинг 607 таси кўптармоқлидир.

Туман фермерлар кенгаши раиси Ботир Назаров ҳамроҳлигида теракзорлар билан қопланган йўл бўйлаб борар эканмиз, кўча бошида кўринишидан 60 ёшлардаги басавлат кишини учратдик.

- Бу киши "Мадина" фермер хўжалиги раҳбари Аслиддин Салоҳиддинов, - дея менга у кишини таништирди Ботир ака. Учовмиз биргаллашиб, фермер хўжалиги даласига йўл олдик. Йўлда раис хўжаликни ташкил этилиши тарихи ҳақида қисқача гапириб берди.

Аслиддин аканинг айтишича, у 1994 йилда фермер хўжалиги тузган. Ўша пайтда икки киши билан иш бошлаган. Хўжаликнинг 2 гектар ери бўлиб, 1 гектари боғ, 1 гектари ғалла майдони бўлган. Ҳарбий соҳада 10 йил ишлаб, кейин дала бригадири, агроном вазифаларида фаолият кўрсатган фермернинг йиллар ўтиши билан тажрибаси ортиб борган.

Хўжалик даласи унчалик узоқ эмас экан. Тезда етиб бориб, хўжаликда амалга ошириладиган ишлар билан танишдик. Фермернинг оила аъзолари билан суҳбатлашдик.

- Ўтган йили 31 гектарда деҳқончилик қилдик, - дейди Аслиддин ака. - 25 гектар ғалланинг 20 гектари уруғлик бўлиб, режадаги 32 центнер ўрнига 62 центнердан ҳосил олдик. Бундан ташқари, 2 гектар майдондаги помидор ва 1 гектар ердаги полиз экинларидан ҳам юқори ҳосил олишга муваффақ бўлдик. Жорий йилда эса 20 гектар ернинг 15 гектарига ғалла эдик. Шунинг 9 гектари уруғлик ғалла бўлиб, гектарига 65 центнердан ҳосил жамланди. 1 гектар ердаги

полиз экинлари, 4 гектар майдондаги помидор ҳосилини бозорларга олиб чиқиб сотдик.

Сувчиларимиз Ҳасан Раззоқов, Шодикул Шомуродов хўжалигимизнинг ҳар бир ишида етакчи.

Дарвоқе, мақоламизга бекорга "Фермерлар оиласи" деб сарлавҳа қўймадик. 3 қизу, 2 ўғилни тарбиялаб вояга етказган Аслиддин аканинг икки келини, бир ўғли фермер. Катта келини Марям Мирзаева "Мирзаева Марям ҳосили" фермер хўжалигини, кичиги Гуллола Аҳмедова "Зафар Шухратович" боғдорчилик фермер хўжалиги, ўғли Шухрат Салоҳиддинов эса "Ботирбек Шаҳло" фермер хўжалигини бошқариб келмоқда.

Фермернинг иккинчи ўғли Ботир тракторчи. У Салоҳиддиновларга қарашли барча хўжаликларнинг ерларини ҳайдаш, экинларга ишлов бериш ва бошқа ишларида бош-қош.

Биз Аслиддин Салоҳиддинов авлодига қарашли юқорида тилга олинган барча фермер хўжаликларида бўлиб, юртим, халқим деб ёниб яшаётган одамларни учратдик. Ҳаммасининг ўз орзуси, ўз режаси бор. Шу орзу-ният, шу режа асосида бугун меҳнат қилмоқда. Энг муҳими, уларда бугунги кечасидан, эртаси бугунидан яхшироқ бўлаётганига ишонч бор. Ва шу ишонч билан меҳнат қилмоқда, яшамоқда.

ТЎКИНЛИК МАНБАИ

Сокин ва тароватли куз ҳавосида Аслиддин ака ва унинг фарзандлари билан хайрлашиб, ҳудуддаги хонадон томорқачилиги билан танишиш мақсадида Холвойи қишлоғига йўл олдик. Ёши катта юртдошларимиз яхши эслайди. Бир пайтлар томорқасида етиштирган маҳсулотини сотаман деб, қўлига кишан солинганлар қанча эди. Ўша пайтларда оила даромади деган тусунчанинг ўзи йўқ эди. Мустақиллик туфайли ўз эркимизга, ўз еримизга эга бўлдик. Бугун томорқачи-

ликда ўзига хос мактаб яратиб, яхши даромад топаётган минглаб оилалар фаровон ҳаёт кечирмоқда.

Биз қишлоқнинг "Сарчашма" маҳалласидаги Олим Ғайбуллаев хонадонига кирдик. Бу хонадон эгалари 3-4 йилдан буён помидор, бодринг, болгар қалампери, карам, кўкат, саримсоқпиёз каби турли маҳсулотлар етиштириб, оиласи эҳтиёжидан ортганини атрофдаги аҳолига ва бозорга чиқариб сотар экан.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бугунги кунда томорқачилик нафақат аҳоли турмуш фаровонлигини ошираётган, балки ички истеъмол бозорини сархил қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлдиришда ҳам муҳим аҳамият касб этаяпти. Томорқада қилинган меҳнат ортидан етиштирилаётган маҳсулотларнинг салмоғи кўпайиши аҳоли дастурхонининг тўкинлиги, бозорларда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш имконини берапти.

- 30 йил шофёрлик қилдим, ҳозир шу томорқа билан андармонман, - дейди хонадон бошлиғи Олим ака. - Ўзимиз етиштирамиз, ҳеч нарсага зориқмаймиз, оиламиз тинч, фаровон, нолийдиган жойимиз йўқ. Умумий еримиз 15 сотих, шунинг 5 сотихини уй-жой эгаллаган, 10 сотихи эса томорқа. Қишда мана бу иссиқхонада экин етиштирамиз, кўклам келиши билан плёнкаларни очамиз.

Даромадни ҳисоб-китоб қилиб юрмаймиз, ўзимизга етиб ортади. Эртаги картошка ўрнига, мана, карам эккан эдик, ҳосили яхши. Фақат қурт тушибди, бугун шунга қарши дори сепишга киришдик.

Хонадон бошлиғи сўзини тугатиши билан оила бекаси Гулистон Ҳусанова унинг гапини давом эттирди:

- 2 ўғилу 1 қизимиз оилали, 2 нафар келинимиз, 7 нафар неварамиз бор, 6 туп олма, 10 туп гилос, 5 туп ёнғоқ, 5 туп узум ҳосил бериб турибди. Невараларимиз келишса, маза қилиб дам олишади. Бир жойга борсам, бозор деб юрмайман, боғдан мева олиб кетавераман.

Кўриб турганингиздек, томорқачилик маданияти юксалиб бораётгани нафақат аҳолиси бандлигини таъминлашга, балки оилалар фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Ш.ЖАББАРОВА.

БАРКАМОЛЛИК ОСТОНАСИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳномолигида умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини ислоҳ қилиш бўйича халқимиз хоши-истагидан келиб чиққан кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада Андижон вилоят ҳокимлиги ўрта-махсус касб-хунар бошқармасида бир қатор эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда.

Таълим тизимидаги янгиланишлар ҳисобига битта академик лицей (АДТИ қошидаги 2-сон) фаолияти тўлиқ тугатилди. Битта коллеж ҳамда 2 та акедемик лицей қайта ихтисослаштирилди.

Таълим тизими самарадорлигини ошириш мақсадида фан ўқитувчиларини педагогик стажи 5 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли мутахассислар ҳисобидан танлаб олиш, академик лицей директорлигига олий таълим муассасаси ректори томонидан тавсия бериш тартиби жорий этилди.



Шаҳрихон қишлоқ хўжалиги коллежи ахборот ресурс маркази раҳбари Машхура Раҳмонова ўқувчилар билан

2017 йил битирувчиларнинг якуний давлат аттестацияси натижасига кўра 44438 нафари эгаллаган мутахассисликлари бўйича давлат намунасидаги, улардан 5892 нафари имтиёзли диплом соҳиблари бўлишга эришдилар.

Жорий йилда 117 та касб-хунар коллежларининг 104 йўналиш бўйича жами 41 минг 30 нафар битирувчиларини тўлиқ иш билан таъминлаш мақсадида бир қанча тадбирлар, жумладан 79 марта ихтисослаштирилган махсус ярмаркалар ташкил этилди. 518 нафар битирувчиларга 2 млрд 808 млн.сўм миқдорда имтиёзли кредит маблағлари ажратилди ва шунга мувофиқ 518 та иш ўринлари яратилди.

2016-2017 ўқув йилида "Баркамол авлод-2017" спорт мусобақаларида вилоятимиз спортчиларининг 65 нафари медаллар соҳиби бўлишди ҳамда умумий ҳисобга кўра 188

очко жамғариб, Республикада фахрли 2-ўринни эгаллашиб, Президентимизнинг махсус совғаси— "ДАМАС" русумли автомашина билан тақдирландилар.

2017-2018 ўқув йилида вилоятдаги барча таълим муассасаларининг раҳбарият тизими, кадрлар билан ишлаш нозирлари томонидан ишлаб чиқилган шахсий иш режалари ва тегишли чора-тадбирлар асосида фаолият олиб бормоқдалар.

Бир қатор коллежларда, жумладан Шаҳрихон қишлоқ ва сув хўжалиги касб-хунар коллежида таълим ва ишлаб чиқариш амалиёти наъмунали ташкил этилганлигини гувоҳи бўлдик. Мукамал моддий-техника базаси ва тажрибали кадрлар шакланган илм масканида ўқувчилар барча шароитлар мужассам кутубхона фондида 11698 дона китоб мавжуд.

Коллежнинг 55 га ўқув-тажриба хўжалигида олиб борилаётган ишлар ўқувчиларнинг касбий салоҳиятини оширишда қўл келмоқда. Улар бу ерда қишлоқ хўжалиги экинларидан, хусусан пахтаининг ҳар гектаридан 40 центнердан, ғалладан 60 центнердан ошириб хирмон кўтармоқдалар. Тажриба хўжалигидаги ўтказилаётган илмий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган тавсиялар худуддаги деҳқон-фермер, томорқа хўжаликларида жорий этилиб, эл-юрт тўкинлигига хизмат қилмоқда.

75 йиллик тарихга эга Пахтабод қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежининг "Фермер хўжалиги мутахассиси", "Пиллачи", "Ветеринар" "Асаларичи", "Гидромелиоратив машина ва жиҳозларига ТХК ва таъмирлаш механиги", "Сугориладиган ерлар мелиоратив ишлари техниги" йўналишларидаги машгулотларни кузатганимизда, таълим даражасининг юқори эканлиги - кўргазмали қурооллар, жонли экспонатлар асосида ўтилаётганлиги бизни қувонтирди.

Пахтабод туманининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида мазкур илм даргоҳининг муносиб ҳиссаси бор. Дастлабки касбий салоҳиятни коллежда олиб, давлати-

мизнинг рағбатига эга ва ҳатто Меҳнат Қаҳрамони бўлганлар, эндиликда ўнлаб илгор фермер хўжаликлари раҳбарларини учратиш мумкин.

Коллежда таълим олаётган 2218 нафар ўқувчи замон талабига хос жиҳозлар ва 15000 дона китоб фондига эга кутубхона, ёзги ва қишки спорт зали, волейбол, баскетбол ва теннис майдончалари, спорт билан шуғулланиш учун тренажёрлардан ҳамда 125 ўринга мўлжалланган "Талабалар турар жойи" дан баҳраманд бўлишмоқда. Дарс-машгулотларни янги педагогик технология асосида олиб боришда ўзаро дарс таҳлил-



Шаҳрихон қишлоқ хўжалиги коллежи ишлаб чиқариш таълими устаси Қудратбек Жабборов ўқувчи Бунёд Раҳмонов билан

ри, "Устоз ва шогирд", "Маҳорат мактаблари" тўғри йўлга қўйилган.

Ўқув-тажриба хўжалигида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг навлари уларнинг агробиологик, хўжалик белгилари ўрганилмоқда. Натижалар тавсия сифатида фермерларга етказилади. Шулардан Аҳмадқулова 3 томонидан "Ўза зараркунандаларига қарши кураш", С.Алимовнинг "Класс комбайнини ва Класс пресподборщикдан фойдаланиш технологияси, фойдаланиш" бўйича яратилган услубий ишланмалар ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда.

Андижонда касбий таълимнинг сифат даражасини оширишга қаратилган эътибор ҳар қачонгидан ҳам юқори бўлиб ёш агро илм ижодкорларининг бугунги ишлари, эртанги кун ютуқларимизнинг меваси бўлишига ишонамиз.

Ф.МИРЗАЕВ,
Ўз мухбиримиз

АГРО ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШДА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРНИНГ ЎРНИ

Стандартлар - андозалар ҳар қандай мамлакат иқтисодиёти барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Стандартлаштиришнинг асосий вазифаси - мамлакат аҳолиси халқ хўжалиги, мудофааси ва экспорт эҳтиёжлари учун тайёрланадиган маҳсулотларга бўлган тобора ўсиб бораётган талабларни аниқлайдиган меъёрий-техник ҳужжатлар тизимини яратишдан ҳамда ушбу ҳужжатлардан фойдаланишнинг тўғрилигини назорат қилишдан иборат.

Барча мамлакатлар ёки фирмаларнинг экспорт салоҳияти стандартлаштириш даражасига боғлиқ ҳолда ривожланади. Ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулотларининг юқори рақобатбардошлигини таъминлаш учун маҳсулотлар сифатини ошириш, хавфсизлиги ва табиийлигини таъминлашга имкон берадиган халқаро ташкилотлар стандартларини мажбурий тартибда қабул қилади. Бу унинг бозори кенгайишини таъминлайди.

Халқаро стандартларнинг белгиланиши "ISO" - Стандартлаштириш бўйича Халқаро Ташкилот (International Organization for Standardization) номланишининг бош ҳарфлари эмас, балки "тенг" маъносини англатувчи грекча "isos" сўзининг қисқартирилган шаклидан келиб чиққан, халқаро нодавлат ташкилот (NGO)га 1946 йилда асос солинган ва унинг бош қароргоҳи Швейцариянинг Женева шаҳрида жойлашган. Ҳозирги кунда, ушбу халқаро ташкилотда 163 давлат стандартлаштириш бўйича миллий идораларининг тармоғи (NSBs) мавжуд бўлиб, улар томонидан халқаро даражада ишлаб чиқилган ва тан олинган стандартлар маҳсулотлар, хизматлар, жараёнлар, материаллар, тизимлар учун сифат, экология, хавфсизлик, мустаҳкамлик, мослик, самарадорлик ва маҳсулдорлик кўрсаткичларини таъминлашга хизмат қилиб, халқаро савдо ҳамкорлиги ва технологияларни ўтказиш воситаси сифатида амал қилади.

Бизнес фаолиятидаги халқаро стандартлаштириш халқаро ва минтақавий бозорларини яратиш ҳамда техника ютуқларининг кенг доирада тан олиншини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий эталонлар базасини ривожлантириш асосида маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек, "Ўзстандарт" агентлигининг тузилмасини халқаро талабларга мувофиқлаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 апрелдаги "Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг қабул қилиниши, республикамизда стандартлаштириш соҳасини янги bosқичга олиб чиқишда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Мазкур қарорга асосан "2017 йилда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида халқаро стандартларни жорий қилиш бўйича тармоқ жадвали" тасдиқланган ва унга мувофиқ 15 халқаро стандартни қабул қилиш кўзда тутилган. Халқаро стандартларга уйғунлаштирилган давлат стандартларининг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши деҳқонларимиз томонидан етиштирилаётган сархил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорти салоҳиятини оширишда муҳим ўрин тутати.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини стандартлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги ишлаб чиқариш (агротехнологик тадбирларни амалга ошириш) ва фойдаланиш (истеъмол

қилиш) соҳаларида аниқланади. Фермер ва деҳқон хўжаликлариде ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифатини ошириш, уларнинг давлат ва халқаро стандартлар даражасида етиштирилганлиги ва юқори сифатлилиги сертификатлар билан тасдиқланади ва бу айни вақтда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан жаҳон бозорларига киришни таъминлаш учун муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда, жаҳон қишлоқ хўжалиги амалиётида оммалашган ва бозорларга киришда талаб этилаётган халқаро стандартлар - органик қишлоқ хўжалиги (Organic Agriculture) ҳамда мақбул қишлоқ хўжалик амалиёти (Good Agricultural Practices (GAP)) ҳисобланиб, улар қишлоқ хўжалигининг замонавий бошқарув тизимларида қуйидагиларни таъминлашга интилади:

- табиий ресурслар, ер, сув ва биохилма-хилликдан барқарор фойдаланиш;
- хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат товарларини ишлаб чиқариш;
- фермерларнинг фаровон турмуши тўғрисида қайғуриш;
- ҳайвонлар ҳаёти тўғрисида қайғуриш;
- атроф-муҳитга минимал таъсир кўрсатиш;
- бозорларни кенгайтириш;
- истеъмолчининг ишончини қозониш;
- бозордаги рақобатбардошликни таъминлаш.

Демак, халқаро стандартлаштириш маҳсулотларимизни экспорт қилишда муҳим рол ўйнайди. У экспортни ривожлантиришга, рақобатбардошликни оширишга имконият яратади ва қуйидаги афзалликларни таъминлайди:

- мамлакатлар орасида савдо ҳажмини кенгайтиради ҳамда ишлаб чиқаришни ихтисослаштиради ва кооперациялашни ривожлантиради;
- турли мамлакатларда миллий стандартлар талабларини бир хиллаштириш ва жаҳон тажрибаларини умумлаштиришни тезлаштиради, шунингдек турли мамлакатларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати даражасини яқинлаштиради;
- маҳсулот сифатидаги, реклама ёки сотишни рағбатлантиришдаги турли аҳамиятсиз рақобатни йўқотиш учун асос бўлади;
- ишлаб чиқариш ва маҳсулотлардан фойдаланишдаги харажатларни қисқартиришга олиб келади.

Чиқарилаётган маҳсулотларни стандартлаштиришнинг бундай кўриниши ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш усули ҳисобланади.

Умумий жиҳатдан, стандартлаштириш - техника, илм-фан ва амалий тажрибалар ютуқларига асосланиб, халқ хўжалигидаги, иқтисодиёт тармоқлари ва ишлаб чиқаришдаги турли вазифаларнинг тараққийпарвар ва иқтисодий жиҳатдан оқилона ечимини белгилайди.

Хулоса қилиб айтганда, экспортга йўналтирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини стандартлаштириш, халқаро стандартларни жорий қилиш, давлат стандартларини халқаро талабларга уйғунлаштириш доирасидаги ишлар бутун дунёдаги илмий-техник ютуқларни оммалаштириш учун зарурий шaroитларни яратиш ҳамда техник талаблар ва қоидалардаги мавжуд фарқларни ва халқаро савдодаги техник тўсиқларни бартараф қилишга замин яратади.

Ойбек СОАТОВ,

Қишлоқ ва сув хўжалигида стандартлаштириш маркази директорининг ўринбосари.

"КЕНГ ДУНЁ"НИНГ ИБРАТИ

Истиқлол йилларида қишлоқ хўжалиги хусусан деҳқончилик кенг кўламда қўллаб-қувватланиб, унинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини ошириш ва шу йўл билан экинлардан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш, пировардида ишчи-хизматчиларнинг моддий манфаатдорлигини юксалтириш имкониятлари яратилмоқда.

Навоий вилоятида республика-мизнинг барча ҳудудларидаги каби аграр соҳада салмоқли натижаларга эришилмоқда. Қизилтепа туманининг танти миришкор деҳқонлари ҳар йили қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва уни давлатга сотиш бўйича режа-топшириқларни ортиги билан уддалаб келмоқдалар. Қатор фермер хўжаликлари мўл ва сифатли маҳсулот етиштириш бўйича ўзига хос тажриба мактаби яратганлар. Ўзининг иқтисодий салоҳияти, саховат ишлари, асосийси деҳқончиликда юқори ва сифатли ҳосил етиштириш бўйича илмий тажрибага эга бўлган туманининг "Оқ олтин" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган "Кенг дунё" фермер хўжалиги фикримиз далилидир.

Фермер хўжалиги Истиқлол-мизнинг меваси сифатида 2004 йилда ташкил этилди. Деҳқончиликка меҳрини берган Раҳмат ака тиним билмай изланишлари меҳнати орқали тез орада эл назарига тушди. Йиллар давомида фермер хўжалигининг тармоқлари ва экин майдонлари миқдори орта борди. Зиммаларидаги режалар сурункасига ошиғи билан уддаланди.

Пахтачиликда ҳар йили, ҳар қандай об-ҳаво шароитида, 40 центнердан ошириб мўл ҳосил етиштириш, ғалладан 75 – 80 центнердан сифатли дон тайёрлаш фермер хўжалигида одат тусига кириб қолган. Жорий йилда ҳам хўжалик аъзолари ҳар йилдагидан юксакроқ доvonларни кўзлаб меҳнат қилмоқдалар. Экилган 28,9 гектардаги ғалланинг "Гром" навидан юксак хирмон кўтарилди. 32,1 гектар майдондаги ғўза уруғчилиги учун экилган элита уруғли "Бухоро-6"

навли ғўза талаблар даражасида агротехника қоидалари асосида парвариш қилинмоқда.

Фермер хўжалиги ташкил этилган кундан бошлаб, деҳқон-чорвадорнинг қаноти ҳисобланмиш моддий-техника базасини шакллантиришга қаратилди. Тез орада барча агротехник тадбирларни ўз вақтида сифатли қилиб ўтказишга қодир фермер хўжалигига асос солинди.

"Кенг дунё"ни кўп тармоқли фермер хўжалигига айлантириш Раҳмат аканинг эзгу нияти. Аниқ мақсад йўлида қилинган ҳаракатлар бирин-кетин ўз натижасини бера бошлади. Бу борада раҳбарнинг аввало, ишбилармонлиги, узокни кўра билиши, вақти келганда ўринли таваккалдан фойдалана билиш қобилияти ўз самарасини кўрсатди.

Фермер хўжалигининг асосий тармоғи пахта-ғаллачилик ҳисобланади. Ҳозирда чорвачилик тармоғи тез суръатлар билан ривожланмоқда. Йилкичиликни ривожлантириш ишларига ҳам астойдил киришилган. Етти хазинанинг бири саналган паррандачиликни иқтисодий жиҳатдан барқарор тармоққа айлантириш борасида амалий ишлар бошланган.

Ғалла-пахта навбатлаб экиш тизимида, бошоқли экинлардан бўшаган майдонларда тупроқ хоссаларини яхшилаш мақсадида дуккакли-дон экинлари, кўкат шунингдек хорихдан келтирилган тупроқ унумдорлигини кўтаришга наф бериш билан бир қаторда юқори даромад манбаи ҳисобланган экинларни экишга ҳам кенг ўрин берилмоқда. Пировардида, хўжаликнинг тупроқ ер унумдорлиги ошиб, мўл ва ишончли ҳосил етиштиришга замин яратилмоқда.



Фермер хўжалигида ишчи-хизматчилар сони 20 тадан 50 нафарга етди. Тармоқлар сонининг ортиши, ишлаб чиқариш ҳажми кенгайиши ҳисобига ишчи ўринлари сони кундан-кунга ошмоқда. Инсон омили етарлича шаклланиши боис, фермер хўжалиги ишчи-хизматчиларининг меҳнатга муносабати аъло даражада. Қайта таъмирланаётган дала шийпонида ташкил этилган тўйимли иссиқ овқат билан бирга, дастурхонга турли ширинлик ҳамда сабзавот-мевалар тортиқ қилинади.

Тумандаги якка-ёлғиз, боқувчисиз қариялар учун ташкил этилган кундузги дам олиш маскани, фермер хўжалиги ташкил этилган дастлабки йиллардан оқталлиққа олинган бўлиб, ушбу бағрикенглик тадбирларига сарфланаётган маблағ йилига 6-8 миллион сўмни ташкил этади.

Ҳар бир нишонланадиган байрам ва ҳайит кунлари олдидан белгиланган ҳудуд, қолаверса туман миқёсида кам таъминланган оилалар, ногиронлар, беморли хонадонларга совға-салом, ҳамда байрам дастурхони учун озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш одат тусига кириб қолган.

Мустақилликнинг тинч осмонида элим деб, юртим деб ёниб яшаш, шу эмасми?!

Ўз мухбиримиз.

НАСЛИ ЧОРВА – БАРАКА КАЛИТИ

Юртимизда насли чорва ва паррандачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Мақсад гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш орқали, уларнинг таннархини пасайтириш ҳамда хорижга экспорт қилишдир. Ушбу эзгу мақсад йўлида республикамизнинг барча вилоятларида зарур чора-тадбирлар амалга ошириляпти.

- Ўтган йиллар мобайнида туманимизда насли чорва хўжаликлари ривожлантириш орқали қорамоллар бош сонини кўпайтириш мақсадида кўплаб ишлар амалга оширилди, - дейди Фарғона вилояти Боғдод тумани Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси (ёки бўлими) чорвачилик бўйича етакчи мутахассиси Файратжон Хўжамқулов. - 2017 йилнинг январь ойи ҳолатига туманимизда 70532 бош қорамол бўлса, шундан 67409 боши аҳоли хўжаликларида парваришланмоқда. Туманимизда 10 та наслчилик хўжалиги ташкил қилинган бўлиб, уларда 1428 бош насли қорамол мавжуд. 3123 бош шундай қорамол туманимиз фермер хўжаликлари қарамоғида. Ушбу қорамоллар ҳолатини назорат қилиш ва ўз вақтида керакли ёрдам ҳамда сунъий урчитиш хизматини кўрсатиш мақсадида 10 та ветеринария пунктида 22 нафар малакали мутахассис хизмат қилмоқда. Жорий йилда 14846 бош қорамолни сунъий урчитиш режалаштирилган бўлиб, ҳозирги кунга қадар 10840 бош қорамолда бу иш амалга оширилди. Бу борада "Зироатчи Мустафоқул" насли чорва фермер хўжалигида амалга оширилаётган ишлар ибратлидир.

- Мен 10 йилдан зиёд Боғдод пахта тозалаш заводида меҳнат қилдим, - дейди ушбу хўжалик раҳбари Ақлидин Жиянбоев. - 2008 йили фермер хўжалигимиз 40 гектар экин майдони билан ўз фаолиятини бошлади. 12 нафар ишчимиз билан пахта ва ғалла етиштиришга киришдик. Шу йили собиқ Охунбобоев номли ширкат хўжалигига қарашли бўлган чорвачилик фермаси сотилаётганлиги ҳақида эшитдим ва бинони харид қилиб 60 бош қорамол билан чорвачилик йўналишини ҳам йўлга қўйдим. Ўша пайтда бу бинолар йўқ эди, фермани хароба ҳолда сотиб олдим десам, тўғрироқ бўлади. Йиллар

давомида чорва учун махсус услубда бинолар тиклаб бордик. Қорамолларимиз маҳаллий зотлар эди, озуқани кўп талаб қилса-да, даромад ўзгармасди. Давлатимиз яратган имкониятлардан унумли фойдала-



ниб, сунъий урчитишга алоҳида эътибор қаратдик. 2013 йили имтиёзли кредит асосида Словакия давлатидан 66 бош Гольштин зотли қорамоллар олиб келдик.

- Чорванинг туёғини тошдан бўлади, чорвадор бўламан деган инсон байрам, дам олиш куни каби тушунчалардан йироқ бўлиши керак, - дейди хўжалик иш бошқарувчиси Носиржон Усмонов. - Чунки, чорва ҳам жонли организм, у ҳам вақтида керакли миқдорда озуқасини ейтишни, вақтида зарурий дори-дармон билан эмланишни, хоналари озода бўлишини талаб қилади. Ушбу тадбирларнинг бир кунга кечикиши эса кейин ўнглаб бўлмайдиган ҳолга олиб келиши мумкин. Бунининг назаримда, ҳар бир чорвадор ёдда тутиши керак. Хўжалигимизга насли қорамолларнинг келиб қўшилиши бизни янада ҳушёр бўлишга чорлади. Зооветеринаримиз Абдулатиф Акрамов билан керакли муолажаларни ўз вақтида амалга ошириб, озуқа рационига эътибор қаратдик. Натижада 2015 йилга қадар зотли моллар сонини 425 бошга етказишга муваффақ бўлдик. 2016 йилдан аҳолига имтиёзли кредит асосида тарқатдик. Шу боис ҳозир жуда кўплаб оилаларда насли қорамол-

лар парваришланмоқда. Бу эса туманимиз бозорларида сут ва гўшт маҳсулотларининг кўпайиши ва нарх-навонинг арзонлашишига замин бўлмоқда. 22 нафар доимий ишчимиз ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришмоқда. Уларнинг ишларини унумдор бўлишига албатта хўжалигда яратилган шарт-шароит ва ҳар бир ишчига бажарган ишига қараб 700 минг сўмдан 1 миллион сўмгача ойлик маош берилаётгани сабаб бўлмоқда. Сут соғувчиларимизнинг ишини энгиллаштириш мақсадида Туркия давлатидан автомат сут соғиш ускуналари харид қилганмиз. 10-15 дақиқада 20 бош сигирни соғиш имконига эгамиз. Хўжалигимизда кунига 1200 литр сут соғиб олинди, "Нестле" сутни қайта ишлаш корхонасига жўнатилади.

- Халқимизда қиш ғамини ёзда е, деган ғап бор, - дейди Турғунбой ота Мама-тқулов. - Гарчи нафақада бўлсам-да ҳар куни келиб хўжаликни кўздан кечириб қорамолларнинг ҳолидан ҳабар олишни ёқтираман. Сўнг ишнинг кетиши ва муаммолар ҳақида Аҳлиддин билан суҳбатлашаман. Умримнинг талайгина қисми ирригаторлик касби билан ўтган бўлса-да, ёшлигимдан чорвани парваришлашни яхши кўраман. Айни кунларда қишки мавсумга таёргарлик ишлари деярли якунига етиб қолди. 30 гектарга экилган озуқа ўриб олинди, 1000 тонна сенаж, 1200 тонна макка силоси ва 1500 тонна қуруқ беда йиғиштириб олинди.

Хўжаликнинг келгуси режалари бундан-да улкан. Имтиёзли кредит асосида хориждан яна 100 бош қорамол харид қилиш учун шартномалар имзоланди. Хўжалик ҳудудида сутни қайта ишлаш цехини қуриш ишлари давом этмоқда. Келгусида хўжалик ушбу хайрли ишларни амалга ошириш орқали туман ва вилоят бозорларини гўшт ва сут маҳсулотлари билан янада тўлдириб, кўплаб қишлоқ ёшларини доимий иш билан таъминлашни мақсад қилган.

К. ЭРГАШЕВ,
ўз мухбиримиз.

Суратда: (чандан) зооветеринар Абдулатиф Акрамов, Носиржон Усмонов ва Мухаммадвали Турдалиевлар қорамолларни назорат қилишмоқда.

ФОСФОГИПС ЗАХИРАСИДАН ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНИШ МУМКИН?

Фосфор элементи ўсимликнинг ўсиш, ривожланишдаги аҳамияти тўғрисида адабиётларда кўп марта ёзилган масалан, кўзга кўринган физиолог олим М.Белоусов ёзадикки, фосфор ўсимлик ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уни ўсимлик уруғидан илдиз чиқариши билан, биринчи 10 секунд орасида уни тупроқдан ўзлаштира бошлайди. У тупроқда етишмаса ўсимлик танасида ҳосил бўладиган оқсил моддасининг бузилишига сабаб бўлади.

М.А.Белоусовнинг (физиологические основы корневого питания хлопчатника; Тошкент, 1975) ёзишича, Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистоннинг суғорма деҳқончилик қиладиган тупроқларида 0,08 дан 0,3 фоизгача фосфор захираси бўлган, ҳозирга келиб бу захира анчага камайиб кетган. Сабаби маълум, экилган экин ҳар йили ўзининг биомассаси билан маълум миқдордаги элементларни ҳам олиб кетади, лекин уни ўрни қопланмайди.

Калий элементи ўсимликнинг энг ёш қисмларида кўпроқ бўлиб, унинг ўсиш ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистоннинг суғорма деҳқончилиги билан шуғулланадиган тупроқларида калий анча кўп эди, лекин, кейинги пайтларда, калий ҳосил билан олиб кетилиши натижасида, бу элемент тупроқда камайиб кетган.

Ҳозирга келиб бу ўғит жуда кам миқдорда қўлланилмоқда, лекин шунга қарамай Деҳқонobodдан чиқатган калий ўғити четга сотилмоқда.

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялар илмий-тадқиқот институтида гўза, маккажўхори учун уларнинг нисбати 1:0,7:0,5, яъни 100 кг азотга 70 кг фосфор ва 50 кг калий кераклиги аллақачон аниқланганку!

Ўсимлик томонидан макроэлементлар (Са, Мо, Мн, Zn, В ва бошқалар) ҳам ўзлаштирилади. Улар ўсимлик томонидан азот, фосфор ва калийни органик моддалар ҳосил бўлишида, синтезида фаол қатнашадилар.

Илгари микроэлементлар билан қўшиб аммофос ўғити таркибига қўшилар эди, ҳозир бу комплекс ўғитлар нимагадир ишлаб чиқарилмайди. Улар гўзанинг ўсиш-ривожланишидаги миқдори унчалик кўп эмас. Масалан, тупроқда бор мик-

роэлементи 0,8 мг/кг бўлса, гўза учун етишмайди, 0,8-1,2 мг/кг бўлса яхши, 1,2 мг/кг кўп; рух 1,5 мг/кг кам, 1,5-2,5 етарли, 2,5 кўп; мис 0,4 мг/кг кам, 0,4-0,8 мг/кг яхши, 0,8 мг/кг кўп. Бу мисолларни ёзишдан мақсад шуки, микроэлементларнинг ҳар-хил тупроқлардаги миқдори ҳар-хил. Бу элементларни билмасдан қўллаш фойда ўрнига зарар келтиради.

Нима учун мақолада фосфор, калий ва микроэлементлар тўғрисида ёзаямиз. Бунинг сабаблари қуйидагича:

Бизда, фосфор ўғити ишлаб чиқарадиган заводлар атрофида юз минг тонналаб фосфогипс тўпланган. Унинг таркибида 2-2,5 фоиз фосфор ва жуда кўп миқдорда калий, бошқа макро ва микроэлементлар бор. Бу "ўғитни" қишлоқ хўжалигида текширмасдан, чуқур илмий-тадқиқот ишларини олиб бормай, ишлатиш мумкин эмас. Унинг таркибидаги калий ва фосфор зарар келтирмаса ҳам, тупроқдаги микроэлементларни билмай ишлатиш зиён келтириши мумкин.

Фосфогипс Россиянинг подзол тупроқлари жойлашган ҳудудда кенг қўлланилади, чунки бу тупроқлар таркиби кислотали, сингиш комплексидан водород жойлашган. Бу ҳолат ўсимликнинг ўсиш, ривожланишига сальбий таъсир кўрсатади. Бу хилдаги тупроқларда кислотали ҳолатни камайтириш учун фофогипс қўлланилади.

Бизнинг шароитимизда шўр тупроқлар жуда кўп майдонларни эгаллагани маълум. Шўр тупроқларнинг сингиш комплексидан нитрат элементи жойлашган бўлиб, тупроққа сув тегиши билан псевдо (ёлғон) структуралар майдаланиб (деспергация) кетади, натижада тупроқнинг физик хоссалари (сув ўтказиш қобилияти, ҳаво, микробиологик

режим ва бошқалар) ёмонлашади, ўсимлик бу ҳолатдаги ерларда ёмон ўсади, ҳосил чўғи кам бўлади.

Лекин шунини ҳам эслатиш керакки, М.Белоусов тажрибаларида калий ўрнини қисман натрий билан алмаштириш мумкин. Фосфогипс таркибидаги кальций шўр тупроқ таркибидаги нитратни сиқиб чиқаради ва унинг ўрнини эгаллагандан кейин сувга чидамли тупроқ структураси (коагуляция) ҳосил бўлиб, тупроқнинг сув-физик хоссалари яхшиланади.

Демак, ҳозирча қишлоқ хўжалигида калий, микроэлементлар, қисман фосфор элементлар ўрнини фосфогипс орқали юмшатиш мумкин.

Лекин шўр тури, миқдори макроэлементлар миқдорига нисбатан гектарига қанча фосфогипс қўллаш кераклиги муаммоси кўндаланг бўлиб турибди.

Бу муаммони ҳал қилиш бугунги кунда сув камчилигини бартараф қилишдан ташқари, фосфор, айниқса калий, микроэлементлар ўрнини қоплаб, ўғит қўллаш миқдори ва тизимини такомиллаштиришга олиб келади. Ҳозирги пайтда эса, хўжаликларга кўр-кўрона бу хомашё сотилмоқда ва улар қўллашмоқда.

Шу йили, июнь ойида "Ўзкимё-саноат"да Г.Ибрагимов бошчилигида, кимё бўйича академиклар қатнашувида катта йиғилиш бўлиб ўтканди. Унда бошқа масалалар қаторида фосфогипс бўйича қишлоқ хўжалигида муҳим тажрибалар қўйиш, унга Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти бошчилик қилиши илмий-тадқиқот ишларига Олмалик фосфор заводи маблағ бериш кераклиги тўғрисида келишилди, лекин бу келишув, қайси сабаблар таъсир қилдики, амалга ошмаёттир.

Фермерлар эса фосфогипсни тупроқ таркибидан беҳабар ҳолда ишлатишмоқда.

Қ.МИРЗАЖОНОВ

қ.х.ф.д. академики,

Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

А.ХОЛМАТОВ

агроном, фермер.

ЧЕКЛАНГАН СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ЮҚОРИ САМАРАДОРЛИККА ЭРИШИШ

Бугунги кунга келиб сув ресурсларини барқарор бошқариш ва улардан самарали фойдаланишни таъминлаш - дунёда бутун бошли минтақалар ва мамлакатларнинг барқарор иқтисодий тараққиётида ҳал қилувчи аҳамият касб этувчи масалалардан бирига айланди.

Мазкур масала иқтисодиёти ва аҳолиси тез ўсиб бораётган (демак, сувга бўлган талаби ортиб бораётган), йирик трансчегаравий дарёларнинг қуйи оқимларида жойлашган, иқлим ўзгариши таъсирлари тобора кўпроқ сезилаётган (яъни сув билан таъминланиш шароити мураккаброқ бўлган) мамлакатимиздаги янги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва экологик реалликлар шароитида, ўта долзарб ва янада муҳимроқ аҳамият касб этмоқда. Биргина мисол тариқасида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда мамлакатимизда фойдаланилаётган сув ресурслари миқдорининг атиги 20% ўз ҳудудимизда шаклланади, қолган 80% эса қўшни давлатлар ҳудудидан трансчегаравий дарёлар орқали, катта харажатлар ҳисобига етказиб келинади.

Истиқболдаги ривожланиш имкониятлари кўп жиҳатдан мавжуд сув ресурсларини сақлаш, улардан фойдаланиш даражаси ва сувдан фойдаланишга бўлган муносабатимизга бевосита боғлиқдир. Яқин келажакда сувга бўлган ўсиб бораётган талабларни - сув ресурслари бошқаруви-ни такомиллаштириш, улардан оқилона фойдаланиш ва ички захираларни топиш ҳисобига қондириш мумкин. Мавжуд табиий, экологик, ижтимоий, сиёсий ва экологик реаллик шароитида янгича ёндашув асосида, Ўзбекистонда ушбу масалаларга давлат сиёсати даражасида қаралиб, чекланган сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш муаммоси ечимига қаратилган кенг камровли институционал, ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар ўтказилмоқда.

Жумладан, мамлакатда мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ, сувдан лимит асосида фойдаланиш тартиби жорий этилди. Ҳар бир соҳа ва фаолият турларида ишлатиладиган сув сарҳисобини йўлга қўйиш бўйича муҳим қадам қўйилди. Сувдан фойдаланишнинг қонунчилик базаси босқичма-босқич ривожлантириб борилмоқда.

Янги шароитлардаги мурак-



каблашиб бораётган сув билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонунига бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди ва уларнинг амалиётда қўлланилишини таъминлаш мақсадида қатор қонуности ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Сув ресурсларини бошқаришда маъмурий-ҳудудий тамойилдан гидрографик-ҳавзавий тамойилга ўтилди. Бу йирик тадбир сув ресурсларини бошқаришда, илгариги тизимда йўл қўйилаётган ташкилий характердаги сув исрофини кескин камайтириб, бошқа қатор ижобий натижаларни берди.

Сув ресурсларини бошқариш бўйича давлат ваколати ва мажбуриятларининг бир қисмини

ирригация тизимларининг қуйи бўғинидаги жамоат ташкилотларига (Сув истеъмолчилари уюшмаларига) берилиши. Мазкур ислохотлар натижасида сони кескин ортган сув истеъмолчиларининг сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масаласига дахлдорлик ҳиссининг ортишига туртки бўлди. Ҳозирги даврда Сув истеъмолчилари уюшмалари қуйи бўғинда сув ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этишга мутасадди ва ваколатли асосий ташкилот ҳисобланади. Уларнинг самарали фаолияти кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан тежамли ва мақсадли фойдаланиш даражасини белгилайди. Айнан шунинг учун уларни ҳар томонлама ривожлантириш ва фаолиятининг яхшилланишига эришиш муҳимдир.

Қишлоқ хўжалиги экинларини диверсификация қилиш. Суғорма дехқончиликда кўп миқдорда ва кўпроқ айнан сув танқис пайтлардагина сув талаб қилувчи экин-

лар салмоғини камайтириб, уларнинг ўрнига кам сув талаб қилувчи, сув танқис бўлмаган даврларда ҳам ўсадиган экинлар салмоғини ошириш сув тақчиллигини сезиларли юмшатишга имкон яратди.

Сувнинг қатъий ҳисоб-ки-тобни юритиш. Ҳар бир истеъмолчининг сув олиш жойларининг сув ўлчаш восита ва иншоотлари билан жиҳозланиши, сув олувчи ва етказиб берувчилар ўртасидаги ажратилган лимит доирасида тузилган шартноманинг юритилиши ҳамда унинг бажарилишининг таъминланиши, сувдан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли даражада оширди. Бунда ҳар бир истеъмолчининг қанча сув олаётганлигидан хабардорлиги ва масъуллиги муҳим омил бўлди.

Сувтежамкор техника ва технологияларни жорий этишни ташкиллаштириш. Жумладан:

- Замоनावий суғориш технологияларини жорий этиш. Мазкур йўналишда республикада бўйича ўтган йиллар давомида 18,5 минг гектар майдонга томчилатиб суғориш тизими, 18,4 минг гектарга эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш, 16,3 минг гектарга эгатларга плёнка тўшаб суғориш усуллари жорий этилиб, самарали фойдаланиб келинмоқда.

- Амалдаги кенг тарқалган анъанавий суғориш технологияларининг сувни тежаш имкониятларидан кенг фойдаланишни ташкил этиш. Булар ичида республика бўйича кенг қўлланиладиган эгатлаб суғориш усули - эгат оралатиб, калта эгат олиб (50-100 метр), шарбат усулида суғориш, кетма-кет навбатлаб суғориш ва бошқа усулларни кенг қўллашга эътиборни кучайтирилмоқда.

- Ноанъанавий янги суғориш технологияларини тарғиб қилиш. Булар қаторига субирригация, дискрет суғориш, полимер гидрогеллар ёрдамида суғориш, мулча ёрдамида суғориш, ёмғирлатиб суғориш, суспензия усулида суғориш, турли тензометрлар ва суғоришни программалаштириш ва бошқа йўналишларда илмий-амалий дала тажрибалари олиб борилмоқда.

- Агротехнологияларни сувтежамкорлик талаблари асосида ташкил этиш. Қишлоқ хўжалиги экинларининг қатор ораларига ишлов беришни нам сақлаш талаблари асосида амалга ошириш.

Бундан ташқари, соҳанинг муҳимлигидан келиб чиққан ҳолда, давлат томонидан чет эл инвестицияларини ҳам жалб этиш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўнгги 10 йил мобайнида, соҳага умумий қиймати қарийб 1,5 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган инвестиция маблағлари жалб этилган.

Сувдан фойдаланишни самарали ташкил қилиш тадбирларининг амалга оширилиши натижасида мамлакатимиз миқёси-

да, йиллик фойдаланилаётган сувнинг умумий миқдори, мустақилликдан аввалги даврдаги 64 млрд.м³ дан, ўртача 51 млрд.м³ гача ёки 20 фоизга камайтирилишига эришилди. Қишлоқ хўжалиги мисолида кўриладиган бўлса, худди шу давр ичида 1 гектар майдонни суғориш учун сарфланган ўртача 18 минг м³ сувнинг бугунги кунга келиб, 10,5 минг м³ ёки 42 фоиз камайишига эришилди.

Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, сув ресурсларини барқарор бошқариш ва улардан самарали фойдаланиш ўзига хос мураккаб йўналиш бўлиб, нафақат давлат ташкилотлари, балки жамиятимизнинг барча ва ҳар бир аъзосидан доимий эътиборни талаб этади. Бугунги кунда



муқобили бўлмаган энг муҳим ҳаётий ресурс ҳисобланган сув ресурсларининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири - уларнинг "умумфойдаланувчи ресурс" эканлигидир. Яъни, сувдан фойдаланиш жараёнида бир вақтнинг ўзида миллионлаб сув истеъмолчилари иштирок этади. Сув ресурсларидан фойдаланишнинг умумий самарадорлигини таъминлашда, фақат сув хўжалиги ёки унга тегишли бўлган ташкилотларгина эмас, балки ҳар бир соҳада ва ҳар сувдан фойдаланувчининг сувдан юқори самара билан фойдаланиши муҳим аҳамият касб этади.

Амалга оширилаётган ислохотлар туфайли, аҳвол сезиларли даражада яхшилланган бўлсада, мавжуд имкониятлар тўлиқ ишга солингани йўқ, деб ҳисоблаймиз. Турли соҳаларда, жумладан сув ресурсларининг энг йирик истеъмолчиси бўлган қишлоқ хўжалигида сувдан фой-

даланиш самарадорлиги талаб даражасида таъминланмаган. Бунинг кўп сабаблари мавжуд бўлиб, уларга айрим ҳолларда суғориш меъёрларининг номуносиблиги, суғориш тизимлари техник даражасининг қониқарсизлиги, сувга бўлган муносабатнинг талаб даражасида эмаслиги каби қатор ҳолатларни киритиш мумкин.

Бизнинг фикримизча, ўтган даврда йиғилган тажрибалар сув ресурсларини бошқариш ва улардан самарали фойдаланиш тизимларини ҳам такомиллаштириш зарурияти мавжудлигини кўрсатмоқда. Чунончи, бугунги кунда сув ресурсларини гидрографик-ҳавзавий тамойилга асосан бошқаришда, айнан сув ресурсларини бошқариш жараёнида катта ижобий натижаларга эришилмоқда. Бироқ шу билан бирга, маҳаллий шароитларда сув истеъмолчилари томонидан сувдан фойдаланиш босқичида самарадорликнинг юқори бўлишига эришишда, уларнинг масъулиятини таъминловчи механизмлар етишмаяпти. Амалдаги тартиб бўйича, аксарият ҳолларда ирригация тизимлари бошқармалари томонидан СИУ-

ларига лимитлар бўйича шартнома асосида сув етказиб берилди. Жараённинг айнан шу, яъни бошқарув босқичига оид қисми бўйича ҳисобот ва назорат мавжуд. Бироқ истеъмолчилар томонидан сув лимит асосида қабул қилинган, олинган сувдан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш бўйича етарли назорат ва ҳисобот йўлга қўйилмаган. Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари турли сабабларга кўра тўлақонли фаолият кўрсата олмаётдилар. Айрим ҳолларда сув хўжалиги ташкилотларининг ўз хизмат вазибаларига кирмайдиган ишлар билан ҳам шуғулланишга мажбур бўлмоқда ва бу ўз навбатида, уларнинг фаолият самарадорлигига салбий таъсир этаётгани кузатилмоқда. Ажратилган сув лимитларидан имкон қадар самарали фойдаланишдан манфаатдор бўлиши лозим бўлган маҳаллий ҳокимият мутасаддилари эса, ўз тасарруфида-

ги қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлими масўуллари билан олинган сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш бўйича етарли даражада масўулиятни сезишмаётгани айниқса, ачинарли. Ўз ҳудудлари бўйича олинган сув лимитларидан фойдаланиш самарадорлиги таҳлили маҳаллий ҳокимиятлар томонидан қарор қабул қилиш механизми сифатида фойдаланиш йўлга қўйилмаган. Шундай қилиб, сув ресурсларини бошқаришда сув тежамкорлиги билан боғлиқ муаммоларнинг салмоқли қисми сувдан фойдаланиш босқичида содир бўлмоқда.

Демак, энди давлат даражасида амалга оширилаётган ишлар билан бирга, жойлардаги сувдан фойдаланувчиларнинг ҳар бири фаол ҳаракат қилгандагина муваффақиятга эришиш, шу жумладан, қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий барқарор тарраққиётни таъминлашимиз мумкинлигини тушуниш вақти келди. Ҳар бир сувдан фойдаланувчининг янги шароитда, тезроқ ўз ўрнини топишига ёрдам бериш лозим. Бу эса бугун нафақат давлат органларидан, балки ҳар бир сувдан фойдаланувчидан фидокорликни талаб қилади.

Вужудга келган вазиятда сув ресурсларини барқарор бошқариш ва улардан самарали фойдаланиш мақсадида мавжуд сув ресурсларини бошқариш тизимига такомиллаштирувчи ўзгартиришлар киритилиши лозим. Бундай ўзгартиришни қисқа талқинда "сув ресурсларини бошқариш ҳавзавий тамойилда, улардан жойларда фойдаланиш эса ҳудудий тамойилда" деб ифодалаган бўлардик. Таклиф этилаётган ўзгартиришлар, сув ресурсларини ҳавза даражасида гидрографик тамойилда бошқариш тизимини сақлаб қолган ҳолда унинг қўйи бўғинида, яъни сув ресурслари истеъмолчиларга шартнома асосида етказиб берилгандан сўнг, улардан фойдаланишни маъмурий-ҳудудий тамойил элементларидан ҳам биргаликда фойдаланиш асосида унинг самарадорлигини оширишни кўзда тутуди. Ўзгартиришлар асосида, "сув ресурсла-

рини бошқариш" - ҳавзавий тамойилдаги "бошқарув" ва ҳудудий тамойилдаги "фойдаланиш" бўғинларидан иборат яхлит тизимни ташкил этади. Бу эса ҳавзавий тамойилда фаолият кўрсатувчи сув ҳўжалиги ташкилотларининг ва ҳудудий тамойилда фаолият кўрсатувчи маҳаллий ташкилотлар ҳамда сув истеъмолчиларининг фаолиятлари самарадорлигига алоҳида, аниқ баҳо бериш ҳамда ҳудудларда лимит доирасида олинган сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш имконини яратади. Муҳими сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланиш тизимининг ҳар бир бўғинида самарадорликка таъсир этувчи омилларни бошқариш механизмлари такомиллаштирилади.

Таклиф этилаётган такомиллаштириш жараёнида, амалдаги тизимга қуйидагича ўзгартишлар киритилиши кўзда тутилади:

Давлат тасарруфидаги сув ҳўжалиги ташкилотлари томонидан ҳудудларга лимит доирасида, шартнома асосида етказиб берилаётган сув ресурсларининг олди-бердиси жараёнида, сув истеъмолчилари уюшмалари (СИУ) вакиллари билан бирга, маҳаллий сув ҳўжалиги ташкилотлари (қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлими) вакилларининг (балки кузатувчи ваколотига эга бўлган СИУнинг ижтимоий кенгаши аъзоси сифатида) иштироки шартини киритиш зарур. Маҳаллий сув ҳўжалиги ташкилотлари ҳудуд доирасида, барча СИУлари бўйича, лимит асосида олинган умумий сув ресурсларининг умумий ва алоҳида ҳудудлар бўйича миқдорини билишлари ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини доимий таҳлил қилиш ва уни ошириш масаласи бўйича масўул бўлишлари лозим. Маълумки, ҳавзавий бошқарув тамойилининг моҳиятига кўра, айнан ҳудудлардаги сув истеъмолчилари ўз лимитлари асосида етказиб берилган сув ресурсларидан юқори даражада фойдаланишдан энг биринчи манфаатдор бўлганларидек, олинган сув ресурсларидан фойдаланишда етарли самарадорликни таъмин-

ламаслик оқибатида йўқотилган имкониятлар учун ҳам уларнинг ўзлари масўул бўлишлари лозим. Маҳаллий сув ҳўжалиги ташкилотлари, уларнинг ҳозирги ҳолатида зиммасига юкланаётган янги вазифаларни бажаришда имконияти чекланганлигини (мутахассислар штатининг озлиги, иш ҳақининг камлиги ва ҳ.к.), назарда тутиб, мазкур ўзгартиришлар асосида, асосий вазифаси сув ҳўжалиги тизимининг юқори самарадорлигини таъминлаш ва сув ресурсларини лимит асосида ҳудудлардаги сув истеъмолчиларига юқори ишончлилик билан етказиб беришни ташкил этиш билан чекланувчи ирригация тизимлари бошқармаларидан бир қисм штатлари уларга олиб бериш масаласи ҳам кўрилиши мумкин. Шунингдек, маҳаллий сув ҳўжалиги ташкилотларидаги мутахассисларнинг манфаатдорлигини ошириш механизмларини (масалан, бўлимлардаги қишлоқ ҳўжалиги мутахассислариники каби асос (базовый) маошни белгилаб, иккинчи қўшимча қисмини ҳудудлардаги сувдан фойдаланиш самарадорлиги билан боғлиқ ҳолда тўлаш) ҳам такомиллаштириш мумкин. Бундай мисоллар жаҳоннинг қатор мамлакатларида учрайди.

Хулоса сифатида таъкидлаш лозимки, таклиф этилаётган сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштирувчи ўзгартиришлар маҳаллий ҳокимият тасарруфидаги қишлоқ ва сув ҳўжалиги ташкилотлар мутасаддиларининг ўз ҳудудларига етказиб берилган сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича манфаатдорлиги ва масўулиятини ошириш орқали нафақат сув ресурсларини бошқариш босқичида, балки ҳудудларда улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича ҳам механизм яратади. Бугунги кунда барча тадбирлар мажмуидан тўлақонли фойдаланилгандагина олиб борилаётган янгилианишлардан юқори ижобий натижаларни кутиш мумкин.

Ў. УМУРЗАКОВ,
и.ф.д., проф.,

А. САЛОХИДДИНОВ,
т.ф.д., проф.

ҒАЛЛАЧИЛИКДА КАЛИЙЛИ ЎҒИТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Дунё бўйича жами экин майдонининг 60 фоизини бошоқли дон экинлари эгаллайди. Ана шу донли экинларнинг бош вакили бугдойдан олинадиган ҳосилнинг 50 фоизи агротехник тадбирлар ҳисобига тўғри келади. Шу боис юқори ҳосил олиш учун амалиётда минерал ўғитларни ўз вақтида ва меъёрида қўллаш энг ишончли йўл ҳисобланади. Бунда ўғитларнинг асосий элементлари азот, фосфор ва калий (N, P, K) муҳим ўрин тутади.

Деҳқончиликнинг илмий асослари - вақтида, сифатли қилиб тупроққа ишлов бериш, тупроқ эррозиyasi, бегона ўтлар, зараркунанда ҳамда касалликларга қарши комплекс агротехник тадбирларни қўллаш, маҳсулдор навлардан фойдаланиш, алмашлаб-навбатлаб экишни риоя қилиш, тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган кенг қамровли тадбирлар жорий этилганда қўлланилаётган ўғитларнинг самарадорлиги юқори бўлади. Бунда ҳар гектарига 30-40 тонна гўнг, соф ҳолда ўртача 200 кг азотли, 150 кг фосфорли, 100 кг калийли ўғитни муддатида қўллаш тавсия этилади. Қўлланиладиган 1 кг NPK ҳисобига 7-8 кг дон олинади.

Кузги бугдойдан 1 центнер қуруқ модда тўплаш учун 3,7 кг N, 1,3 кг P ва 2,3 кг K сарфланади. Бошоқли дон экинлари етиштириш учун муҳим калий аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз кимё саноатида навқирон корхона Деҳқонobod калийли ўғитлар заводида калий хлорид ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани, ушбу ўғитнинг четдан олиб келинишига барҳам берилди.

Калий ўсимликларда фотосинтез жараёнининг меъёрида боришини таъминлайди, углеводларнинг барглardan бошқа органларга ўтишини жадаллаштиради ҳамда баъзи бир витаминларни синтез қилишда, уларнинг ўсимликларда тўпланишида воситачи ҳисобланади. Калий ферментлар таркибига кирмаса ҳам улар фаолиятини жадаллаштиради. Ўсимликда етарли даражада калий бўлмаган тақдирда хужайралар кўп сув сақлайди, натижада организм сувни унчалик талаб қилмайди.

Калийнинг яна бир хусусияти оқсилнинг ўзгаришига таъсирдир. Агар озиқланиш жараёнида калий етарли бўлмаса барглarda оқсил камайиб, унинг ўрнига нитрат азоти кўпаяди. Ўсимликларга бериладиган калий миқдори оширилса, азотни яхши ўзлаштириб, организмда органик моддалар кўпаяди.

Калийли ўғитлар 100% экиш олдида берилишидан ташқари, барг орқали озиқлантириш учун суспензиялашда ҳам қўлланилади. Бунда ўсимлик баргида яшил хлорофил дончалари 50 бирликдан ошгани ҳолда, дон ҳосили гектаридан 41.8 центнердан 54.4 га етганлиги кузатилган. Суспензиянинг комплекс тадбирлар билан - уйғунлаштирилган ҳолда ўтказилиши унинг самарадорлигини оширади.

Калийни белгиланган муддат ва меъёрларда қўллаш доннинг сифат кўрсаткичларини ошириб, оқсилнинг сифат даражасини 14-19%, клейковина микдорини 28% дан юқори, дон ялтироклигининг сифат даражаси

86-100%, гача, шунингдек 100 г ундан олинадиган нон ҳажми 600 м³ юқори бўлишини таъминлайди.

Калийли ўғитлар қўлланилишининг йиллик меъёри икки хил усулда тузилади: яъни, режалаштирилган ҳосилдорлик ва тупроқда мавжуд бўлган алмашинувчи калий миқдори асосан агрокимё хариталари маълумотлари асосида белгиланади.

Агрокимё хариталари бўйича ғалла етиштириладиган ернинг 1 кг тупроғи таркибидаги алмашинувчи калий миқдори 400 мг/кг дан юқори бўлганда, калий ўғитлар қўлланилиши тавсия этилмайди. Чунки, бундай ерлардаги алмашинувчи калий миқдори ғалла озиқланиши учун етарлича бўлади.

Калийли ўғитларнинг тупроқдаги қолдиқлари бунинг ҳисобга олинганда, калийли ўғитларнинг қўлланилиши 30-40% гача иқтисод қилинади, натижада деҳқончилик самарадорлиги ҳам ошади.

Калий ўсимлик тўқималари таркибига кирмаса-да, аҳамияти жиҳатидан азот, фосфор билан бир қаторда туради. Ўсимлик хўжайралари ширасида эрувчан тузлар ва қисман цитоплазма коллоидлари билан беқарор адсорбцион комплекслар ҳолида бўлади.

Калий бугдойнинг қурғоқчиликка чидамлилигини оширади. Фотосинтез, оксидланиш процессларини тезлаштиради ва ўз навбатида гўза ўсиши, ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Ғалланинг калий билан таъминланиши етарли бўлганда, шакар миқдорининг кўплиги ва хужайраларда осмотик босимнинг кўтарилиши туфайли, бугдойнинг совуққа ва касалликларга чидамлилиги ортиб, поялари бақувват бўлиб, ётиб қолишдан сақлайди.

Бугдойга калий етишмаса оқсил синтези секинлашади ва ҳосилдорликнинг камайиб кетишига олиб келади.

Компост таркибидаги калий миқдори ҳам компостлаш ҳарорати, компостланувчи масса намлиги ва тайёрлаш усулига боғлиқ бўлди. Аэрация камайиши билан компост таркибидаги калий миқдори ортади, компост зич усулда тайёрланганда говак усулда тайёрлангандагидан компост таркибидаги калий миқдори юқори бўлади.

Ғаллани озиқлантиришда фосфорли ва калийли ўғитлар қўлланилмасдан, фақат азот ўғитлари ишлатилса, бугдойнинг ўсув даври чўзилиб кетади. Дон сифати пасаяди, ўсимлик баргларида кўп миқдорда қанд ва крахмал тўпланиб, бошоққа ўтмайди, барглarda физиологик жараёнлар жуда секинлиги боис, касалликлар кўпаяди ва ўсимлик заифлашади, баргларида доғлар пайдо бўлади, сўнгра бужмайиб, қуришгача боради, оқибатда илдизи кўпроқ зарар кўради.

Давр қишлоқ хўжалигига бўлган эътиборни илмий асосларга таянган ҳолда ўзгартиришни тақозо этмоқда. Юртимизда дастурхонимиз тўқинлигининг боши НОН, унинг асоси бугдой. Ғалла экиш мавсумининг бошланиши баракали хирмон яратиш учун замин яратади.

Шундай экан, калийли ўғитлардан етарлича фойдаланмасдан туриб, барча экинлар қатори ғалладан, салмоқли ва сифатли ҳосил олиб бўлмадлигини унутмаслигимиз керак.

Ф. МИРЗО

ДЕҲҚОН БИЛАН ЁНМА-ЁН

Дунё бўйича зараркунандалар, турли касаллик ва бегона ўтлар экинлардан олинадиган ҳосилнинг 25-30%ини зарарлайди. Бу эса ҳар 3-4 гектар майдоннинг 1 гектари зарарли организмлар таъсирида нобуд бўлишини кўрсатади. Давр ўсимликларни ҳимоя қилиш тизими мутахассисларининг олдига эл-юрт тўкинлиги йўлида фидокорона меҳнат қилиш маъсулиятини қўймоқда.

"Андижон агрокимёҳимоя" худудий акциядорлик жамияти фермер ва деҳқон хўжалиklarини минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилишда қўлланиладиган кимёвий ва биологик воситалар, дефолиантлар, тупроқ мелиорантлари ва бошқа кимёвий маҳсулотлар билан таъминлаб келмоқда. Шунингдек, ўсимликларнинг касалликлари, турли зараркунанда ва ҳашаротларга қарши кураш, бегона ўтлар ва уларнинг профилактикаси бўйича ягона техника ва технология сиёсатини ўтказиш, аҳолига, мулк шаклидан қатъий назар барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга биологик кимёвий ва бошқа кураш усуллари бўйича турли хизматлар кўрсатиш, услубий ва амалий ёрдам бериш, вилоятдаги қишлоқ хўжалик экинларининг фитосанитария ҳолатини назорат қилиш, зараркунанда, касаллик ва бегона ўтлар тарқалиши, ривожланишининг мониторинги, башорат қилиш ва уларга қарши курашиш бўйича тadbирларни ўз вақтида, самарали ўтказиш каби муҳим вазифаларни бажариб келаётир.

Жорий йилда биргина ғалла майдонлардаги бир йиллик икки паллани бегона ўтларга қарши 80 534 бошоқли бегона ўтларга қарши 28 079, "занг" ва бошқа касалликларга қарши 126 448, "хасва" ва бошқа зараркунандаларга қарши 35 918 гектар ерда самарали кимёвий ишлов ўтказилиб, касаллик ва зараркунандалар тарқалишининг олди олинди.

Ўза шира-трипсга қарши 10 629, ўргимчакканага қарши 44 588, кўсак қуртига қарши 25 870 га майдонда ўсимликларнинг истиқболли - уйғунлашган ҳимоя усули кенг қўламда жорий этилди. Олтингугуртнинг оҳакли қайнатмиси - ИСО билан 181,186 га майдондаги қишлоқ хўжалик экинларига ишлов берилди.

Биобарин, зарарли организмларга қарши курашиш учун ҳар йили жаҳонда инсектицид, фунгицид ва гербицидларга миллиардлаб доллар маблағ сарф қилинмоқда.

Бироқ, қарши кимёвий кураш ҳар жиҳатдан зарарли бўлиб, жуда кўплаб зараркунанда ва касаллик қўзғатувчи организмлар у ёки бу пестицидларга мослашиб, натижада бу препаратлар кам самарали ёки бутунлай самарасиз бўлиб қолмоқда. Сир эмас, қишлоқ хўжалик экинларига кимёвий препаратлар қўлланилганда ўсимликлар маълум муддатда стресс ҳолатини ўтказади. Бундан ташқари, пестицидларни кенг қўламда қўллаш атроф-муҳитни заҳарланишига олиб келмоқда. Шуларни инобатга олиб, ўсимликларни ҳимоя қилишда атроф-муҳитга мутлақо зарарсиз бўлган биологик усулдан фойдаланиб, ўсимликларни ҳимоя қилиш бугунги кундаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиздаги 1000 га яқин биологикари-яларда асосан трихограмма тухумхўри, бракон ва олтинкўз энтомофаглари кўпайтирилиб, биологик усулда қўлланиб келиниши натижасида, қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотларнинг экологик тозаллиги, сифатлилиги ва роқобатбардошлилиги таъминланмоқда. Туманлар ҳокимликлари томонидан биологик маҳсулотларни тарқатиш тузилмаси шакллантирилганлиги, иш қўлами ҳажмининг юқори бўлишини таъминламоқда.

Фаолият кўрсатаётган 91 та биологикари-яда 2017 йилда тунлам капалакларига қарши 1120,8 кг трихограмма, ўрта ва катта ёшдаги қуртларига қарши 336,2 млн.дона бракон ҳамда шира-трипс ва ўргимчакканаларга қарши 480,6 млн.дона олтинкўз энтомофаглари кўпайтириш режалаштирилгани ҳолда, ҳақиқатда 1207,9 кг трихограмма, 383,3 млн. дона бракон ҳамда 582 млн. дона олтинкўз энтомофаглари кўпайтирилди. Пировардида, ўза майдонларининг тунлам капалакларига ва сўрувчи зараркунандаларга қарши 1 747,5 га майдонда трихограмма, 349 232 га майдонда бракон, 378 327 га майдонда олтинкўз энтомофаглари тарқатилди. Тунлам капалакларига қарши

162690 дона феромон тутқич, 690187 дона сиропли баклашклар илинди. Ғалла сўрувчи зараркунандаларга қарши 225503 гектар ерда 112 млн 503 минг дона олтинкўз энтомофаглари тарқатилди.

Энтомофагни етиштириш, тарқатиш ишлари илмий тажрибаларга таяниб иш кўриляётган Марҳамат туманидаги Иноятхон Арслонқулова раҳбарлигидаги, Асака туманидаги Нигорахон Норбўтаева бошчилигидаги марказий биомаскандан ҳамда Балиқчидаги "Био" хусусий лабораторияси, айниқса, Олтинкўл туман агрокимё бўлимига қарашли марказий биологикари-ясининг фаолияти айниқса ибратлидир. Тажрибали мутахассис Азизбек Останақулов етакчилигидаги мазкур лабораторияда ҳозирданоқ, келгуси мавсум учун амалий ишлар бошлаб юборилган.

Ҳисоб-китобларга кўра, ўза зараркунандаларга қарши трихограмма тухумхўрини (9 грамм/гектарига), бракон энтомофагини (3 минг дона/гектарига) ва олтинкўзни (3 минг дона/гектарига) қўллаганда жами харажат 54 минг сўмни ташкил қилгани ҳолда, бундан фарқли равишда ўза зараркунандаларига қарши кимёвий кураш усулини ўтказишда гектарига 240 минг сўм сарфланар экан. Бу усуллар иқтисодий жиҳатдан таққосланганда, биологик усул кимёвий усулга нисбатан 4,5 баробар арзон эканлигини кўрсатмоқда.

Ғалла зараркунандалари (шира-трипс)га қарши олтинкўзнинг (1000 дона/гектарига 6 минг сўмни) ишлов харажатлари 2 минг сўм, жами харажатлар 8 минг сўмни, зараркунандаларга қарши пестицидларни қўллаш гектарига 23 минг сўмни ташкил қилиб, ғаллада биологик кураш усулини қўллаш 3 баробаргача арзон тушишини кўрсатади.

Жумладан, боғларда (ширалар) ва сабзавот экинларида (тунламлар) ҳам зараркунандаларга қарши биологик усулни қўллаш, кимёвий усулга нисбатан 2-2,3 баробаргача арзонлиги ёки ҳар гектаридан ўза экинида 186 минг сўм, ғаллада 23 минг сўм, боғларда 45 минг сўм ва сабзавот экинларида 41 минг сўм иқтисод қилиниши билан биргалликда, экологик тоза маҳсулот етиштиришни таъминлаш мумкинлиги аниқланган.

Шундай экан, қишлоқ хўжалик экинларини зараркунандалардан ҳимоя қилишда ишончли ва истиқболли - биологик усулдан фойдаланиш Онда табиатимиз олдидаги муқаддас бурчимиздир.

Ўз мухбиримиз.

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИГА СТИПЕНДИЯ...

Бугун мамлакатимиз ўзининг юксалиш палласига кўтарилиб, мустақиллигимизнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий моҳияти кун сайин юз очмоқда. Юртимизда нафақат иқтисодий, балки демократик ислохотлар ҳам тобора чуқурлашиб бормоқдаки, буларнинг барчаси маънавиятнинг баркамоллашаётганлигидан гувоҳлик бериб турибди.

Муҳтарам Президентимизнинг эл-юрт равнақи йўлида узоқни кўзлаб қилаётган тинимсиз ҳаракатлари, барча соҳаларни, жумладан қишлоқ хўжалигини, хусусан биз фермерликни ривожлантириш йўлида чиқараётган фармон ва қарорлари, шунингдек жойлардаги учрашувларда халқ билан юзма-юз, ошқора суҳбатлари, нутқ, маърузалари халқимизнинг, шахсан менинг, буюк келажагимизга бўлган ишончимни янада орттириб, шижоат кўрсатиб ишлашга ундамоқда, - дейди "Мунчоқтепа истиқболи" фермер хўжалигининг бошлиғи, "Шуҳрат" медали соҳибаси Марзия опа Исмоилова. - Истиқлол шарофати ва имкониятларидан янада кўпроқ баҳра олиш, фойдаланиш вақти келди деб ҳисоблайман.

Кумқўрғон тумани Сурхон воҳасининг иқтисодий потенциали, ўзига хос тупроқ-иқлим шароити билан ажралиб туради. Мазкур фермер хўжалиги ташкил этилгандан буён қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ва сифатли ҳосил етиштириб, зиммаларидаги режа билан уддалаб келишмоқда. Бугунги кунда ҳар қандай об-ҳаво ва йилнинг қандай келишидан қатъий назар ғалладан гектарига 70-75 центнер, пахтадан 40-45 ва ундан ҳам ошириб хирмон кўтармоқдалар.

Хўжаликнинг иқтисоди барқарорлашиб, йўналишлар сони ортиб, кўп тармоқли фермер хўжалигининг асослари яратилди. Четдан олиб келиниб, зооветеринария қоидалари асосида парваришланаётган 10 бош қорамолнинг сони айти пайтда 30 тадан ошди. Товуқ, ўрдақ, курка боқиш уларни кўпайтиришда белгиланган тадбирлар амалга оширилмоқда. Мавжуд 2 гектар боғнинг сархил мевалари экспортга жўнатилмоқда. - Келгуси-

да экспортбоп мевали боғ майдонларининг кенгайиши, сабзавот ва дуккакли экинлар етиштиришнинг ортиши ҳисобига хўжалигимизнинг ташқи фаолиятини юксалтириш йўлида амалий ишларни бошлаб юборганмиз, - дейди Марзия опа. - Бинобарин, етиштирилган маҳсулотларни экспорт қилиш замонавий фермерликнинг асоси, бугунги кун талабидир.

Жорий йил жамоа заршунослари учун баракали келди. Дастлабки доvon - пилла тайёрлаш режаси 110% га забт этилди. Ғалладан гектарига 75 центнердан сифатли дон етиштирилиб, пахтадан 45 центнерлик маррани кўзлаб меҳнат қилишяпти.

Фермер хўжалиги эришаётган ютуқларнинг бош омили - агроилмга таянган ҳолда илғор хўжаликлар тажрибаларидан фойдаланишдир. Бунинг учун ҳар йили хўжалик ерлари жорий текисланиб, мавсумда фойдаланадиган фосфорли ўғитларнинг 70 %, калийли ўғитларнинг 100 %, жамғарилган органик ўғит ва тайёрланган компостнинг асосий қисми 40-45 см чуқурликда ўтказиладиган кузги шудгор олдидан берилади. Кузги-қишки агротехник тадбирларнинг ўз вақтида сифатли ўтказилиши таъминланади. Барча экинларда 4-6 мартагача био ва ўстирувчи препаратлар билан уйғунлашган суспензиялаш ўтказилади.

Биология фанлари доктори, профессор Иброҳим Абдурахмонов раҳбарлигида бир неча йил аввал авлоддан-авлодга кўчиб ўтадиган ғўзадаги ген аллелларининг тўплами топилиб, замонавий тезкор "ассоциатив карталаштириш" усули орқали дунёдаги илк ген-нокаут технологиясига асос солинган эди. Натижада ғўза генларидан фойдала-



нишнинг янги имкониятлари очилди ва "Порлоқ" нави яратилди. 2013 йилдан буён фермер хўжаликларидан ген-нокаут усулида яратилган "Порлоқ" туркумидаги навлардан сифатли ва мўл ҳосил олинмоқда.

Марказ фаолияти давлатимиз томонидан эътироф этилиб, ғўза, бугдой, картошка экинлари ҳамда узум биотехнологияси ва геном селекцияси йўналишидаги илмий тадқиқотларни янада такомиллаштириш, юқори малакали, миллий генетик илмий кадрлар тайёрлаш, Геномика ва биоинформатика марказининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида, "Геномика ва биоинформатика соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни, шунингдек, инновация ишларини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар" тўғрисида Президентимизнинг шу йил 10 февралдаги қарори илм маскани жамоаси олдида улкан вазифаларни қўйди.

Эл ҳурматида сазовор бўлиб келаётган Марзия опа саховатпешаликда ҳам кўпчилиikka ибрат бўла олади. Маҳалласидаги мактабнинг намунали ўқувчиларига фермер хўжалиги томонидан стипендия тайинланиши, айниқса, таҳсинга сазовор қолаверса қишлоқ масжидига 5 млн сўм, болалар ёзги лагерига 500 минг сўм ёрдам қилиниши, беморлар ва кам таъминланган оилаларга кўмаклашиш каби мурувват кўрсатиш опанинг кундалик эҳтиёжига айланиб улгурган дейиш мумкин.

Ўз мухбиримиз.

ИМКОНияТЛАР ҒАЙРАТ БАХШ ЭТМОҚДА

Мустақиллик туфайли ўз тараққиёт йўлини белгилаб олган, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлидан дадил одимлаётган, ўзининг ривожланиш тамойилларига амал қилаётган мамлакатимиз келажagini юксак малакали кадрлар ҳал қилади. Унга чуқур илмли, юксак маданиятли ва ишбилармон кадрлар зарур. Келажаги буюк давлат ана шундай ёшлар томонидан қурилади.



Республикамиз раҳбари истиқболимиз эгалари бўлган ёшларга касб-ҳунар, мутахассислик ўргатиш, маънавий тарбия бериш, касбий салоҳиятини ошириш борасидаги ғам-хўрликлари барча жабҳаларда ва айнан агросаноат тизимида меҳнат қилаётган навқирон авлодни, ёш фермерларимизни янада баракалироқ ишлашга ундамоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 30 июндаги ёшлар қурултойида сўзлаган нутқи мамлакатимиз ёшлари интилишларига янги ўзанлар очди. Президентимиз тақлифлари билан ташкил этилган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи чин маънода мамлакатимиз ёшлари учун янги имкониятлар эшигини очиб берди, - дейди Оққўрғон туманидаги "Алишер Бахтиёр Агро" фермер хўжалиги бошлиғи Алишер Усмонов, - Юртбошимизнинг "Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамонт масаласига айланиб бормоқда", - деган сўзлари менга бир олам фахр, масъулият бахш этди.

Алишернинг отаси Намозбой аканинг касби олим-агроном, Тошкент қишлоқ хўжалик институти тугатган. Ўтган давр мобайнида мутахассислиги бўйича турли вазибаларда ишлади. Мустақиллик шарофати билан фермерликка қўл урди.

Меваларга бурканган ҳовлисида 75 туп гилос, 15 туп ёнғоқ, 50 туп олма, 5 туп беҳи, 15 туп ток, 15 туп анор, 10 туп нок ва 20 туп малинанинг сара навлари парваришланмоқда. 8 сотих очиқ майдонга турли хил сабзавотлар экилган. Қаҳрамонимизнинг 2015 йилда сув шароити анча мураккаб бўлган ерда "Алишер Бахтиёр Агро" фермер хўжалигини ташкил этиши унинг яратувчилик ишқи, деҳқончиликка бўлган меҳридан далолат беради.

Ёш фермер аввало ишни далага деҳқончилик маданиятини олиб киришдан бошлади. Мавжуд ер текис-

ланиб, сув йўллари тартибга солинди. Ота ортидан эргашиб олган илму-тажрибалари асқота бошлади. Маҳаллий ўғит жамғариш ва уни белгиланган талаблар асосида сақлашга алоҳида эътибор берди. Тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича кенг қамровли тадбирларни бошқичма-бошқич амалга ошира бошлади. Қишлоқ хўжалик экинларидан олинадиган ҳосилнинг салмоғи ошиб, сифат даражаси яхшиланди. Йиллик режа ва мажбуриятлар хўжалик ташкил этилгандан буён удаланиб, гектаридан олинадиган ҳосилдорлик галлачиликда 75, пахтачиликда 45 центнерга етди.

Фермер хўжалигида деҳқончиликнинг бош омили кузги-қишқи агротехник тадбирларни ўз вақтида сифатли ўтказишга алоҳида эътибор берилади. Дастлаб жорий текислаш ишлари ўтказилиб, дала четларидаги фойдаланилмай ётган ерларга ишлов берилади. Бу бегона ўтлар ва зараркунандаларнинг тарқалиш манбалари ҳам йўқотилади. Белгиланган кўчатни қалин ундирилишига эришиб, қатор орасига сифатли ишлов бериш таъминланади. Пировардида кўчат тўлиқ ва бир текис ривожланган экин майдонлари шаклланади.

- Фосфорли - калийли ва органик ўғитлар, шунингдек тайёрланган органик компостнинг камида 70 фоизини шудгор ҳамда шудгор олдидан беришга қатъий амал қиламиз - дейди фермер, - қолган қисмини галлачиликда йилнинг келишига қараб январь-февраль ойларида, пахтачиликда эса экиш ёки 1-ишлов даврида озиклантириб тугатамиз.

Жорий йилда 17 гектар майдонга галланинг "Гром" нави экдик ва гектаридан 75 центнердан, 38,6 гектар майдондаги пахтанинг "Султон" навидан 40 центнердан ҳосил яратишга муваффақ бўлдик.

Ҳар бир йилдаги метеорологик шароити ва экинлар ривожланиш даври ва хўжалик тупроқ хоссаларининг ўзига хос мураккаб жиҳатлари ҳисобга олиниб, ҳар бир дала

учун сув балансини тузиш йўли билан сугориш меъёрлари ва муддатлари белгиланади. Экинларни сугоришда деҳқончиликнинг илмий асослари, парваришланаётган экиннинг агробиологик хоссалари, экин навининг сувга бўлган талаби доимий эътиборимизда бўлади.

Дала ҳолати, шунингдек агрокимёвий таҳлилларга таяниб, минерал ва органик ўғитларни ерга солиш муддатлари, меъёрлари, галла-пахта навбатлаб экилганда, бошоқли дон экинларидан кейин экиладиган такрорий экинларнинг ҳам агробиологик хусусиятлари албатта ҳисобга олинади.

Бир сўз билан айтганда, фермер хўжалигида қишлоқ хўжалик экинларидан ҳар йили сурункасига салмоқли ва сифатли ҳосил етиштириш заминиде агрономиянинг илмий асосларига таяниб иш кўриш ётганини англаш қийин эмас.

Оққўрғон тумани ўзининг танти деҳқонлари, мард-ҳалол соҳибкорлари билан алоҳида эътиборга эга. Тупроқ-иқлим шароитининг ўзига хослиги, миришкорлардан алоҳида жонбозлик ва тажриба талаб этиши, табиий. Шундай бўлсада, туманда ўз касбининг устаси, қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ва сифатли етиштириб эл-юрт тўқинлигига муносиб ҳисса қўшиб келадиган зироатнинг дарғалари кўплаб топилади.

- Менинг ниятим келгусида, - Ўзбек деҳқони нуфузининг дунёга танилишига ўз ҳиссамни қўшишдан иборат, - дейди А. Усмонов.

Тонг. Серғайрат, навқирон деҳқон, "Оққўрғонлик оқ кўнгили йигит"нинг "Ота касб - олтин касб"га бўлган меҳри уни экинлари бағрида бўлишга ундайверади.

Ўз мухбиримиз.

МАҚСАД САРИ ИНТИЛИБ

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг тадбиркорлик ва фермерлик соҳада ҳам муносиб иштирок этишини таъминлаш, ўз қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқаришлари учун имконият яратиш мақсадида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар ўз самарасини бераётгани кундалик ҳаётимизда намоён бўлмоқда.

Зеро, Юртбошимиз айтганларидек, - "Ер юзидаги ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси унинг аёлларга бўлган муносабати билан белгиланади. Бу, албатта, исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир".

Дилобар Икромованинг маълумоти олий, Қарши муҳандислик иқтисодиёти институтининг иқтисодиёт факультетини тугатиб, мутахассислиги бўйича ишлади. Бу билан чекланиб қолмасдан, мамлакатимизнинг барқарор ривожланиб бораётганидан руҳланиб, янада эл-юрт тўкинлигига хизмат қилиш мақсадида 50 сотихли иссиқхона қуришга жазм қилди.

- Отам бизни ёшлигимизданок файз-барака боши бўлган томорқанинг, ҳар бир қаричидан самарали фойдаланишга ўргатган. Хонадонимиздаги 12 сотихли иссиқхонадан 3-4 мартагача ҳосил олишни уддалаганмиз. Ҳар бир экин навини илмий асосда танлаб, экишни режалаштирамиз.

Мамлакатимиздаги мавжуд хорижнинг ойнаванд, иситиладиган ва иситилмайдиган плёнкали (хитой технологияси) иссиқхоналар, Корея технологияси асосида қурилган икки қаватли плёнка билан ёпилган, ҳаво билан иситиладиган ва замонавий Голландия, Исроил технологиялари асосида ишлайдиган кичик ҳажмли иссиқхоналарни кўриб, орттирган тажриба ва маалакаларимга таяниб, қулай ва энг арзон сабзавотлар етиштирадиган истиқболли иссиқхона қуриш нияти менга тнчлик бермасди, - дейди изланувчан иссиқхона соҳибаси. - Шу мақсадда яқинда 1 гектар ер олдик. Агро илмга таяниб, кўп даромад берадиган ноанъанавий мева-сабзавотларнинг агробиологиясини ўрганишимиз баробарида, халқимиз дастурхонининг тўкин, ранг-баранг бўлиши йўлида ҳаракатларни давом эттираяпмиз.

Ҳозирда иссиқхоналарни ривожлантиришга катта маблағ сарф этилмоқда ва турли типдаги замонавий иссиқхоналар қурилмоқда. Сабзавот маҳсулотларининг кўпайиши ана шундай ишларнинг кенг жорий этилиши ҳисобига юз бермоқда. Ҳосилдорликни ошириш мақсадида қилинган харажатларни тезроқ қоплаш имконияти яратилмоқда.

Иссиқхоналарда сабзавот етиштирувчи хўжаликлар олдидаги асосий вазифа ишлаб чиқаришни модернизациялаш орқали иссиқхоналарни замонавий талабларга мослашдан иборат.

Истиқболда замонавий иссиқхоналарда кенгайтириш уларни иситиш харажатлари билан бевосита боғлиқ бўлади. Бугунги кунда мавжуд иссиқхоналарнинг асо-

сий қисми газ билан иситилгани, натижасида иситиш масаласи харажатларнинг 50-60%ни ташкил этмоқда. Бу ўз навбатида, иссиқхоналар учун муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш заруратини юзага чиқармоқда.

Юртимизда йил давомида 300 кундан ортиқ қуёшли кунларнинг мавжудлиги иссиқхоналар учун қулай ҳисобланади. Шунинг учун истиқболда гелио иссиқхоналар қуриш ва табиий ресурс - қуёш энергиясидан фойдаланиш айнаи муддао.

Эндиликда иссиқхона сабзавотчилигини ривожлантиришда, ушбу соҳа бўйича илғор тажрибага эга бўлган давлатларнинг тажрибаларини ўрганиш ва уларни республикамиз шароитларига мос жиҳатларини қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Кўпчилик давлатларнинг иссиқхона сабзавотчилигида қўлланиладиган асосий энергия манбаи, қуёш энергияси ҳисобланади.

Корея ва Японияда кундузи иссиқхонага тушадиган қуёш иссиқлигини сақлаш ёки аккумуляция қилиш (тўплаш)да грунтнинг иссиқлик алмашиш усулидан кенг фойдаланилмоқда.

Хитой иссиқхоналарининг асосий қисми плёнкали бўлиб, ҳосилдорлиги гектаридан ўртача 100 тонанагача бўлган помидор, ширин қалампир, бодринг каби экин турлари етиштирилади. Плёнканинг нархи арзон, энгил йиғилади ва зич ёпилади, шу сабабли иссиқликни ўзида узоқ ушлаб туради. Энг қизиги, бундай иссиқхоналарни ўнлаб гектаргача кенгайтириш мумкин. Сўнгги йилларда Хитойда сабзавотчилик жадал ривожланиб, уни экспорт қилиш ҳажми бўйича мамлакат дунёда биринчи ўринни эгаллаб турибди.

Иссиқхона хўжалиklarини уруғ билан таъминлаш уруғчилик фирмалари томонидан амалга оширилади. Янги навлар Давлат нав синаш идораси томонидан кўриқдан ўтказилган сўнг, давлат реестрига киритилади. Иссиқхоналарда етиштириладиган сабзавот экинлари уруғчилиги бўйича айнаи пайтда Голландия фирмалари ЕИда етакчилик қилади.

Кўриниб турибдики, иссиқхона мева-сабзавотчилигини дунё андозаларига мос даражага етказиш учун ҳали кўп изланишлар асосида самарали меҳнат қилишимиз талаб этилади. Жойларда сабзавот экинлари уруғчилиги бўйича, шунингдек маҳаллий шароитдан келиб чиққан ноанъанавий ҳамда замонавий иссиқхоналарни кўриб кўз қувнайди. Албатта, бу дастлабки қадамлар. Зеро, Биринчи Президентимизнинг "Биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз" деган сўзлари халқимизга ҳар доим ғурур бағишлаб, шижоат кўрсатиб меҳнат қилишга ундайди.

Яратиш, янгиланиш йўлида интилиб фидокорона меҳнат қилаётган Дилобар Икромова сингари опасингиларимиз кўплаб топилади. Шундай экан, хотин-қизлар ўртасида оилавий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, тадбиркорлик ривожиди аёллар иштирокини янада кучайтириш, ишбилармон хотин-қизларнинг илғор тажрибаларини оммалаштириш албатта, фойдадан холи бўлмайди.

Ўз мухбиримиз.



ЎЗА ҚАТОР ОРЛАРИ ВА ОЧИҚ МАЙДОНЛАРГА БИР ЎТИШДА ЕРНИ ТАЙЁРЛАБ, ДОН ЭКИШ КЕТАДИГАН КОМБИНАЦИЯЛАШГАН АГРЕГАТ

The article contains information on a combined unit developed at the Institute for the Simulation of Soil, for simultaneous cultivation of soil and ordinary sowing of cereals in the inter-row of cotton and in open areas.

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан ўза қатор ораларига бирийўла ишлов бериб, донни мавжуд агротехника талаблари даражасида қаторлаб, бир текис чуқурликка экадиган комбинациялашган агрегат ишлаб чиқилди.

Мазкур агрегат тракторнинг олд қисмига ўрнатилган марказий, ўнг ва чап олдинги рама-лар ва осийш механизмига ўрнатилган орқанги рамадан ташкил топган. Агрегатнинг олдинги рамаларига ўза қатор ораларига ишлов берувчи иш органлари, орқанги рамасига эса уруғ бункерлари, галтакли миқдорлагичлар, уларни ҳаракатга келтирувчи таянч-узатмали филдираклар, уруғўтказгичлар ҳамда экиш эгитини очувчи иш органлари ва диски экичлар ўрнатилган.

2014 йилда "Агрегат заводи" АЖДа экиш агрегатининг тажриба партияси ишлаб чиқилди ва кенг хўжалик ҳамда 2016 йилда эса Ўзбекистон қишлоқ хўжалик техника ва

технологияларни сертификациялаш ва синаш давлат маркази (ЎзҚТТСДМ)да дастлабки давлат синовларидан ўтказилди. Синовларда олинган натижалар жадвалда келтирилган.



Комбинациялашган агрегатнинг иш жараёнидаги кўриниши

Комбинациялашган агрегат 2015 йил 19-21 май кунлари ўтказилган Инновацион гоёлар, технологиялар ва лойиҳалар VIII Республика ярмаркасида "Қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича энг яхши инновацион ишланма" номинацияси бўйича ғолиб деб топилиб, Ўзбе-

кистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Фахрий ёрлиғи" билан тақдирланган.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, комбинациялашган агрегат очик майдонлар ва ўза қатор ораларида синалганда барча кўрсаткичлар дастлабки талаблар даражасида бўлган. Яъни, очик майдонларда агрегат ҳаракат тезлиги 5,7 км/соат бўлганда уруғларнинг ўртача экиш чуқурлиги ва унинг ўртача квадратик четланиши мос равишда 2,28 ва 0,25 см ни, ўза қатор ораларида эса агрегат ҳаракат тезлиги 7,8 км/соат бўлганда бу кўрсаткичлар, мос равишда, 4,68 ва 0,26 см ни ташкил этди. Белгиланган экиш чуқурлиги ва унга ёндош бир сантиметр қатламда жойлашган уруғларнинг миқдори очик майдонлар ва ўза қатор ораларида 100 фоиз бўлган.

Комбинациялашган агрегатни қўллаш натижасида ўза қатор ораларига бирийўла ишлов бериб, донни қаторлаб ва бир хил чуқурликка экиш ҳисобига кўчатлар тўлиқ униб чиқади, уруғлик, ёнилғи сарфи ва бошқа харажатлар камаёди ҳамда галла ҳосилдорлиги ортади. Ушбу комбинациялашган агрегат Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг FAP № 00922 "Ўза қатор ораларига галла экувчи агрегат" ва FAP № 01159 "Ўза қатор ораларига галла экувчи агрегат" патентлари билан ҳимояланган.

А.ҚОРАХОНОВ,
т.ф.н., е.и.х.,

А.ИБРАГИМОВ,
т.ф.н., к.и.х.
ҚХМЭИ

Жадвал

Комбинациялашган агрегатнинг дастлабки давлат синовлари натижалари (Далолатнома №15-2016)

№	Кўрсаткичнинг номи	Кўрсаткичнинг қиймати		
		АТТ бўйича	Тажриба натижалари бўйича	
			I-тажриба (очик майдонлар)	II-тажриба (ўза қатор ораларида)
1.	Экин муддати		15.10.2016 й.	26.10.2016 й.
2.	Агрегат ҳаракат тезлиги, км/соат	7-10 (5,4-7,2)*	5,7	7,8
3.	Экин меъёри, кг/га: ўрнатилган амалда	60-260	233	217
4.	Амалдаги меъёرنинг ўрнатилгандан оғиши, %	кўпи билан 10	6,8	
5.	Уруғларни экиш чуқурлиги, см: ўртача экиш чуқурлиги, см ўртача квадратик четланиши, % ё см вариация коэффициенти, %	3-5 (2-6)*	2,28 0,25 11	4,68 0,26 5,56
6.	Белгиланган экин чуқурлиги ва унга ёндош бир сантиметр қатламда жойлашган уруғларнинг миқдори, %	камида 80	100	100
7.	1 м ² майдондаги кўчатларнинг қалинлиги, дона		413	371
8.	Қаторлар ораси, см	(15ё2)*	14	14

* - ўза қатор ораларига бирийўла ишлов бериб ва донни қаторлаб экадиган комбинациялашган агрегатга дастлабки талаблар бўйича.

АДАБИЁТЛАР

1. *Протокол испытаний комбинированного агрегата СЗХ-3,6 для одновременной обработки и сева зерновых в междурядья хлопчатника разработки научно-исследовательского института механизации и электрификации сельского хозяйства // УзГЦИТТ. - Ташкент: Гульбахор, 2016. - №15-2016. - 29 б.*

ИССИҚҚА БАРДОШЛИ НАВЛАРНИНГ ЭРТАПИШАРЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ

*In climatic conditions of Uzbekistan, the heat is an important abiotic stress during the wheat (*Triticum aestivum* L.) grain-filling stage. Selection parameters were grain yield and high 1000-kernel weight, and selected progenies were evaluated in early and late planted time in Kashkadarya province in the year of 2012-14.*

Ҳозирги вақтда буғдойнинг ташқи муҳит ноқулай шароитларига чидамли, эртапишар навларини яратиш селекциянинг асосий вази-фаларидан биридир. Ўсимлик уруғдан униб чиққанидан бошлаб ҳосил тўла пишгунгача бўлган давр ёки ўсув даври қанча қисқа бўлса, бошоқлаш давридан сўнг дон тўлиш давридаги қурғоқчилик, иссиқ бошлангунча дон тўлиқ ривожланса, ҳосил шунча оз мuddат ичида пишиб етилади ва сифатли, нобудгарчиликсиз йиғиштириб олинади. Суғориладиган ерларда эртапишар навлар етиштирилиши бир йилда икки-уч марта ҳосил олишни таъминлайди. Биз кузги юмшоқ буғдой нав ва намуналарининг иссиққа чидамли навларни танлаш ва яратиш мақсадида, ДДЭИТИ Қашқадарё филиали тадқиқотчилари томонидан дала тажрибалари олиб борилмоқда. Шу мақсадда, 2012-2014 йилларда илмий изланишлар филиалнинг Қарши туманидаги тажриба майдони шароитида олиб борилди.

Тажрибада 105 та нав ва линиялар танлаб олинди. Бунда асосий этибор оптимал (анъанавий мuddат) ва кеч мuddатларда экилган нав ва намуналарнинг қимматли-

ҳўжалик белгиларига, ҳосилдорлиги ва 1000 дона дон вазнига иссиқнинг таъсири ҳамда эрта мuddатда экилганда шу нав ва линияларнинг боғлиқлиги ўрганилди.

Оптимал мuddатда экилган нав ва намуналарда вегетация даври 3 йиллик натижаларга кўра ўртача 204-213 кун оралиғида ўтганлиги аниқланди. 2012 йилда бошоқлаш-пишиш даври 211-219, 2013 йилда 199-208, 2014 йилда 199-212 кунни ташкил этди. Кеч мuddатда экилиб ўрганилаётган нав ва намуналар униб чиқиш-пишиш даври 3 йиллик натижаларга кўра ўртача 167-176 кун оралиғида ўтди. 2012 йилда бошоқлаш-пишиш даври 162-173, 2013 йилда 176-190, 2014 йилда 160-167 кунни ташкил этганди.

Эрта мuddатда экиб ўрганилган нав ва линияларни таҳлил қилганимизда андоза Краснодарская-99 навининг униб чиқиш-пишиш даври 209 кунни ташкил этган бўлса, Oktyabrina-70, H.Bashir, Pamyat-47, DB148, P-2 Victoriya, Spb"s"//K134(60)/Vee"s"/3/Col.No.3193, Navro'z, TX98D3447/TX99D4657 нав ва намуналари андоза навадан 3-5 кун эрта пишганлиги кузатилди. Кечки мuddатда экилган андоза

Краснодарская-99 навининг униб чиқиш-пишиш даври 173 кунни ташкил этган бўлса, Oktyabrina-70, H.Bashir, Pamyat-47, DB148, P-2 Victoriya, Spb"s"//K134(60)/Vee"s"/3/Col.No.3193, Navro'z, TX98D3447/TX99D4657 нав ва намуналари андоза навадан 4-6 кун эрта пишганлиги кузатилди.

Демак, ўрганилган нав ва намуналардан айримлари эрта мuddатда экилганда ҳам эртапишар намуналар эканлиги аниқланди. Илмий изланиш натижаларига кўра, танлаб олинган нав ва линиялар ҳосилдорлик, 1000 дона ва бошқа кўрсаткичлари ўрганилиб, келгусида улардан иссиққа чидамли эртапишар навларни танлашда ҳамда селекция йўналишида янги навларни яратиш, чатиштириш ишларида фойдаланишга тавсия қилинди.

Д.ЖЎРАЕВ,

қ.х.ф.н.,

З.ЗИЯДУЛЛАЕВ,

тадқиқотчи

Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Қашқадарё филиали.

Иссиқликка чидамли танлаб олинган нав ва линияларни эртапишарлик хусусиятига (Қарши, 2012-2014 йил).

№	Нав номи	Униб чиқиш-пишиш													
		Оптимал мuddат							Кечки мuddат						
		2012 й	2013 й	2014 й	Ўртача	Андоза нава нисбатан эртанишар, кун	Ҳосилдорлик, п/га	1000 дона дон вазни, гр	2012 й	2013 й	2014 й	Ўртача	Андоза нава нисбатан эртанишар, кун	Ҳосилдорлик, п/га	1000 дона дон вазни, гр
1	Oktyabrina-70	212	202	203	206	3	58,1	43,7	163	177	161	167	6	48,2	36,8
2	H.Bashir	212	202	205	206	3	72,6	41,3	165	176	162	168	5	57,4	40,1
3	Pamyat-47	212	202	202	205	4	51,0	45,5	164	179	161	168	5	46,1	41,7
4	DB148	214	202	203	206	3	61,6	40,7	165	179	161	168	5	49,1	36,3
5	P-2 Victoriya	213	203	203	206	3	59,1	39,1	165	180	161	169	4	51,0	35,1
6	Matonat	214	205	208	209	0	55,8	40,6	163	180	163	169	4	47,1	39,9
7	Spb"s"//K134(60)/Vee "s"/3/ Col. No.3193	212	201	199	204	5	59,2	37,4	165	179	162	169	4	44,1	36,4
8	ST.ERYNTR 1290-08	214	202	205	207	2	60,8	40,6	165	179	162	169	4	48,5	37,7
9	Navro'z	213	201	201	205	4	68,2	40,7	167	179	161	169	4	53,5	39,9
10	Бунёлдор	214	202	206	207	2	74,1	45,5	165	180	161	169	4	59,5	42,2
11	TX98D3447/TX99D4 657	213	205	203	207	2	59,8	38,5	166	178	163	169	4	42,4	36,4
12	Nikonia	212	200	206	206	3	54,9	36,9	167	180	161	169	4	44,8	32,6
13	Фаровон	215	204	204	208	1	74,0	40,7	167	178	163	169	4	56,1	40,2
14	Краснодарская-99 (андоза)	215	204	208	209	0	59,8	38,7	170	185	164	173	0	40,0	33,6
	Ўртача	214	203	206					168	182	163				
	Энг юқори	219	210	213					175	192	168				
	Энг паст	210	199	199					160	175	159				
	НСР _{0,5}	2,45	3,32	2,39					4,34	3,65	1,79				
	S _x , %	1,14	1,63	1,16					2,59	2,01	1,09				

КАЧЕСТВО И УРОЖАЙНОСТЬ ОЗИМОЙ ПШЕНИЦЫ В ЗАВИСИМОСТИ ОТ СРОКОВ СЕВА

In practice, the provision with bread and bakery products from high qualitative wheat is an important problem. Protein, qualitative and quantitative composition of gluten are considered the main criteria in determining the quality of grain in breeding strong and unique varieties of wheat.

Несмотря на достигнутый высокий уровень потенциальной продуктивности современных сортов озимой пшеницы, ее можно значительно повысить за счет разработки новых и совершенствования уже существующих агротехнических методов возделывания.

Элементами, влияющими на качество перезимовки, являются срок сева, глубина заделки семян, норма высева, препарат для защиты семян, тип сорта и его зимостойкость. Все эти показатели прямо или косвенно формируют густоту стояния растений, содержание пластических веществ в клеточном соке и объем корневой системы — именно эти факторы оказывают непосредственное влияние на перезимовку. Срок сева должен быть таковым, чтобы растения уходили в зиму в наиболее благоприятной фазе для перенесения низких температур и колебаний последних.

Сроки посева зависят от биологических особенностей сорта, климатических и погодных условий, типа почвы и других факторов. Существующие рекомендации не всегда отвечают условиям зоны. В зависимости от времени посева озимая пшеница к моменту прекращения осенней вегетации может находиться в различном состоянии — от прорастающих семян до хорошо раскустившихся растений. Изменяя сроки посева, можно регулировать продолжительность межфазных периодов, доводить растения до нужного возрастного состояния к уходу в зиму.

Нами проводились исследования по изучению влияния сроков сева на продуктивность и урожайность новых перспективных сортов озимой пшеницы "Яксарт—611" и "Дустлик—596", районированных в местных условиях. Опыты проводились на экспериментальной базе Хорезмской академии Маъмуна, расположенная в Хивинском районе.

Почвы аллювиально-луговые. Они составляют 14,2% всех посевных площадей области, занимают земли в низовьях Амударьи. Они

формировались в условиях современной дельты. Грунтовые воды минерализованы, залегают на глубине 1—3 м. По агрохимическим свойствам почвы характеризуются повсеместной карбонатностью, слабой оструктуренностью, малым содержанием гумуса и сильной склонностью к засолению. Почвы в основном средnezасоленные, хлоридно-сульфатного типа.

В исследованиях использованы полевые и лабораторные методы, разработанные Узбекским НИИ хлопководства (2007). Качество посевного материала определялось по "Методам определения посевных качеств семян" (1997).

В 2015 году на полях экспериментальной базы Хорезмской академии Маъмуна были посеяны сорта озимой пшеницы "Дустлик" и "Яксарт" в 2-х сроках (1 октября и 10 октября), по норме 5 млн. штук семян на гектар. Контрольным сортом озимой пшеницы был сорт "Краснодарская-99", а также сорт озимой пшеницы "Гром", созданный в Российской Федерации, который в последнее время высевается в Хорезмской области. Сразу после посева произвели полив. Перед посевом было внесено минеральное удобрение (аммофос) в норме 90 кг на гектар. Все варианты расположены в 4-х повторностях, методом делянки и в смешанном порядке. Площадь делянки составляет 25 м² (10х2,5м). Все агротехнические приёмы проведены согласно правилам, принятых в Хорезмской области.

При сроке посева 1 октября количества зерна на каждом колосе составили в среднем 34—38 шт. Ко-

личества продуктивных стеблей в 1 м² в среднем составили на промежуток 542—611. При этом самыми продуктивными оказались сорта "Яксарт—611" и "Дустлик—596", а самые низкие показатели продуктивности стеблей у сортов "Гром—542" и "Краснодарская—99" — 565. Вес 1000 семян составил в среднем 35,2—40,1 гр., при этом самый высокий показатель у сортов "Яксарт" (40,1 гр.), "Краснодарская—99" (39,5 гр.), "Дустлик" (39,0 гр.). Урожайность зерна в среднем составила 62,4—65,5 ц/га. Самыми урожайными оказались сорта "Яксарт" — 65,5 ц/га и "Дустлик" — 65,0 ц/га. Самая низкая урожайность зерна наблюдалась у сортов пшеницы "Гром" — 62,4 ц/га и "Краснодарская—99" — 63,0 ц/га.

В заключении можно сделать вывод, что для интенсивного роста, развития, формирования и получения стабильных урожаев озимой пшеницы с хорошими посевными и технологическими качествами на орошаемых аллювиально-луговых почвах Хорезмской области рекомендуется возделывание импортозамещающих местных сортов озимой пшеницы "Яксарт" и "Дустлик", которые не уступают зарубежным сортам по качественным и хозяйственно-ценным признакам. Посев нужно проводить 1 октября (как наиболее оптимальный срок) с нормой высева 180—200 кг/га, (5 млн. штук семян на гектар).

Ш.КАДИРОВ,

к.с.х.н.,

Н.ХАМРАЕВ,

ст.науч. сотр.,

Хорезмская академия Маъмуна

ЛИТЕРАТУРА

1. Даюк П.В и др. Оценка состояния посевов озимой пшеницы по фазам вегетации в условиях Центрального района Нечерноземной зоны (методика). Рязанский НИПТИ АПК, 2007.
2. Ториков В.Е. Нормы и сроки посева зерновых // Зерновые культуры. — 1993. — № 1. — С.26 — 28.
3. Кадилов Ш.Ю., Машарипов И.Г., Абдурахимов У.К. Влияние сроков сева на урожайность зерна местных сортов озимой пшеницы в условиях Хорезмской области // Материалы XII Международной научно-практической конференции. Книга 2. — Барнаул, 2017 г. 7—8 февраля, 129 с.

РАЗВИТИЕ ОРОСИТЕЛЬНОЙ СИСТЕМЫ В УЗБЕКИСТАНЕ

Without an understanding of today's problems in the Central Asian region and the reasons for their occurrence, it is impossible to find alternative ways out of the situation created in the engineering aspect.

Оросительная система — это сложный комплекс гидротехнических сооружений для подачи воды на любые участки земли в определенное время и в нужном количестве. Эта задача затрудняется тем, что режим подачи воды меняется во времени довольно часто и требует перестройки работы сооружений в ходе их эксплуатации. Следовательно, нужны практически непрерывные наблюдения за множеством узлов и отдельных сооружений. Сложность состоит еще и в том, что расстояния между отдельными узлами и сооружениями на системах значительны. Следовательно, состояние дел в вопросах мелиорации региона определяется, прежде всего, не столько в количестве воды, сколько способом ее использования.

Попытки решить проблему эффективного использования воды на полях вначале были связаны с чисто экономическими причинами — низкой урожайностью сельскохозяйственных культур при самотечных поверхностных способах полива в производственных условиях, по сравнению с потенциальными возможностями почв региона. Однако с ростом дефицита оросительной воды и ухудшением ее качества стало очевиднее, что происходит стремительное усугубление проблемы.

В 1960—1990 годы все настойчивее становятся попытки найти более рациональные способы полива, позволяющие полнее удовлетворять требования сельскохозяйственных культур по водному и солевому режиму почвы при минимальных загрязнениях окружающей среды.

Рациональное использование водных ресурсов при минимальных потерях воды зависит от технического состояния и управления оросительных систем.

В настоящее время к недостаткам управления водораспределением на оросительной системе можно отнести:

— технологически необоснованное завышение заборов воды в оросительную сеть, что приводит к излишним затратам на ее транспортировку, образованию дефицита для потребителей и непроизводительным сбросам, а также возможности возникновения аварийных ситуаций, связанных с возможными переливами или опорожнениями каналов;

— поддержание в бьефах каналов завышенных командных уровней, способствующих увеличению фильтрационных процессов, приводящих к повышению уровня грунтовых вод и подтоплению прилегающих территорий;

— низкую оперативность управления подачей воды водопользователям, приводящую к нарушению сроков и норм полива и, в конечном итоге, к снижению урожайности или гибели сельскохозяйственных культур.

Сведение потерь оросительной воды к минимуму, обеспечение соответствия объемов водозабора и водопотребления возможно при условии существенного повышения качества управления процессами водораспределения путем автоматизации узловых сооружений оросительной сети.

При автоматизации особое значение должно придаваться средствам математического описания и алгоритмизации процессов, происходящих в системе управления водораспределением. С одной стороны, они должны обеспечивать возможность имитационного моделирования поведения системы в различных режимах работы, с другой — обеспечивать достаточную точность расчета уровней, расходов и

др. параметров, обладать достаточным быстродействием, учитывать особенности конкретной оросительной системы, быть простыми в реализации.

Чтобы сохранить постоянным расход, проходящий через сооружение во время эксплуатации, необходимо маневрировать затворами на сооружениях.

Для автоматизации этого процесса разработано много различных конструкций водомерных устройств и приборов, основанных на общеизвестных гидравлических принципах.

Поэтому, как правило, при осуществлении любого этапа автоматизации оросительных систем или ее звеньев следует предусмотреть возможность перевода их на более высокий этап автоматизации без реконструкции. Однако следует все же точно определить ожидаемый высший этап автоматизации на данном звене, чтобы не вызвать ненужного осложнения объекта. Например, водовыпуск во временный ороситель (при поверхностных способах полива или при дождевании передвижными агрегатами), оборудованный гидроавтоматом постоянного расхода, вряд ли имеет смысл контролировать и управлять из диспетчерского пункта, так как управление таким водовыпуском сводится к включению его в работу в начале полива и выключению сооружения после окончания работы поливальщика, что может сделать сам поливальщик. Этот пример приведен не случайно, ведь таких сооружений на водораспределительной сети большинство.

М.ХАМИДОВ,
д.с.х.н., профессор,

И.УРАЗБАЕВ,
ассистент, ТИИИМСХ.

ЛИТЕРАТУРА

1. Криулин К.Н. Мелиорация земель. Эксплуатация и автоматизация гидромелиоративных земель. — Санкт-Петербург: изд-во СПбГПУ, 2004 г.
2. Аскаралиев Б.О. Анализ эффективности использования воды на оросительной системе реки Сокулук Чуйской долины Кыргызстана.
3. Бочкарев Я.В. Основы автоматики и автоматизации производственных процессов в гидромелиорации. — М.: Колос, 1981. — 168 с.

КУЗГИ БУҒДОЙДА ҚўЛЛАНИЛГАН МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР МЕЪЁРЛАРИНИНГ ТУПРОҚДАГИ НИТРАТЛИ АЗОТ ДИНАМИКАСИГА ВА ДОН ҲОСИЛИГА ТАЪСИРИ

*The field experiment results carried out in conditions of the old irrigated typical seirozem of Tashkent Province revealed that application of mineral fertilizer with rate of N180P120K90 kg ha⁻¹ in winter wheat (*Triticum aestivum* L.) resulted in the highest grain yield (6.94 t ha⁻¹). The grain yield was higher for 4.48 t ha⁻¹ compared to control (fertilizer free treatment).*

Тупроқ унумдорлигига боғлиқ ҳолда ғўза мажмуасига кирадиган, экинлар ҳосилдорлиги ва сифатини оширишни таъминлайдиган алмашлаб экишнинг бир неча қисқа ротацияли мақбул (2:1; 1:1:1; 1:1 ва ҳоказо) тизимлари яратилди. Шу билан бирга ушбу яратилган тизимда тупроқ унумдорлигини сақлайдиган ҳамда оширадиган экинларни парваришlash агротехнологиялари ишлаб чиқилди (Холиқов, 2007).

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ушбу алмашлаб экиш тизимларида парваришланаётган экинларда маъдан ўғитларнинг қўллаш муддатлари ва меъёрлари тўғрисида бир қанча изланишлар олиб борилган бўлса-да, ҳали ушбу йўналишда илмий асосни талаб қиладиган бир қанча долзарб масалалар мавжуд.

Ушбу масалаларга ойдинлик киритиш мақсадида, узоқ йиллардан буён ПСУЕАИТИ (собик ЎзПИТИ) тажриба участкасининг эскирдан суғориб келинаётган типик бўз тупроқлари шароитида олиб борилган илмий изланишларда кузги буғдой+такрорий экин-маккажўхори: ғўза (1:1) ва кузги буғдой+такрорий экин-мош:ғўза (1:1) тизимларида экиладиган кузги буғдойда маъданли ўғитларнинг турли меъёрлари қўлланилганда тупроқ таркибидаги нитратли азот миқдорларининг динамикасини ўргандик.

Изланишларда тажриба ўтказиш, фенологик кузатув, тупроқ ва ўсимлик намуналари олиш "Методика полевых опытов" (Доспехов, 1985), "Методика Государственно-го сорта испытания сельскохозяйственных культур" (1964) ва "Дала тажрибаларини ўтказиш услублари" (2007) қўлланмаларига асосан ўтказилди.

Тажриба қўйишдан олдин туп-

роқнинг дастлабки агрохимёвий хусусиятларига кўра, тупроқнинг 0-30 см қатламидаги чиринди миқдори 1,071% ни, умумий азот 0,096 ва умумий фосфор 0,111% ни ташкил этган бўлса, N-NO₃ -10,9 мг/кг, P₂O₅ 18,0 ва K₂O 125 мг/кг ни ташкил этди.

Кузги буғдой тажриба тизимида кўра 4 та вариантдан иборат бўлиб, ҳар бир вариант эни -28,8 м, узунлиги -40 м, умумий майдони -1152 м². Тажриба 3 такрорланишда бўлиб, умумий майдони -13824 м² ташкил қилади (жадвал).

Олинган маълумотларга кўра, кузги буғдойнинг тупланиш даврида вариантлар бўйлаб N0P0K0 кг/га бўлган 1-вариантда тупроқнинг 0-30 см қатламида 2,9 мг/кг миқдорда нитратли азот бўлса, N120P80K60 ва N180P120K90 кг/га бўлган 2 ва 3 вариантларда 10,0 ва 12,8 мг/кг ни, N240P160K120 кг/га бўлган 4 вариантда эса 13,5 мг/кг ни ташкил этган бўлса, найчалаш даврига келиб, N-NO₃ миқдорлари туплаш даврига нисбатан камайганлигини кузатишимиз мумкин (1 вар-2,8; 2 вар-8,9; 3 ва 4 вар-11,8 мг/кг).

Кейинги (сут-мум ва тўла пишиш) даврларда N-NO₃ миқдорлари камайганлигини кўришимиз мумкин. Бу албатта ўсимликларнинг озиқа моддаларнинг ўзлаштириш қонуниятига тўғри келади.

Лекин, шундай бўлса-да, ўсимликнинг барча ривожланиш даврларида N-NO₃ нинг энг юқори миқдорини назорат вариантга нисбатан кузги буғдойга маъдан ўғитлар меъёри N240P160K120 кг/га қўлланилган 4-вариантда (туплаш-10,56; найчалаш-9,07; бошоқлаш-5,30; сут-мум пишиш-3,71 ва амал даври охири-2,52 мг/кг) кузатилган бўлса ҳам, маъданли ўғитлар меъёри N180P120K90 кг/га қўлланил-

ган (3) вариантда ҳам айнан тупроқнинг ушбу қатламида 4-вариантга яқин, яъни унга нисбатан N-NO₃ миқдорлари кўп фарқ қилмади (туплаш-0,73; найчалаш-0,03; бошоқлаш-0,25; сут-мум пишиш-0,14 ва амал даври охири-0,46 мг/кг).

Албатта, қўлланилган ўғит меъёрларининг самарадорлиги ҳосилдорлик билан боғлиқ бўлиб, тажрибада ҳеч қандай ўғит қўлланилмаган 1-вариантда олинган дон ҳосили гектарига 24,6 центнерни ташкил этган бўлса, тажрибанинг 2-вариантида, яъни гектарига N120P80K60 кг қўлланилганда дон ҳосили 62,9 центнерни ташкил этди. Бу назоратга нисбатан 38,3 ц/га қўшимча дон ҳосили ҳисобланади.

Маъданли ўғитлар N180P120K90 кг/га қўлланилган (3) вариантда олинган дон ҳосили тажриба вариантлари ичида энг юқори (69,4 ц/га) кўрсаткични, назорат вариантга нисбатан қўшимча 44,8 ц/га ташкил этиб, қўлланилган N180P120K90 кг/га маъдан ўғит таъсири билан боғлаймиз.

Маъдан ўғитларнинг энг юқори меъёрлари (N240P160K120 кг/га) қўлланилган вариантда эса 65,2 ц/га дон ҳосили олинди, назоратга нисбатан 40,6 ц/га қўшимча дон ҳосили олинган бўлса-да, N180P120K90 кг/га қўлланилган вариантга нисбатан 4,2 ц/га кам дон ҳосили олинди.

Демак, кузги буғдойда маъданли ўғитлар меъёрларининг N240P160K120 кг/га қўлланилганда, яъни қўшимча N60P40K30 кг/га ортиши унинг дон ҳосилининг ортишига ижобий таъсир қилмаган.

Д.ҒОҒУРОВ,

катта илмий ходим изланувчи,
ПСУЕАИТИ,

О.ХОЛЛИЕВ,

магистр, ТошДАУ,

С.ҲАЙДАРОВА,

мустақил тадқиқотчи.

АДАБИЁТЛАР

1. Халиков Б.М. Ўзбекистоннинг суғориладиган ҳудудларида ғўза ва ғўза мажмуидаги экинларни қисқа ротацияда алмашлаб экишда тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишининг илмий-амалий асослари. Қ.-х фан. док. дисс. автореферати. - Тошкент: ЎзПИТИ, 2007. 42 б.

2. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. - Тошкент, 2007. 147 б.

ЭЛЕКТРОН ХАРИТА ЯРАТИШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ТЕХНОЛОГИЯ ВА ДАСТУРЛАР

The process of applying achievement of science and technologies, new techniques and advanced technologies, especially electronic maps to the production is strengthening year by year. However, it must be mentioned that before the process of creating electronic maps it is disclosed in the article that the issue of using new tools and programmers opens up the ways of development of the spheres.

Бугунги кунда юқори аниқликдаги геодезик асбоб-ускуналар, яъни электрон тахометрлар, теодолитлар ва GPS спутникли қабул қилгич (приёмник)лар ҳамда нивелирларнинг янги тури — электрон рақамли нивелирлар ишлаб чиқаришда кенг қўлланилмоқда.

Шунингдек, юртимиздаги ҳар бир соҳа АКШ, Швейцария, Япония, Хитой давлатлари фирмаларининг GPS-приёмниклари, электрон тахометрлари, рақамли нивелирлари билан таъминланган. Бундан ташқари замонавий рақамли ва электрон, топографик хариталарни яратишда "Delta Scan5 Auto" ва "Delta Geosystema" (Украина) сканерларидан фойдаланилмоқда. Аэрофотосъёмкалар эса Австриянинг "Vexcel Imaging" фирмасининг "ULTRA CAMX" аэрофотокамералари ёрдамида амалга оширилади.

Хариталарни тузиш ва нашр қилишда замонавий ЭҲМлар қўлланилса, ишлар бирмунча осонлашади. Бундай ЭҲМлар қўлланилиши натижасида электрон хариталарни яратиш, уларга оператив ўзгартишлар киритиш, кадастр ишларини мукамал даражада олиб бориш имконини яратади.

Замонавий асбоблар (GPS, теодолит-тахометрлар) геодезик таянч шохобчаларни ҳосил қилиш, жой планини чизиш, участкалар майдонини ҳисоблаш ишлари олиб боришни анча енгиллаштиради.

Ўтган асрнинг якунида, дунёнинг 2 та эксплуатацион космик системаси ихтиро қилинди, бу илмий-техник даражадаги жараёнларни кўрсатиб беради. Американинг Global Positioning System ва Россиянинг Глобал системаларининг (ГЛОНАСС) афзаллиги ва ушбу тизимлардан фойдаланиб, нуқталарнинг координаталарини аниқлаш, глобаллик, тезкорлик, оптимал аниқлик ва натижанинг мукамаллиги ҳамда бир қанча топогеодезик ишларни ҳам бажариш имконини беради.

Яна бир муҳим томони шундаки, анъанавий геодезик ўлчашларни GPS-приёмникларининг ўзи амалга оширади.

Улар нуқталарнинг координаталарини ер юзасининг хоҳлаган жойида, хоҳлаган вақтда ва турли об-ҳаво шароитида аниқлаши мумкин. Координатларни топиш аниқлиги — 1 мм дан 100 м гача бўлиб, GPS асбобининг типига, аниқлигига ва ўлчаш методикасига боғлиқдир. GPS приёмниклари анъанавий асбоблар ва услублардан қуйидаги кўрсаткичлари бўйича фарқ қилади:

— нуқталар орасида кўриниш бўлиши шарт эмас ҳамда ушбу асбоб билан хоҳлаган вақтда, турли жойларда ва ноқулай об-ҳаво шароитларида ҳам ишлаш имконини беради;

— нуқтанинг координаталарини топишда юқори аниқликка эришилади ва улар билан иш қисқа вақтда юқори тезликда бажарилади ҳамда нуқталар планли ва баландлик координаталари билан аниқланади;

Республикамиз рельефи ва об-ҳаво шароитини инобатга олган ҳолда, замонавий геодезик асбоб-ускуналарни қўллаш зарурлигини кўрсатади. Бундан ташқари, геодезик ўлчаш ишларини олиб бориш, катта харажат ва кўп вақтни талаб қилишини ҳам эътиборга олишимиз зарур.

Ҳудуднинг картасини тузишда, жойдаги баландлик нуқталарини ва координаталарини аниқлаб олиш керак бўлади. GPS приёмниклари билан аниқланган нуқтанинг (х,у) текислигидаги координатаси ва баландлиги аниқ бўлган пунктлардан фойдаланиб, бошқа нуқталарнинг координаталари ва баландликлари аниқланади. Маълум нуқталарни координаталари бўйича, фотопланга баландликларини қўйиб чиқиш орқали, уч ўлчамли схематик хариталар тизимини яратишда қўл келади. Тайёр бўлган фотоплан плоттер ёрдамида сканер қилиниб,

компьютерда рақамлар қўйилиб, бир хил масштабга келтирилади ва карталар ҳозирги кунда "ArcGIS" дастуридан фойдаланиб чизилади.

Бу дастур электрон рақамли карталарни тузишда фойдаланиладиган дастурлардан биридир. Ушбу дастурнинг яна бир афзаллиги шундаки, ушбу дастурдан олдин яратилган "PANORAMA" дастурида битта картани яратиш учун кетадиган вақтда "ArcGIS" дастурида икки-учта картани бемалол чизиб тугатиш мумкин. Умуман олганда, "ArcGIS" дастурининг яратилиши, ундан тўлиқ фойдалана олиш, иш унумдорлиги ҳозирги замон талабларига тўлиқ жавоб бера олади деб, ҳисоблаш мумкин. Юртимизда компьютер технологияларининг жадал суръатлар билан ривожланиши, ишлаб чиқаришнинг ўсиши "ArcGIS"га ўхшаши янгидан-янги дастурлар яратиш имконини янада кенгайтirmoқда.

Хулоса қилиб айтганда, электрон рақамли карталарнинг компьютерлар орқали, махсус дастурларда тузилиши, кўплаб қулай имкониятларни яратади, жумладан, карталардаги ахборотларни қайта ишлаш ва тақдимот тезлигини таъминлайди. Бундан ташқари, аҳоли жойлашуви, иш билан таъминланганлик даражаси ва бошқа ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар кўп поғонали тизимда жамланганлиги учун, картографик тадқиқот усуллари билан фойдаланиб, электрон рақамли карта ва планларни тузиш яхши самара беради. Электрон рақамли карталардан фойдаланиш, кенг имкониятларни яратиб бериши билан бирга, бир қатор техник ва молиявий маблағларни тежаш имкониятини ҳам яратди.

С.АБДУРАХМОНОВ,

"Геодезия ва ер кадастри"
кафедраси ўқитувчиси,

Ж.БОЙҚУЛОВ, Н.АВИЛОВА,

ТИМИ талабалари.

АДАБИЁТЛАР

1. Э.Сафаров. Географик ахборот тизимлари: Ўқув-услубий қўлланма. Тошкент "Университет", 2010 й.
2. www.bnuz.com, www.ab-pro.com, www.calib.uz, www.stat.uz.

ҚОРАҚҶЛ ТЕРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

Economical efficiency of innovative technologies for processing of karakul pelts are summarized.

Ўзбекистон чўл-яйлов чорвачилиги чўл аҳолисининг озиқ-овқатга, енгил саноатнинг хомашёга бўлган талабини қондиришда мушам аҳамият касб этади.

Республикада етиштирилаётган қоракўл териларини қайта ишлаш, ошлаш ва улардан жозибатор, бозор ва экспортбоп буюмлар тайёрлашнинг имконияти бўлмаганлиги сабабли дастлабки консервалаш билан якунланмоқда, холос. Шу вақтгача қоракўл териларни ошлашни амалга ошириб келган мамлакатда ягона бўлган "Бухоро қоракўл" акциядорлик жамияти 1991 йилда 1073,1 минг дона тери ошлаган бўлса, 2001 йилга келиб атиги 168,1 минг дона тери ошлаган. Бугунги кунда эса замон талабларига жавоб бермаганлиги туфайли ўз фаолиятини бутунлай тўхтатган. Ҳозирда қоракўл териларни ошлаш ва тайёр ҳамда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан бир неча ўнлаб, кам қувватга эга бўлган, қолоқ технология билан жиҳозланган кичик корхоналар шуғулланишмоқда. Кичик корхоналарнинг фаолиятлари таҳлили шуни кўрсатдики, бир дона ошланган қоракўл терини ўртача 11-12 доллардан четга сотишмоқда.

Ошланган тери дастлабки консерваланган терига нисбатан 1,7-1,8 марта, буюмга айланганлиги эса корхонага 3 баробардан кўп даромад келтирмоқда.

Бухоро шаҳрида жойлашган "Меҳовая Мода" МЧЖ қоракўл териларни қайта ишлашнинг такомиллаштирилган технологиясини қўллаётган кичик корхоналардан бири ҳисобланади. Бу корхона 321254,7 минг сўмлик асосий воситаларга эга Корхонада 5 киши иш билан банд ва йилига 10000 дона қоракўл терини қайта ишлаш қувватига эга. Хомашёни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг янги мукамаллашган технологияларини жорий этиш меҳнат унумдорлигини 8-10 марта ошириш имконини берди. МЧЖ қайта иш-

ланган қоракўл териларнинг 50-55 фоиздан 20 турдан ортиқ эркак ва аёллар устки кийимлари ҳамда 15 турдан ортиқ бош кийимлар ишлаб чиқаради, қолган қисмини ошланган шаклда ички ва ташқи бозорларда сотилишини амалга оширади. Тайёр маҳсулотларни ва ошланган қоракўл териларни Россия, АҚШ, Хитой, Озарбайжон каби мамлакатларга экспорт қилмоқда. Ошланган териларнинг бир донасини ўртача 11 доллардан экспорт қилган ҳолда Афғонистондан афғон кўк қоракўл терисининг бир донасини 20 доллардан харид қилмоқда. Бундан кўришиб турибдики, афғон қоракўл териси сифати юқорилиги ҳисобига деярли икки баробар юқори сотилмоқда. Демак, ўзбек қоракўлчилигида наслчилик ва селекция ишларини тубдан яхшилаш лозим.

Ўтказилган сўровлар натижасига кўра, бугунги кунда қоракўл териларни қайта ишлаш билан Бухоро вилоятида 100-105 та якка тадбиркор, жисмоний шахс ва кичик корхоналар шуғулланишмоқда. Улар томонидан 250,0-300,0 минг дона қоракўл терилар оддий технологияларда қайта ишланмоқда.

"Меҳовая Мода" МЧЖда қоракўл теридан тайёр буюмлар тикишга сарфланган харажатлар ва уларни сотишдан олинган даромадлар таҳлили кўрсатдики, "Ира" номли шуба тайёрлаш учун 25 дона қора қоракўл терилари ишлатилган харажат 950,0 минг сўмни ташкил этган. Қоракўл териларни ошлашга 250,0 минг сўм ва уни тикиш учун сарфланган бошқа харажатлар 150,0 минг сўм, шубага сарфланган жами харажатлар эса 1350,0 минг сўмга тенг. Тайёр маҳсулот тайёрлашга сарфланган харажатларнинг 70,4 фоизи хомашё яъни қоракўл терилар, 18,5 фоизи териларни ошлаш, 11,1 фоизи иш ҳақи ва моддий харажатлар ҳиссасига тўғри келган. "Ира" номли шубаларнинг 120 донасини сотишдан корхона 354000,0 минг сўм даромад ва 192000,0 минг сўм фойда олишга

муваффақ бўлган. Эркаклар костюмини тайёрлаш учун 18 дона қора қоракўл терилари сарфланган ва нархи 668,0 минг сўмни, уларни ошлаш харажатлари 180,0 минг сўмни, иш ҳақи ва моддий харажатлар 108,0 минг сўмни ёки жами харажатдаги улушлари мос равишда 69,9 фоиз, 18,8, ва 11,3 фоизни ташкил қилган. 10 дона эркаклар костюмини сотишдан 31336,0 минг сўм даромад ва 21776,0 минг сўм фойда олган ва рентабеллик даражаси 127,8 фоизни ташкил этган. Кўк қоракўл теридан тайёрланган шубанинг рентабеллик даражаси 93,0, сур қоракўл теридан тайёрланган буюмники эса 275,0 фоизга тенг бўлган.

Корхона қора рангли қоракўл терининг бир донасини ўртача 38,0 минг сўмдан харид қилган ва улардан "Ира" номли шуба тайёрлаб, бир донасини ўртача 118,0 минг сўмдан ёки 3,1 марта юқори баҳода сотишга муваффақ бўлган. Натижада буюмга айланган бир дона қоракўл теридан ўртача 64,0 минг сўм фойда олинган ва унинг рентабеллик даражаси 118,5 фоизни ташкил этган. Буюмдаги кўк қоракўл терилар бир дона уни сотиб олиш нархига нисбатан деярли 2,3 марта ва сур эса деярли 7,7 марта юқори нархларда сотилган. Бу омил ўз навбатида бир дона буюмлаштирилган кўк қоракўл теридан ўртача 98,5 минг сўм ва сур теридан 253,8 минг сўм фойда олишни таъминлаган ва рентабеллик даражаси мос равишда 93,3 ва 275,0 фоизга тенг бўлган.

Юқорида кетирилган таҳлилий маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, мамлакатимиз чўл минтақаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини тезлаштириш бевосита чўл-яйлов чорвачилиги маҳсулотларини жойларнинг ўзида қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш тизимини шакллантиришга боғлиқ.

А.ТАНГИРОВ,

и.ф.н, доцент, Қоракўлчилик ва чўл экологияси ИТИ.

АДАБИЁТЛАР

1. Карпов В.А. Организация переработки сельскохозяйственной продукции: Пособие. Часть 1 - Мн.: ГУ "Учебно-методический центр Минсельхозпрода", 2006. - 191с.
2. Каюмов Ф.К. и др. Каракулеводческий подкомплекс и его роль в формировании конъюнктуры рынка. Т. "Узинформпрогресс". 1993 г.

ИНСОНДАН ОЛАМГА, ОЛАМДАН ИНСОНГА

Сунъий гўштга тобингиз қалай?

Нидерландиядаги Лейден университети олимлари озиқ-овқат саноатида оламшумул янгилик бўлиши кутилаётган синтетик гўшт формуласини ишлаб чиқишди. Бу сунъий гўшт ҳайвон гўшти ўрнини бемалол ботиши мумкин, деб ҳисоблашмоқда ихтиро муаллифлари.

Доктор Петер Шмеердеджик бу фаолият қандай амалга ошишини шундай изоҳлади: "Биз, аввалаги, тўқима ҳужайраларини ўстирамиз. Биомасса маълум ҳажмга етгач, уни махсус қутига солиб, ўстиришда давом этамиз".

Янги лойиҳанинг улкан имкониятларига қарамай, баъзи олимлар сунъий гўшт етиштириш бўйича ушбу тажрибани ақсизлик деб таърифлашмоқда.


Лойиҳа имкониятларининг катталигига олимлар шубҳа қилишаётгани йўқ. Лойиҳа раҳбарининг сўзларига қараганда, бундан буён жаҳон бозорида гўштга бўлган талаб фақатгина ортиб боради. Бу ҳол шундай давом этса, яқин йилларда гўшт нархи кескин кўтарилиши кузатилиши мумкин. Бугун қишлоқ хўжалигининг 70 фоиз имконияти чорвачиликни ривожлантиришга қаратилган. Аксинча, ҳайвонсиз гўшт етиштириш атроф-муҳитга етказилаётган зарарни юз мартагача камайтириши мумкин экан. Ўтган йили Оксфорд университетида ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, лаборатория шароитида гўшт етиштириш метаннинг атмосферага чиқишини 96 фоизга камайтиради. Шунингдек, сунъий гўшт ишлаб чиқариш учун табиий гўшт етиштиришга қараганда электр энергияси 45 фоиз кам сарфланади, 99 фоиз ер, 96 фоиз сув тежалди.

Балиқларни асрайлик

Бугун балиқ саноатида жиддий ислохотлар ўтказилмас экан, 2050 йилга келиб инсоният овланадиган балиқларнинг бутунлай йўқ бўлиши билан боғлиқ муаммага дуч келиши мумкин. Бу маълумот БМТ экологларининг ҳисоботида тақдим қилинди.

Экологлар ҳамда мустақил экспертларнинг маълумотларида тижорат учун балиқ овлаш саноатининг доимий равишда ўсиб бориши натижасида, балиқ захиралари 30 фоизга камайиб кетганлиги қайд этилган. Айни вақтда балиқ овлаш ҳажми белгиланган миқдордан 50–60 фоиз ошиб кетган. Бугун балиқ саноатида бевосита ёки билвосита 170 миллион нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Тўғридан-тўғри балиқ овлаш билан 35 миллион киши банд.

Ҳисобот тузувчиларнинг огоҳлантиришларича, тезлик билан ушбу соҳада балиқ захираларини ошириш, балиқ кўпайтириладиган жойларни кенгайтириш ва атроф-муҳитни тоза сақлаш каби ишлар амалга оширилмас экан, яқин қирқ йил ичида денгиз ва кўлларда балиқ овлашни фақат орзу қилиш мумкин бўлиб қолади. Шунингдек, бу ерда нафақат экологик, балки иқтисодий хавф тўғрисида ҳам гап бормоқда. Негаки, миллиардлаб аҳоли учун, айниқса, қашшоқ мамлакатларда балиқ муҳим емиш ҳамда асосий оқсил манбаи бўлиб хизмат қилади.



"Охир замон" ўсимликлар омборхонаси

Маданий ўсимликлар хилма-хиллигини асраш ва сақлаш мақсадида барпо этилган "Охир замон" омборхонаси бу йил яна ярим миллион уруғ намуналари билан бойиди. Омборхонага олиб келинган охириги намуналар Россиядан келтирилган ёввойи қулупнай ва немис пушти ранг помидори уруғи бўлди.

Ушбу улкан қишлоқ хўжалик маданий экинлари уруғларининг омборхонаси 2008 йилнинг февраль ойида Норвегиянинг Шписберген оролида, Шимолий кутбдан минглаб километр узоқликда очилган эди. Унинг ташкилотчилари ўсимлик дунёсини уруш, иқлим ўзгариши ва бошқа глобал ҳалокатлар натижасида йўқолиб кетишидан сақлаб қолишни ўз олди-ларига мақсад қилган.

Икки йил аввал омборхонада атиги 400 мингга яқин маданий уруғ намуналари бор эди. Бугун эса уларнинг сони ярим миллионга етган. Омборхонага 4,5 миллион уруғни сифдириш мумкин.

Шписберген қояси ўйиб қурилган ушбу иншоот дунёдаги турли уруғ сақланадиган бошқа омборхоналардан ўзининг мустақамлиги билан ажралиб туради. У ҳатто атом уруши ва ҳавонинг глобал исиб кетиши каби ҳалокатларга ҳам дош бера олади.

Шиллиққурт - балиқ, сабзи-мева

Французлар шарофати билан зоологияда таснифлар бўйича ўзгаришлар юз берди. Эндиликда Европа Иттифоқида шиллиққуртлар моллюскалар ўрнига балиқлар синфига киритилади.

Французларнинг илтимосига кўра, Еврокомиссия шиллиқ қуртларни балиқлар синфига ўтказишга қарор қилди. Бу каби янгиликни жорий этишдан мақсад бит-



та: шиллиққуртларни кўпайтирувчи француз хўжалик-лари балиқ етиштирувчилар каби имтиёзларга эга бўлишидан иборат. Шиллиққуртларни балиқ, деб ҳисоблаш фақат Европа Иттифоқи ҳудудида амал қилади, холос.

Расмий Брюсселнинг бу каби қарорлари биологларни биринчи марта ҳайрон қолдираётгани йўқ. Бундан аввалроқ Еврокомиссия сабзини сабзавот эмас, мева деб эълон қилганди. Гап шундаки, Испанияда сабзи мураббоси жуда машур бўлиб, Европа Иттифоқида эса мурабболар фақат мевалардан тайёрланади.

СвагБот - фермерларбоп робот

Сидней университети профессори Салах Суккаки ажойиб лойиҳага раҳбарлик қилмоқда. Бу лойиҳа фойдали қазилмаларни қазиб олиш, авиация учун роботлар ишлаб чиқариш, фермерлар учун автоматлаштирилган тузилмалар яратиш вазифаларини ўз ичига олади. Салахнинг қўл остида 130 нафардан зиёд муҳандис ва тадқиқотчилар фаолият юритади.

Жорий йилда у ўз роботи - СвагБотни Австралиядаги фермер хўжаликларидан бирида илк бор синовдан ўтказди. Тадқиқот натижаларига кўра, робот фермерлар учун жуда фойдали эканлиги маълум бўлди. Агар мазкур роботларни оммавий тарзда ишлаб чиқариш йўлга қўйилса, фермерлар СвагБотга уланган камера ёрдамида ўз молларини қийинчиликсиз кузатишлари, ҳатто махсус бошқарув тузилмаси орқали узоқ масо-



фадан туриб уларни ўтлатишлари мумкин бўлади.

СвагБот - етарли даражада катта қувватга эга ва кўп маблағ талаб қилмайдиган роботдир. У чуқурлик, зовур, дўнгликлар кўринишидаги турли мураккаб тўсиқлардан бемалол ўта олади. Айни вақтда профессор ва унинг ҳамкорлари роботдаги одам иштирокисиз бажариладиган автоматик вазифалар сонини кўпайтириш устида иш олиб боришмоқчи.

СвагБотнинг тезлиги соатига 15-20 километр бўлиб, у тўлиқ электрон узатма билан таъминланган.

Отни мушук ва ит билан тенглаштиришмоқчи

Италия парламентида отларни гўшт учун кўпайтиришни ва от гўштини сотишни таъқиқловчи қонун лойиҳаси келиб тушган. Бу ташаббусни қишлоқ хўжалиги вазири ҳамда кўплаб депутатлар ҳам қўллаб-қувватламоқда.

Мамлакат қишлоқ хўжалиги вазирининг сўзларига қараганда, отларни ўлдириш ва истеъмол қилиш мумкин эмас. Улар билан "мушук ва итлар каби муносабатда бўлиш керак".

От гўшти темир моддасига жуда бой. Шу боис ҳар йили италияликлар томонидан 48 минг тонна от гўшти тановул қилинади. БМТ экспертларининг маълумотларига қараганда, мамлакатда ҳар йили 213 мингта от сўйилади.

От гўшти Италиянинг бир қатор ҳудудлари ошхоналарида асосий маҳсулот ҳисобланади. Маҳаллий аҳоли кутилаётган таъқиққа ўз норозилиklarини билдиришди, уларнинг фикрича, бу - халқнинг маданий анъаналарига қарши қаратилган жиддий хавфдир.

От гўшти ўзига хос таъми билан ажралиб туради. У кўчманчи халқларнинг одатий, аммо сеvimли таомларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда от гўшти Қирғизистон, Қозоғистон ва Мўғулистонда кенг истеъмол қилинади. Қишлоқ хўжалиги нуқтаи назаридан отларни етиштириш маҳаллий табиий-географик шароитларга боғлиқ. Масалан, Европада отларни гўшти учун боқиш фақат Венгрияда фойда келтиради. Японияда табиий яйловлар йўқлиги боис, отларни боқиш жуда катта харажатли иш ҳисобланади. Ўрта асрларда у ерда от гўшtidан тайёрланган таомлар мисли кўрилмаган даражада ноёб ҳисобланиб, фақатгина шаҳзодаларнинг тахтга чиқиш маросимларидагина дастурхонга тортилган.

Мол зарарлими ёки автомобиль?

Атроф-муҳитга етказадиган зарари бўйича ҳайвонлар транспорт воситаларини ортда қолдиришар экан. Масалани ўрганган БМТ экспертлари шундай хулосага келган. Маълум бўлишича, автомобилда 16 километр масофага юрилганда атмосферага чиқарилган газ миқдори 224 грамм гўшт олиш жараёнида чиқарилган газ миқдорига тенг экан. Қандай қилиб оддий сигир атроф-муҳитга шундай зарар етказиши мумкин?

Олимлар туёқдиларнинг туғилишидан тортиб, уларнинг озиқ-овқат бўлиб дастурхонимиздан ўрин олишигача бўлган жараёнини ўрганиб чиқишди. Маълум бўлдики, асосий зарар ҳайвонлар томонидан ейилдиган ўсимлик билан боғлиқ экан. Ўсимликлар карбонат ангидрид ютиш ўрнига ҳайвонларга емиш бўлади. Масалан, ҳайвондан 450 грамм оқсил олиш учун 4,5 килограмм ўсимлик керак бўлади.

Шунингдек, ем ишлаб чиқариш, туёқдилар чиқиндиларидан ажраладиган метан, уларнинг гўштини сақлаш учун музлатгичлардан фойдаланиш каби жараёнларни ҳам ҳисобга олсак, атмосферага етказилдиган зарар борасида ақл бовар қилмас рақамлар келиб чиқади. Умуман, туёқдиларни етиштириш атроф-муҳитга етказилдиган умумий зарарнинг 18 фоизини ташкил қилади. Бу билан у 21 фоиз зарар етказиши туфайли ушбу рўйхатга бошчилик қилаётган электр энергетика соҳасидан салгина ортда қолмоқда, холос. Ундан кейинги ўринларни қайта ишлаш саноати, кончилик, деҳқончилик эгаллаган.

Нима қилмоқ керак? Албатта, иссиқхона учун газларни тутиб қолиш бўйича зарурий чораларни амалга ошириш зарур. Аммо БМТ таҳлилчиларининг фикрича, инсоният гўштни, айниқса, мол гўштини кам ейиш ҳисобига, ўз нафсини жиловлашни ўрганиши лозим. Аммо ким бунга рози бўлади? Бугун дунё бўйича йилига 72 миллион тонна мол гўшти истеъмол қилинади. 2030 йилга келиб эса бу кўрсаткич 90 миллион тоннага етиши кутилмоқда. Бунинг катта қисми Осиё мамлакатларига тўғри келади. Демак, яқин орада атроф-муҳит, табиатга осон бўлмайди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН СУВ ХЎЖАЛИГИ ЖОНКУЯРИ

Сув - бутун жонли мавжудот учун ҳаёт манбаи бўлган тўрт унсурдан биридир. Бу улуг неъматга ҳар ким ҳар хил муносабатда бўлади. Айниқса, сувга алоқадор касб соҳиблари унинг кадрини янада чуқурроқ ҳис этади.

Бу борада Қорақалпоғистон ва Хоразм вилояти аҳли сув илмининг билимдони бўлган Ережеп Курбанбаевнинг минтақа ҳаёти, ишлаб чиқариши йўлидаги фидойилигини хурмат билан эътироф этади. Зеро, бу инсон Орол денгизи қуриши оқибатида экологик жиҳатдан оғир вазият ҳукум сураётган минтақанинг сув муаммолари, таъминоти илми билан қарийб ярим асрдан буён шуғулланиб келмоқда. Бугун биз бу жонкуяр олимнинг 75 ёшга тўлиши муносабати билан муборакбод этмоқдамиз.

Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти қошидаги Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиали директори, техника фанлари доктори, "Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби" Ережеп Курбанбаев 1941 йил Қорақалпоғистон Республикаси Қунғирот туманида хизматчи оиласида туғилган. Олий маълумотли бўлгач, Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли турли идора ва ташкилотларда фаолият олиб борди. 1970 йилдан бошлаб Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтига (собиқ САНИИРИ) 47 йилдан буён илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланиб келмоқда.

1980 йили олим кўп йиллик изланишлар натижасида Озарбайжон Ирригация ва мелиорация илмий-тадқиқот институтида "Қорақалпоғистон

Республикаси шароитида зох ва дренаж тизимларини лойиҳалашнинг илмий-назарий асослари" мавзудаги номзодлик, 1999 йилда эса Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш



муҳандислари институтида "Амударёнинг қуйи қисмида сув кам йилларда сувдан оқилона фойдаланиш масалалари" номли докторлик диссертацияларини муваффақиятли ёқлади.

Е. Курбанбаев 2001-2008 йилларда Бутун Жаҳон сув масалаларини ҳамкорликда олиб бориш бирлашмаси ҳамда, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикасининг сув хўжалиги Кенгаши аъзоси сифатида тармоққа алоқадор кўплаб муаммоларни ечишда жонбозлик кўрсатди. Етук олим ва масъул ижрочи сифатида кўплаб халқаро лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этиб, 180 га яқин сув ва мелиорация масалаларига оид лойиҳаларга раҳбарлик қилди.

Олим жаҳоннинг бир қанча давлатларида, жумладан, Япония, Хитой, Ҳиндистон, Англия, Шотландия, Финляндия ва Марказий Осиё мамлакатларидаги илмий конференцияларда Орол муаммоси, Амударё ва Сирдарё сувларидан оқилона фойдаланиш буйича долзарб маърузалари билан чиқиш қилган.

Ўзининг заҳматли илмий изланишлари самараси ўлароқ кўплаб илмий мақолалар, монографиялар ёзди. Масалан, унинг бошчилигида чуқур, илмий асосга эга Амударё дельтасида сувдан оқилона фойдаланиш ва Орол денгизи ва Ўрта Осиё мамлакатларида сувдан фойдаланиш сиёсати номли монографиялари 2010 - 2011 йилларда чоп этилди.

Ўз мутахассислиги бўйича кўплаб фан номзодлари - қатор шогирдлар тайёрлади. Шу боис, илмий меҳнатлари юқори баҳоланиб, олим 1990 йили "Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби" унвонига сазовор бўлди.

Е. Курбанбаев иш фаолияти давомида эгаллаб турган лавозимларининг вазифаларини замон талаби даражасида сидқи дилдан бажариб келиши, педагог ва мураббий, яхши мутахассис, адолатли, ўзига нисбатан талабчанлиги билан талабалар, профессор-ўқитувчилар орасида алоҳида обрў ва хурматга эгадир.

Бугун қутлуғ 75 ёшни қаршилаётган Е. Курбанбаевга улкан муваффақият, узоқ умр ва янада саодатли ҳаёт гашти насиб этишини тилаб қоламиз.

Б. МАМБЕТНАЗАРОВ,
к.х.ф.д., академик,

Ж. УЗАҚОВ,

Қуйи Амударё Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи.

БИР ЖУФТ КАРТОШКА ТАРИХИ

Ўзбекистон халқи ўта мураккаб ва оғир йилларда республикамиз ривожланиши учун фидокорона меҳнат қилган, ўзининг жамоат ва ижодий фаолияти билан миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига катта ҳисса қўшган давлат арбоби, таниқли ёзувчи Шароф Рашидовнинг хотирасини улуғлаш ва туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан қабул қилинган "Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарорини катта мамнуният билан кутиб олди.



Суратда: (ўнгдан) Ш.Рашидов, М.Мусахонов, Й.Каримов ва Р.Қамбаров.

Мазкур қарор билан танишар эканман, ўтган асрнинг 70-йилларида ҳозирги Зангиота туманида ишлаган йилларимни эсладим.

Ушбу туманга кўп йиллар мобайнида Меҳнат Қаҳрамони Раҳматилла Қамбаров раҳбарлик қилган. Биз — мазкур туманда ишлаётганлар республикамиз раҳбари Шароф Рашидовнинг туманимизга бўлган диққат-эътиборини доимо сезиб турар эдик.

Шу ўринда бироз мезийга назар ташлайлик. Раҳматли отам — Абдулҳақ Тоиров 50-йилларда Зангиота туманидаги М. Горький номи жамоа хўжалиги раиси бўлиб ишлаган эди. 1959 йилда шу ҳудуддаги 4 та жамоа хўжалиги бирлаштирилиб, "XXI партсъезд" номи давлат хўжалиги ташкил этилди. Унинг экин майдони 2269 гектарни ташкил қилар эди.

Кейинчалик, отам ушбу совхознинг директори этиб тайинланди. Совхозга раҳбарлик қилар экан, отам бизларга шогирдларидан бири — хўжаликнинг ёшлар бригадаси етакчиси Раҳматилла Қамбаровнинг ташаббуслари, юқори ҳосил олишда эришаётган ютуқлари ҳақида қувонч ва гурур билан кўп гапирарди.

Шунинг учун, Т.Қамбаров республика раҳбарияти, шахсан Шароф Рашидовнинг назарига тушгани бежиз эмас. Вақти-соати келиб, у ўзининг жонажон хўжалигини бошқарди, 1973 йилнинг бошларидан эса Зангиота туманига раҳбарлик қилди.

Мен яқинда отамнинг кадрдони, Зангиота тумани меҳнат фахрийларидан бири, кўп йиллар давомида туман "Нуроний" жамғармаси раиси бўлган, "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳиби Мирза ота Аҳмедов хонадонидан бўлдим ва у кишининг Шароф Рашидов ва Раҳматилла Қамбаров тўғрисидаги хотираларини тингладим.

У хотираларини сўзлар экан, менга бир қанча фотосуратларни кўришни таклиф этди. Суратлар ичида эътиборимни Шароф Рашидович далада картошка қовлаш жараёнини кузатаётгани тасвирланган лавҳа тортиди. Шу сурат тарихини сўраган эдим, ота бундай ҳикоя қилдилар:

"Туманимиз у пайтларда Калинин (ҳозир Зангиота) номи билан аталар эди. Р. Қамбаров раҳбарлигида йилдан-йилга зафарларга эришилиб, бу ердан



Суратда: (марказда) Ўзбекистон раҳбари Ш.Рашидов Арабистондан олиб келган юқори ҳосилдор картошка нави уруғидан етиштирилган ҳосил қовлаб олинаётганини кузатмоқда. (Фотосуратлар меҳнат фахрийси, "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳиби М.Аҳмедовнинг шахсий архивидан олинди.

янги-янги ташаббуслар чиқавергач, Ш.Рашидовнинг туманимизга, Р.Қамбаровга эътибори янада ортди. У киши йўли тушганда ёки махсус равишда бизнинг туманга келиб турарди, янги серҳосил навлар ҳақида суриштирар эди.

Кунларнинг бирида, Шароф Рашидович Янгийўл туманига ўтиб кетаётиб, бизнинг ҳудудда тўхтадилар. У кишини Р.Қамбаров, ижрокўм раиси А.Абулқосимов, Сабзавот, полиз экинлари ҳамда картошкачилик илмий-тадқиқот институти директори Й. Каримов ва бошқалар кутиб олишди. Шароф Рашидовнинг қўлида икки дона уруғлик картошка бор эди. "Бу сизлар-

га Арабистондан совға. Жуда ҳосилдор нав экан", деди у. Сўнг бир дона картошкани Р. Қамбаровга, бошқасини Й. Каримовга берар экан, уларни кўпайтиришни топширди ва "Кўрамиз, ким тезроқ бу картошкани кўпайтирар экан", деди.

Битта картошка Р.Қамбаров топшириги билан "Ўзбекистон" жамоа хўжалигида экилди. Унинг парваришини туман раҳбари ўз назоратига олди. Бу ҳақда таниқли журналист Юсуф Бердиевнинг "Ҳикматли дунё" (Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси "Фан" нашриёти, 2004) китобида бундай ёзилган: "Натижада ҳосил 48 кг картошкани ташкил этди. Кейинги йил ҳосил янада кўпайди. Ундан кейинги йилда ҳосил ундан ҳам юқори бўлиши кутилди эди. Картошкани қовлаб олишдан олдин Р.Қамбаров Шароф Рашидовични таклиф қилган экан, республика раҳбари тўғри далага етиб келди. У юқори ҳосил олишга эришилганидан жуда мамнун эди. "Мен сизлар албатта юқори ҳосил олишингизга ишонардим. Шунинг учун узоқ мамлакатдан ушбу картошқаларни чўнтагимга солиб, махсус олиб келган эдим. Сизлар мени уялтириб қўймадинглар. Бунинг учун сизларга раҳмат", деди".

Мирза ота Аҳмедов ҳикояларини эшитар эканман, у кишига миннатдорчилик билдирдим ва Шароф Рашидов ҳамда унинг содиқ шогирди Раҳматилла Қамбаров жонбозлигидан лол қолдим.

Шароф Рашидов кўплаб истеъодли раҳбарларни тарбиялади, улардан бири халқимизнинг ажойиб фарзанди Раҳматилла Қамбаров эди. Агар у ҳаёт бўлганида жорий йилда 85 ёшга тўлар эди.

Носир ТОИРОВ,
сийёсатишунос.

ЎЗБЕКИСТОН QISHLOQ ХО‘ЖАЛИГИ

(«Сельское хозяйство
Узбекистана»)

Аграр-иқтисодий,
илмий-оммабоп журнал

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ ва сув хўжалиги
вазирлиги

Бош муҳаррир:

Тоҳир
ДОЛИЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Зойир МИРЗАЕВ

Аброр ВАХАБОВ

Тўлқин САФАРОВ

Шавкат ХАМРАЕВ

Шухрат ТЕШАЕВ

Низомиддин БАКИРОВ

Тўлқин ЭШНАЗАРОВ

Баҳодир ЮСУПОВ

Абдушукур АБДУЛЛАЕВ

Сурат ҲАЙДАРОВ

Ботиржон СУЛАЙМОНОВ

Тоштемир ОСТОНАҚУЛОВ

Шермат НУРМАТОВ

Ўктам УМУРЗОҚОВ

Норкул ХУШМАТОВ

Равшанбек СИДДИҚОВ

Ражаббой ДЎСТМУРОДОВ

Муҳаммаджон ИБРАГИМОВ

2017 йил,
№10. Октябрь

Журнал 1922 йил
октябрдан чиқа бошлаган.

ОБУНА ИНДЕКСИ:
якка обуначилар учун – 894
ташкilotлар учун – 895

МУНДАРИЖА

Т.ДОЛИЕВ. Устоз — тафаккур шамси	1
Фермерлар кенгашиб олишди	2
Ўзбекистон фермер, деҳқон ва томорқа эгалари конференцияси қатнашчиларининг мамлакатимиздаги барча қишлоқ хўжалиги ходимларига мурожаати	3
Мироблик касбидан шараф топиб	4
Т. ШОМУРОДОВ. Ота касбини улуглаётган Улуғбек	4
Х.КАРИМОВ. Сирдарёнинг таваккалчи фермери	5
Бахти қулган аёл	5
С.РУСТАМОВ. Ўзбек заминидан дунё дастурхонига	6
Т.МУҲАММАД. Юксалаётган хирмон	7
Р.НАЗАРОВ, Ш.НАМАЗОВ. Селекционерлардан пахтакорларга	8
Р.АБДУЛЛАЕВ. Дарахтлар ҳам дам олади.. ..	9
Р.ХАКИМОВ, Р. НИЗОМОВ, Ф.РАСУЛОВ, З. ДЕХҚОНОВА. Сабзавот экинларини тўқсонбости муддатда етиштириш	10
М.ТОШБОЛАЕВ, О.ОЧИЛДИЕВ. Мойли экинларни комбайнлар ёрдамида йиғиштириш	12
А.НУРМАТОВ, Б.АЛЛАШОВ, О.ТЎРАЕВ. Чорва қишлоғига тайёрмисиз?	13
Моли соғнинг кунгли чоғ	14
Қиш тадориги	16
Б.ШАРИПОВ. Пиллачилик равнақи янги босқичда	18
О.ТЎРАЕВ, Е. ШУКУРОВ. Асаларичилик: кеча, бугун, эртага	19
М.ЮЛДАШОВ. Балиқчилик истикболи	21
П. ДЎСТМАМАТОВ. Сувчиларнинг ёрдамчи хўжаликлари	22
Ш.ЖАББАРОВА. Жомбой далаларида	23
Ф.МИРЗАЕВ. Баркамоллик остонаси	24
О.СОАТОВ. Агро экспорт салоҳиятини оширишда халқаро стандартларнинг ўрни	25
"Кенг дунё"нинг ибрати	26
К. ЭРГАШЕВ. Наслли чорва – барака калити.. ..	27
Қ.МИРЗАЖОНОВ, А.ХОЛМАТОВ. Фосфогипс захирасидан қандай фойдаланиш мумкин?	28
Ў.УМУРЗАКОВ, А.САЛОХИДДИНОВ. Чекланган сув ресурсларидан фойдаланишда юқори самарадорликка эришиш	29
Ф. МИРЗО. Фаллачиликда калийли ўғитларнинг аҳамияти	32
Деҳқон билан ёнма-ён	33
Мактаб ўқувчиларига стипендия... ..	34
Имкониятлар ғайрат бахш этмоқда	35
Мақсад сари интилиб	36
А.ҚОРАХОНОВ, А.ИБРАГИМОВ. Ғўза қатор оралари ва очиқ майдонларга бир ўтишда ерни тайёрлаб, дон экиб кетадиган комбинациялашган агрегат	37
Д.ЖЎРАЕВ, З.ЗИЯДУЛЛАЕВ. Иссиққа бардошли навларнинг эртапишарлик хусусиятлари	38
Ш.КАДИРОВ, Н.ХАМРАЕВ. Качество и урожайность озимой пшеницы в зависимости от сроков	39
М.ХАМИДОВ, И.УРАЗБАЕВ. Развитие оросительной системы в Узбекистане	40
Д.ГОФУРОВ, О.ХОЛЛИЕВ, С.ҲАЙДАРОВА. Кузги буғдойда қўлланилган минерал ўғитлар меъёрларининг тупроқдаги нитратли азот динамикасига ва дон ҳосилига таъсири	41
С.АБДУРАХМОНОВ, Ж.БОЙКУЛОВ, Н.АВИЛОВА. Электрон харита яратишда қўлланиладиган технология ва дастурлар	42
А.ТАНГИРОВ. Қорақўл терини қайта ишлашда инновацион технология ва унинг иқтисодий самарадорлиги	43
Инсондан оламга, оламдан инсонга	44
Б.МАМБЕТАЗАРОВ, Ж.УЗАҚОВ. Қорақалпоғистон сув хўжалиги жонқуяри	46
Н.ТОИРОВ. Бир жуфт картошка тарихи	47

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 11 январда 0158-рақам билан рўйхатга олинган.

Манзилимиз: 100004, Тошкент Шайхонтохур тумани, А. Навоий кўчаси, 44-уй.
Тел: +998 71 242 13 54,
+998 71 242 13 24.

www.qxjurnal.uz

E-mail: qxjurnal@qsxv.uz,
uzqx_jurnal@mail.ru

© «Ўзбекистон қишлоқ хо‘жалиги»

Босмахонага топширилди: 2017 йил 28 сентябрь. Босишга рухсат этилди: 2017 йил 29 сентябрь. Қоғоз бичими 60x84 1/8. Офсет усулида офсет қоғозига чоп этилди. Шартли босма табоғи 4,2. Нашр ҳисоб табоғи 5,0. Буюртма № Нухсаси 4300 дона.

«PRINT LINE GROUP» ХК
босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри,
Бунёдкор шоҳ кўчаси, 44-уй.

Навбатчи муҳаррир: Б.ЭСОНОВ
Дизайнер: Н.БОЛТАЕВА

Реклама

ДЕҲҚОНОБОД КАЛИЙЛИ ЎҒИТЛАР ЗАВОДИ



**Эл-юрт тўкинлигини таъминлаётган заҳматкаш
деҳқону фермерлар, соҳибқору сабзавоткорлар!**

Дунё иқлими ўзгаришлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳамда унга ишлов бериш саноатида замонавий технологиялардан фойдаланиш озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашга хизмат қиладиган янги стратегик йўналишларни излаб топишни талаб этмоқда.

Бундай вазиятда Сизга ишониб топширилган ҳар бир қарич ердан самарали фойдаланишингиз лозим. Белгиланган агротехник тадбирларни ўз вақтида, сифатли ўтказиш, қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олишга қулай замин яратади.

Юқори ҳосил олишнинг асосий омилларидан бири маъданли ўғитлардан оқилона фойдаланишдир. Марказий Осиёда ягона бўлган Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи сифатли ўғитлари билан Сизни қўллаб-қувватлашга тайёр. Ўғитларимиздан фойдаланишга, биз билан ҳамкорлик қилишга шошилинг.

ДЕҲҚОНОБОД КАЛИЙЛИ ЎҒИТЛАР ЗАВОДИ УНИТАР КОРХОНАСИ


Телефонлар: (+998-75), 612-50-49, 612-50-32, 612-50-05.

Веб-сайт: www.uz-potash.uz.


Электрон почта: marketing@uz-potash.uz.

Маҳсулотлар сертификатланган

Ҳурматли журналхонлар! 2018 ЙИЛ УЧУН ОБУНА БОШЛАНДИ



Агар сиз
«ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ
ХЎЖАЛИГИ»
ва «АГРО ИЛМ»
журналларига
обуна бўлсангиз:



- аграр соҳага оид долзарб мавзулардаги мақолалардан;
- агросаноат мажмуига кирувчи корхона ва ташкилотлар, жумладан, илғор фермерлар, чорвадорлар ҳамда ирригация-мелиорация тармоқларида ибратли ишларни амалга ошираётган замондошларимиз, уларнинг ютуқ ва илғор тажрибалари ҳақидаги материаллардан;
- олим ва мутахассисларнинг таҳлилий ҳамда амалий тавсия, маслаҳатларидан;
- қишлоқ хўжалиги фанида эришилаётган илмий натижалар, ихтиролардан;
- Дунё қишлоқ хўжалигидаги янгиликлардан доимий хабардор бўлиб, касбий маҳорат ҳамда малакангизни ошириб борасиз.

Обунани бевосита тўғридан-тўғри таҳририятимиз орқали ёки «Матбуот тарқатувчи» АК, «Ўзбекистон почтаси ОАЖ»нинг жойлардаги бўлимларида расмийлаштиришингиз мумкин.

Обуна индекслари:

«ЎЗБЕКИСТОН

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ» — 895

«АГРО ИЛМ» — 859